# АМИРИЙ



# Қошингга тегузмагил қаламни

ШАРҚ МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

***

## *АМИРИЙ*

# *ҚОШИНҒҒА ТЕҒУЗМАҒИЛ ҚАЛАМНИ*

Ғазаллар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2008

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

А 60


Нашрга тайёрловчилар:
Аҳмаджон МАДАМИНОВ,
Эргаш ОЧИЛОВ,
Зебо ҚОБИЛОВА


Ўзбек мумтоз сўз санъати тарихида алоҳида ҳодиса бўлган Қўқон адабий муҳитининг вужудга келиши, гуллаб-яшнаши ва адабиётимизнинг муҳим бир босқичини ташкил этишида катта роль ўйнаган Амир Умархоннинг ўзи ҳам катта истеъдод соҳиби бўлиб, давр адабий муҳитининг пешқадам шоирларидан эди. У Амирий тахаллусининг билан ўзбек ва форс-тожик тилларида мумтоз шеъриятнинг ўнга яқин жанрларида бирдай маҳорат билан қалам тебратган, ҳар икки тилда девон тартиб берган забардаст зуллисонайн сўз санъаткори ҳисобланади. Оҳорли ташбеҳу тимсолларга бой бадиий баркамол шеърлари билан ҳақли равишда замондошлари эътирофи ва мақтовига сазовор бўлган шоирнинг ўзбек тилидаги девони асосида тайёрланган ушбу тўплам унинг ҳассос ва дилтортар ғазалларидан тузилди. Ҳофизлар томонидан севиб ижро қилиниб, халқимиз кўнглидан чуқур жой олган бу шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий баркамол ғазаллар шеърият мухлисларига муносиб туҳфа бўлади, деб ўйлаймиз.


ISBN 978-9943-00-247-0



© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2008.



OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI


## ИШҚ МУЛКИНИНГ АМИРИ

Истиқлол йилларида илгари турли сабаблар билан қораланган, унутилишга маҳкум этилган, қатағон қилинган кўплаб олиму адибларнинг муборак номлари оқланди ва абадийлаштирилди, илмий-адабий мерослари нашр этилиб, кенг ўқувчилар оммасига етказилди, улар ҳаёти ва ижоди юзасидан қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Лекин бу борадаги изланишлар бир лаҳза ҳам тўхтаб қолган эмас. Чунки маданиятимиз тарихидаги ўзига муносиб ўрнини топмаган буюк сиймолар, ўз тадқиқотчисини кутиб ётган дурдона асарлар ҳали бир талай. Қўқон адабий муҳитининг асосчиси, машҳур давлат арбоби ва бетакрор шоир Амир Умархон — Амирий шулар жумласидандир.

XIX асрнинг биринчи чораги сиёсий-ижтимоий ва маданий-адабий ҳаётида катта роль ўйнаган Амир Умархоннинг ҳаёти ва фаолияти ватанимиз тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Амирий тахаллуси остида ўзбек ва форс-тожик тилларида маҳорат билан қалам тебратган бу истеъдодли зуллисонайн шоир Қўқон хонлари сулоласига мансуб бўлиб, 1787 йили Фарғона ҳукмдори — ўзбекларнинг Минг уруғидан чиққан шоҳрухийлардан Норбўтабий хонадонида дунёга келади. Бошланғич маълумотни сарой муаллимлари қўлида олиб, кейин Қўқон мадрасасида ўқиган. Етук устозлар тарбияси, ўткир зеҳни

ва тиришқоқлиги туфайли араб ва форс тилларини чуқур ўрганади. Шарқ мумтоз адабиётини севиб мутолаа қилади. Муҳаммад Яъқубдан диний ва тасаввуфий илмларни ўрганади. Ўз даврининг барча асосий илмларини эгаллаб, ҳарб санъатидан ҳам таълим олиб, фозил ва шижоатли бир шахс бўлиб камолга етади.

Ақлли, тадбирли, ташкилотчи бўлгани учун ҳам Умархон ёшлигидан сарой хизматига жалб қилинади: акаси — Қўқон хони Олимхоннинг давлатни бошқариш ишларида фаол иштирок этади. 1807—1808 йилларда акаси унга Марғилон ҳокимлигини ишониб топширади. Шу йиллари у тоғаси — Андижон ҳокими Раҳмонқулибийнинг қизи Моҳларойимга уйланади.

Умархон Моҳларойим билан қисқа, лекин мазмунли умр кечириб, Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) ва Султон Маҳмуд номли икки ўғил кўради. Маъдалихон Хон тахаллуси билан яхшигина шеърлар ёзгани, Фузулийга эргашиб, озарбайжон лаҳжасида «Лайли ва Мажнун» достонини яратгани маълум.

Сиёсий арбоб сифатидаги ноёб истеъдоди, халқ ва амалдорлар билан муомала маданияти, яхши хулқи, чуқур билими, кенг дунёқараши туфайли қисқа фурсатда у ҳоким табақаларнинг эътиборига тушади. Улар «ёш Умарбекка хайрихоҳлик кўзи билан қарар эдилар. Умархон Қўқон хонлигига қарашли шаҳарлар ўртасида низо туғилиб қолган вақтларда жиддий вазиятдан қутулишнинг тўғри йўлларини излаб топишга ҳаракат қиларди. Катта жанжал ва тортишувларнинг олди олинишида тадбиркорлиги билан кўпчиликнинг диққатига сазовор бўлар эди»[1]. Бинобарин, «Умарбекнинг келажакда Қўқон хонлигининг ҳукмдори бўлиб қолишига ҳамма асос бор эди. Олимхоннинг мутакаббирлиги ва ҳокимиятни бошқаришдаги шафқатсизлигидан норози бўлган доиралар уни тахтдан четлаштиришга ҳаракат қилардилар»[2]. Натижада, Золимхон номи билан машҳур бўлган Олимхоннинг Тошкентда кўтарилган ғалаёнини бостириш учун қўшин тортганлигидан фойдаланиб, фитна уюштирадилар ва 1810 йили Умархонни хон қилиб кўтарадилар. Олимхон ҳам, унинг тахтга даъво қилиши мумкин бўлган ўғли Шоҳруххон ҳам ўлдирилади.

Умархон Қўқон хонлари орасида адолатлиси ва ватанпарвари бўлган. Унинг ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлигининг сиёсий мавқеи анча кучайди, чегаралари мустаҳкамланди, иқтисодий салоҳияти юксалди, мамлакатда тинчлик қарор топиб, турли ҳунарлар, илм-фан, санъат ва адабиёт ривожланди, кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шу тариқа, Мулла Олим Маҳдум Ҳожининг ёзишича, Умархон «.... андак фурсатда ҳамма аҳли Фарғонанинг кўнглини ўзига жазб

---

[1] Қодирова М. Амирий // Адабий мерос. 2-китоб. — Тошкент, 1971. 103-бет.

[2] Ўша жойда.

ва мусаххар[1] қилиб, эски ва қадимги бидъат ва зулмларға, шаръи[2] шариф манъ қилган ишларга мутлақо барҳам берубдур»[3].

Умархон фармойишига кўра, диний ҳаётда ҳам қаторислоҳотлар ўтказилди. У «ҳар ишни уламолар[4] фатвоси билан»[5] қилиб, «шариат ҳукмига кўкдин баланд маротиб[6] ва меърож[7] берди»[8]. Олимхон зулмидан қочиб, қўшни мамлакатларга кетиб қолган бир қанча уламо ва фузало[9] ҳамда таниқли зиёлиларни Қўқонга қайтаради. Ички ҳокимиятни бир оз мустаҳкамлагач, Қашқар, Туркистон, Ўратепа, Жиззах, Тошкент каби шаҳарларни ҳам ўз тасарруфига киритади. Ўша йилларда Олимхонга қарши қаттиқ курашиб келган Тошкент аҳолиси Умархонни эъзоз ва ҳурмат билан кутиб оладилар. Умархон Дашти Қипчоқ ерларида Оқмасжид, Янгиқўрғон, Қамишқўрғон, Жулек, Қўшқўрғон каби қалъалар — ҳарбий истеҳкомлар қурдирди. Бу қалъаларнинг мавжудлиги Туркистон мустақиллигини сақлашда, савдо

---

[1] Мусаххар – эгалланган, бўйсундирилган.

[2] Шаръ – шариат.

[3] Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Қарши, 1992. 37-бет.

[4] Уламо – ислом дини олимлари, илоҳиётчилар, фақиҳлар.

[5] Иброт. Фарғона тарихи. — Тошкент, 1991. 291-бет.

[6] Маротиб – мартабалар, даражалар.

[7] Меърож – юксалиш, кўкка кўтарилиш.

[8] Мирзаолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. — Тошкент, 1995. 19-бет.

[9] Фузало – фозиллар, фазилат эгалари, донишмандлар.



карвон йўлларини қўриқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Умархон даврида масжид ва мадрасалар қуриш кенг йўлга қўйилди. У 1816—1818 йилларда Қўқонда Жомеъ масжиди ва мадрасасининг қурилишида ташаббускор бўлди. Халқ орасида бу қурилиш билан боғлиқ диққатга сазовор бир ривоят мавжуд бўлиб, у Умархоннинг покдомонлик билан шариатга мувофиқ ҳаёт кечирган шахс бўлганлигидан далолат беради: масжид пойдеворига биринчи ғиштни қўйиш тантанасига шаҳарнинг барча нуфузли кишилари йиғиладилар. Амир Умархон тўпланганларга мурожаат қилиб:

— Балоғатга етган вақтдан бошлаб шаръий амалларни бирор марта ҳам тарк этмаган киши борми? — деб сўрайди.

Уламою фузалою амалдорлардан бирор киши юрак ютиб олдинга чиқмайди. Шунда хон:

— Худога шукр, умрида шариат қоидаларига зид иш қилмаган ўзим эканман, — деб илк ғиштни қўйиб беради.

Замон уламолари бу ҳолдан ниҳоятда таъсирланиб, ҳаммалари якдиллик билан уни «жаннатмакон» деб улуғлаган эканлар[1].

Умархон «амир ул-муслимин»[2] унвонини олиб, «ўз номида танга зарб қилиш ва исми жума на-

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Иброт. Фарғона тарихи. 289—290-бетлар.

[2] Амир ул-муслимин – мусулмонлар амири.

мозида хутбага қўшиб ўқитилиш ҳуқуқига эришди.

Бухоро амирлигида бўлгани каби маъмурий бошқарув жорий этилди ва кўп ўтмай Қўқон хонлиги ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди»[1].

Ота-боболаридан фарқли равишда, Умархон ўзини хон эмас, балки амир деб атайди.

«Умархон ҳукмронлик қилган даврда Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш учун ҳаракат қилиб кўрилади, шу мақсадда Петербургга Қўқон элчилари юборилади. Бироқ хонликка қайтишда улардан бири касалликдан вафот этади, иккинчиси эса Петропавловскда сургун қилинган солдат томонидан ўлдирилади. Бу нохуш воқеани бартараф қилиш учун 1813 йилнинг май ойида Қўқонга Ф.Назаров юборилади, элчини ўлдириш сабабларини аниқлагунча уни тутиб туради. Ф.Назаров хонликда бир йилча яшайди, 1814 йил октябрда Россияга қайтиб кетади»[2].

Маълумки, Қўқон хонлари ўзларининг келиб чиқишини Бобур орқали Амир Темурга олиб бориб тақашади. Қўқон хонлиги тарихи хусусида сўз борганда «Олтин бешик» афсонасини четлаб ўтиб бўлмайди. Унга кўра, «Мирзо Бобур ўз юртини ташлаб, Кобул ва Ҳиндистонга кетаётганида, йўлда бир ўғил фарзанд кўради. Ҳар хил андишалар билан чақалоқни бир олтин бешикка солиб, бир бешада[1] қолдириб кетади. Тангри иродаси ва тақдир тақозоси билан у гўдак улғайиб, унинг авлодлари кейинчалик Қўқон хонлари сулоласига асос соладилар. Бу воқеанинг ҳақиқатга қанчалик яқинлиги биз учун анча қоронғи. Бироқ шуни қайд қилиш лозимки, «Бобурнома»да бу ҳақда ҳеч нима ёзилмаган»[2].

---

[1] Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-жилд. — Тошкент, 1993. 68-бет.

[2] Б о б о б е к о в Ҳ. Қўқон тарихи. — Тошкент, 1996. 27-бет.



Ибрат: «Бу Умархон асрида ҳеч муҳораба[3] ва муқотала[4] бўлмай, аҳёнан Истаравшан[5], Ўратепа умаролари[6] илан ораларида воқеа бўлуб, катта муҳораба бўлмай, осойишта ўтган экан»[7], — деб ёзади. Чиндан ҳам, «Умархон ўз ҳукмронлиги даврида маълум феодал гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, улар орасидаги фитналарни бостириб, эҳтиёткорона сиёсат олиб борган»[8] бўлса-да, унинг даврида ҳам ўзаро урушлар тўхтамаган — у хонликка бўйсунмай қўйган Туркистон, Чимкент, Сайрам ва Авлиёотани қайта эгаллаб, мамлакат худудини кенгайтирган, Ўратепа

---

[1] Б е ш а — тўқай, ўрмон.

[2] М а т ғ о з и е в А. Шоҳид нигоҳида бўлган воқеалар (Сўзбоши) // М и р з а о л и м М у ш р и ф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. 4-бет.

[3] М у ҳ о р а б а — жангу жадал.

[4] М у қ о т а л а — жанг, қирғин.

[5] И с т а р а в ш а н — Ўратепанинг қадимий номи.

[6] У м а р о — амирлар.

[7] И б р а т. Фарғона тарихи. 292-бет.

[8] Р а с у л Х., Қ о д и р о в а М. Ҳакимхон — сайёҳ, тарихшунос ва адабиётшунос (Сўзбоши) // Ҳ а к и м х о н. Хотиралар. — Тошкент, 1966. 8-бет.

устида Бухоро амири билан кўп талашган. Бинобарин, Умархон ўз фаолияти давомида ҳар доим ҳам адолат билан иш кўрди, жабр-зулмга йўл қўймади деб бўлмайди. Чунончи, Ўратепани қамал қилган Умархон шаҳар аҳлининг қаршилигини синдириш, уларнинг тинкасини қуритиш учун етилган ҳосилга ўт қўйишни буюрган. «Тамоми... лашкар тўрт жиҳатдин ўт ёқдилар. Тамоми буғдой ва арпа ва зироат ва дарахтлар, хўл-қуруқ андоғ куйдиким, тамоми оламни ўт олди. Ҳеч барг ва дарахт қолмади, куюб кул бўлди», — деб ёзади бу ҳақда Ҳакимхон «Мунтахаб ут-таворих» асарида[1].

Бу воқеаларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлган шоира Дилшоднинг гувоҳлик беришича, Ўратепа истило қилингач, қаршилик кўрсатганлардан 1213 киши дорга осилган, 13 минг киши эса бошяланг, оёқяланг Фарғонага ҳайдалган. Қўқонга етиб келгач, бу асирлардан уч қизни ҳарам учун сайлаб олиб (уларнинг ичида Дилшоднинг ўзи ҳам бўлган), бошқалари «оқ уйлик» қилиб, саҳрога ҳайдалади. Бунинг маъноси шуки, улар етти йилгача уй-жой қуриш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, капада яшашга мажбур қилинган. Муҳожирлар Умархонга ариза билан мурожаат қилгач, у етти йилдан сўнг ҳар бир асир ўзига уй-жой қуриб, шаҳар барпо этсин деб рухсат берган экан. Бу шаҳар Амир Умархон шарафига «Шаҳ-

[1] Ўша жойда. 6-бет.



рихон» номини олган[1]. Бу жазоларнинг сабаби ўратепаликларнинг Умархонга таслим бўлмай, қаршилик кўрсатганликларида эди.

«Ўзининг гўзаллиги ва нозик табиати билан ажралиб турган Дилшодни уч кундан кейин ювинтириб, кийинтириб, Умархон ҳузурига олиб кирадилар. Хон Дилшоднинг шоиралигини билиб, уни синаб кўрмоқчи бўлади ва курси устида турган бир анорни кўрсатиб:

— Анорға не деюрсан? — деб савол қилади. Ғазабланиб турган Дилшод:

— Ичин қонга тўлдирибсан, — деб жавоб беради. Хоннинг ғазабига учраган шоира саройдан ҳайдалади»[2].

Бу воқеани у бир маснавийсида ҳам такрорлаб, жумладан:

*Умархон ном золим, номи шоир,*
*Чиройимиз кўруб, ул бўлди жобир[3],*

деб таъкидлайди.

Бундан ташқари, Умархон ўзининг улуғ аждодлари деб ҳисоблаган темурий шаҳзодаларга таассуб қилиб, ортиқча тантана ва дабдабалар учун давлат хазинасидан катта-катта маблағларни сарф қилади. Жумладан, 1818 йилнинг августида ўзи билан 300 бургут, 200 овчини олиб,

[1] Бу ҳақда қаранг: Д и л ш о д, А н б а р О т и н. «Ўзбек шоиралари баёзи» туркуми. — Тошкент, 1994. 80-бет.
[2] Ўша манба. 6-бет.
[3] Ж о б и р — жабр қилувчи, золим.

Марғилон, Қува, Шаҳрихон, Андижон томонларга бориб ов қилади.

Албатта, бу тарихий далиллардан кўз юмиб бўлмайди. Лекин бундан Умархоннинг фаолияти фақат уруш-юришлардан иборат экан, деб хулоса чиқариш ҳам тўғри эмас. Агар мамлакатда тинчлик, осойишталик ўрнатилмаса, давлатнинг иқтисодий салоҳияти етарли бўлмаса, бунчалик кўп ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмас, илм-фан, адабиёт ва санъат бунчалик кенг ривожланмас эди.

«Умархон тахтга чиққунча Фарғона — кушхонага айланган эди. Бу қирғинларга хотима бериб, масжиду мадрасалар, бозору расталар қурган, чўлларда шаҳар бунёд этган, ариқ-анҳорлар қаздирган, йўллар чиқарган, мамлакатда тинчлик, осудалик ўрнатган ҳукмдор нега прогрессив бўлмасин!»[1] Шунинг учун ҳам Дилшод ижодида Амир Умархон шахсига икки хил муносабатни кўрамиз: у Умархонни ҳукмдор сифатида танқид қилса-да, шоир сифатида унга юқори баҳо беради. Чунончи, «Тарихи муҳожирон» асарида Ўратепа истилоси воқеаларини баён этар экан: «Фарғона амири Умархон ўзи олим ва катта шоир бўла туриб, бу мазлум шаҳарнинг бирорта олим ва шоирига раҳм қилмади»[2], — деб ёзади.

[1] Жалолов Т. Мактублар // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992, 31 январь.

[2] Дилшод, Анбар Отин. «Ўзбек шоиралари баёзи» туркуми. 77-бет.



Шоиранинг қарашига кўра, шоирлик ва шоҳлик келишмайди, Умархон тақдир тақозоси билан тож кийган экан, ҳукмдорлик қоидаларига бўйсунишга, бу дунёнинг ўйинларига ўйнашга мажбур. Бошқача айтганда, шоҳлиги туфайли Умархон ўз ихтиёридан ташқари ишларни қиляпти. Чунки азалдан ҳукмронлик анъанаси шундай бўлган ва шоир бўлишига қарамай, Умархон бу одатларни бекор қилишга ожиз. Шунинг учун шоира танқидларининг тагида Умархонни оқлаш ва унга ачиниш оҳанглари сезилиб туради. Чунончи «Уруш» радифли ғазалида ўқиймиз:

*Жаҳонгирлиқ таманноси[1] шунча эрурким,*
*Бу номардға Амирни айлади аъзо уруш...*
*Шоҳдин шоирлиқ отини ювди охир, кўрунг,*
*Шоҳни мот қолдириб, айлади савдо уруш.*
*Орзу Барноға[2] шулки, бу Амир шоир эрур,*
*Шеър шамшири ила бўлғуси попайдо уруш[3].*

Дилшод тақдирида Умархон ҳал қилувчи роль ўйнаган: шоирани 17 ёшида ота-онасидан, туғилган юртидан, севган йигитидан жудо қилган. Бинобарин, унинг Умархон қиёфасида истилочи золим шоҳни, ўзини ҳарамига олмоқчи бўлган зинокор ва ишратпараст ҳукмдорни кўриши табиий эди. Шунга қарамай, у Умархоннинг шоирлигини

[1] Таманно — орзу, истак, умид.

[2] Барно — Дилшоднинг тахаллуси.

[3] Дилшод, Анбар Отин. «Ўзбек шоиралари баёзи» туркуми. 33-бет.

ҳамиша эътироф этган ва истеъдодига юқори баҳо берган. Қуйидаги ғазали бунинг ёрқин далили:

*Шеърият кишварига[1] шоҳ Амир,*
*Ҳамқалам дўстларига паноҳ Амир.*

*Гар Навоий эрса санноъи[2] ғазал,*
*Дору бўлғучи шифо — гиёҳ Амир.*

*Мулки Фарғона адабға эрса кўз,*
*Мисралар устидаги нигоҳ Амир.*

*Табъи Барносиға боқсангиз агар,*
*Шоирликда зарринкулоҳ[3] Амир[4].*

Умархон шахси ҳақидаги фикрларни аслида Нодирадан бошлаш керак. Чунки унинг инсоний фазилатларини ҳеч ким севимли умр йўлдошидан ортиқ билмаса керак. Нодира шеърларида ўз жуфти ҳалолининг сифатларини ўта назокат билан, шарқона одоб доирасида бирма-бир кўрсатиб ўтганлигини, хон-шоир ўқувчи кўз ўнгида шижоатли ва фозил инсон сифатида гавдалангалигини туйиш, ҳис этиш мумкин. «Шоиранинг исталган бир ғазалини ўқир эканмиз, ундаги асосий қаҳрамон — ёр тимсолида Умархонни кўрамиз»[5].

---

[1] Кишвар — мамлакат, ўлка, вилоят, иқлим.
[2] Санноъ — санъаткор.
[3] Зарринкулоҳ — бу ерда: пешво, пешқадам маъносида.
[4] Дилшод, Анбар Отин. «Ўзбек шоиралари баёзи» туркуми. 28-бет.
[5] Жўрахонов А. Нодира лирикасида Умархон образи // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1997, 5-сон, 46-бет.



Нодиранинг фикрича, Умархон «... асолат[1] гулистонининг шажараси[2] ва нажобат[3] бўстонининг самараси[4], мураббий ул-масокин[5] ва умдат ус-салотин»[6] эди...[7]

*Адолат сипеҳрида[8] эрди қуёш,*
*Эрур яхши авсофи[9] оламға фош.*

*Бўлуб адлидин[10] элни осойиши,*
*Анинг давлати эрди эл хоҳиши.*

*Амири жаҳонким, менга ёр эди,*
*Анинг бирла хуш давлатим бор эди[11].*

Нодира Умархоннинг табиатида сўз завқи ғолиб ва шеър ёзишга кўнгли роғиблиги[12], давлат ва салтанат ташвишлари билан ҳар қанча банд эканлигига қарамай, ҳамиша хаёли янги ва оҳорли ташбеҳу тимсоллар излаш билан машғул бўлиб, ғазал, мухаммас, мусаддас ва таржеъбандлар машқ қилиши, асарларига муттасил сайқал бериши ва

---

[1] Асолат — асиллик, асилзодалик.
[2] Шажара — бу ерда: дарахт, ниҳол.
[3] Нажобат — улуғлик, наслнинг поклиги.
[4] Самар — бу ерда: мева, ҳосил маъносида.
[5] Масокин — мискин, фақир, бечоралар.
[6] Умдат ус-салотин — ҳукмдорларнинг сараси.
[7] Нодира — Комила. Девон. — Тошкент, 2001. 19-бет.
[8] Сипеҳр — 1) осмон, фалак; 2) давр, замон; 3) тақдир.
[9] Авсоф — васфлар, мақтовлар, таърифлар.
[10] Адл — 1) адолат, одиллик; 2) инсоф.
[11] Нодира — Комила. Девон. 19—20-бетлар.
[12] Роғиб — мойил.

улардан «ошиқларға сурур ва ҳусн аҳлиға ғурур пайдо бўлиши», ўзаро адабий суҳбатлари таъсирида ўзи ҳам гоҳи-гоҳида мисра ва байтлар тўқиши, у бу намуналарнинг баъзисини таҳрир қилиб, қиёмига етказиши, шу тариқа оз фурсатда шеър ёзиш қоидаларини ўрганиб олиб, шоирликда маҳорат пайдо қилгани ҳақида тўлқинланиб ёзади. «Эрса гоҳо ул Ҳазрат баъзи тоза мазмунлардин бир мисраъ бирла савол тариқасида сўрар эрдилар, филфавр[1] охири мисраъ бирла жавоб айтур эрдим ва табиатларини хуш қилур эрдим. Бири будурким, бир куни савол қилдиларким, мисраъ:

— *Нега арбоби хирад[2] аҳли жунунднинг[3] ори бор?*

Жавоб айтдимки, мисраъ:

— *Ким булар урён[4], аларнинг жуббау[5]*
*дастори[6] бор.*

Бу тариқа мазмунлар бирла кўнгулларига фараҳ[7] еткурур эрдим, мундоғ латойиф[8] ва назокат-

---

[1] Ф и л ф а в р — дарҳол.
[2] Х и р а д — ақл, ҳуш, зеҳн. А р б о б и х и р а д — фозиллар, донишмандлар.
[3] А ҳ л и ж у н у н — девоналар. Тасаввуфда Оллоҳдан бохабару ўзидан бехабар ошиқлар, дарвешларга жунун аҳли дейилади.
[4] У р ё н — яланғоч.
[5] Ж у б б а — қаландар ва шайхлар киядиган пахтали махсус тўн.
[6] Д а с т о р — салла.
[7] Ф а р а ҳ — шодлик, хурсандлик.
[8] Л а т о й и ф — нозик маъноли сўзлар, ажойиб ҳикоялар.



лар бирла рўзгори[1] давлат ва салтанат хуш кечар эрди»[2].

Маълум бўладики, Нодирани шеър ёзишга ундаган, ундаги поэтик иқтидорни юзага чиқарган, унинг маҳорат касб этиши ва шоира сифатида шаклланишида Умархоннинг хизматлари катта.

Амирий ва Нодирани «ўзаро абадий мустаҳкам боғловчи ришталардан бири ҳар икки шахс табиатига хос туғма фазилатлар — адабиётга муҳаббат, шеъриятга ихлос, истеъдод қадри ва ижод нашидаси туйғуси бўлган. Нодирабегимнинг Умархон ҳақида сўз очганида худди шу фазилатларга урғу бериб, қайд этиши тасодифий эмас»[3].

Ўзбек мумтоз сўз санъати тарихида алоҳида ҳодиса бўлган Қўқон адабий муҳитининг вужудга келиши, гуллаб-яшнаши ва адабиётимизнинг муҳим бир босқичини ташкил этишида катта роль ўйнаган Амирий ўзи асос солган адабий муҳит намояндаларидан қолишмайдиган даражадаги ноёб истеъдод соҳиби эди. Шоҳ-шоир шеърларини Ғозий, Ҳозиқ, Махмур, Маъдан, Нодира, Маҳзуна, Увайсий, Нодир, Гулханий каби забардаст замондошларининг ижоди билан қиёсий ўрганиш бу фикримизда заррача муболаға йўқлигини кўрсатади. Ҳолбуки, нафақат жамиятда, балки адабиётда ҳам синфий мувозанат ҳукмронлик қилган

---

[1] Р ў з г о р — 1) ҳаёт, турмуш, тирикчилик; 2) давр, замон.
[2] Н о д и р а. Комилла. Девон. 20—21-бетлар.
[3] А б д у ғ а ф у р о в А. Қало қаъридаги қаҳрамонлар. — Тошкент, 1998. 173—174-бетлар.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI 1-FILIALI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI

шўро даврида номлари зикр этилган шоирлар ижоди кенг ўрганилгани ҳолда, у адабий муҳитнинг ташаббускори ва ҳомийси бўлган Амирий ва Фазлий, Адо, Вазир, Нола, Нақиб, Ошиқ, Мир, Асад, Маъюс тахаллуслари билан ижод қилган унинг аъёну[1] амалдорлари асарларига «сарой адабиёти» тамғаси босилиб, улар бир чеккага сурилиб қўйилди.

Бугун биз биламизки, ўзбек адабиёти тарихини «сарой адабиёти»дан ажратиб олиб тасаввур қилиш мумкин эмас. Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Нодира, Увайсий, Мунис, Огаҳий каби ўзбек сўз санъатининг забардаст намояндалари ижоди бевосита сарой муҳити билан боғлиқ. Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Убайдуллохон, Амир Умархон, Феруз каби ҳукмдорлар ўзлари бадиий ижод билан шуғулланибгина қолмай, фан, маданият ва адабиёт тараққиётига ҳомийлик қилганлар. Ўзбек мумтоз адабиётининг асосий қисми саройда ва унга боғлиқ ҳолда яратилган. Шунинг учун ҳам шўро даврида бу борада бир ёқлама йўл тутилди: Алишер Навоий ўзбек адабиётининг асосчиси сифатида улуғланди-ю, унинг бир умрлик дўсти ва ҳамкори Ҳусайн Бойқаро ҳукмдор табақа вакили сифатида қораланди. Қўқон хони Амир Умархон феодал-клерикал адабиёт вакили сифатида танқид қилинди-ю, унинг хотини малика Нодира демократик йўналишдаги адабиёт намояндаси сифатида кўкларга кўтарил-

[1] А ъ ё н — улуғ мартабалилар, мансабдорлар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI



ди. Мунис ва Огаҳий ижоди ўрганилди-ю, уларни қўллаб-қувватлаган, умуман, Хива адабий муҳитига ҳомийлик қилган Феруз унутилди.

Садриддин Айний «Намунаи адабиёти тожик» тақирасида Амирийнинг икки тожикча ғазалини келтириб, унинг Қўқон адабий муҳитини ташкил этишдаги ролига ижобий баҳо беради. Чунончи, шуаро[1] ва фузалонинг мураббийси эди, бу даврнинг машҳур шоирлари унинг тарбияси ва ҳомийлигида камол топди, деб ёзади. Олимнинг таъкидлашича, Амир Умархон ўзининг қисқа умрида адабиёт ривожи учун кўп ишларни амалга оширди. Амир Алишердан кейин Туркистонда ривож топмаган туркий шеърият бу Амир даврида иккинчи марта юқори мавқега кўтарилди[2].

«XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётиға умумий бир қараш» мақоласида Абдурауф Фитрат ҳам Қўқон адабий муҳити ва Амир Умархон фаолиятига ижобий баҳо беради: «Аштархонийларнинг сўнгги даврларида истиқлол олган Фарғонада ҳам Олимхон ва Умархонлар замонида адабиёт янгидан бош кўтарди. Айниқса, Умархон замонида сарой атрофида бир кўб шоирлар йиғилдилар. Буларнинг орасида Фазлий, Ҳозиқ, Ҳижлатхон каби санъатда юқори даражада турганлари бор эди»[3].

[1] Ш у а р о — шоирлар.
[2] А й н и й С. Намунаи адабиёти тожик. — Москва, 1926. С. 195—196.
[3] Ф и т р а т А. Танланган асарлар. Иккинчи жилд (Илмий асарлар). — Тошкент, 2000. 59-бет.

Таниқли адабиётшунос олим Тўхтасин Жалоловнинг ёзишича: «Умархонгача Фарғона хонлари адабиёт яратган эмас, Умархон эса ўз асри шеъриятини яратди, пароканда нарсаларини тўплаб, тазкиралар тузиб, келгуси авлодларга армуғон қилиб кетди»[1]. Бинобарин, Қўқон адабий муҳитининг вужудга келиши, ривожланиши ва ўзбек адабиёти тарихида алоҳида бир босқичга айланиши бевосита Умархон номи билан боғлиқ.

Қўқон адабий муҳитини ташкил этиш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, давр шоирларига раҳнамолик қилиш ҳамда уларга таъсир ўтказиш орқали Амирий Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Убайдий каби маърифатпарвар ҳукмдорлар анъанасини муносиб даражада давом эттирди ва ўзи ҳам ўзбек маданияти ва адабиёти тарихида Қўқон адабий муҳитининг асосчиси, ҳомийси ва раҳнамоси сифатида муносиб ўрин эгаллади. Агарда унинг ўзи бадиий ижод билан шуғулланмай, Қўқон адабий муҳитининг асосчиси ва ҳомийси бўлиш билангина кифояланиб қолганида ҳам бундай шарафга муяссар бўлиши шубҳасиз эди. Ҳолбуки, Амирийнинг ўзи ҳам ўзбек ва форс тилларида маҳорат билан қалам тебратган, оҳорли ташбеҳу тимсолларга бой ҳассос шеърлари билан ҳақли равишда замондошларининг эътироф ва мақтовига сазовор бўлган. Бинобарин, у юксак шоирлик салоҳияти ва бадиий баркамол ижоди

[1] Ж а л о л о в Т. Мактублар.



билан ўзи асос солган Қўқон адабий муҳитининг етакчиси бўлишга ҳар жиҳатдан муносиб ижодкор эди. Ижодининг мавзу доираси муайян даражада торлиги (аксар ишқий шеърлар битган), жанрий таркибининг чегаралангацлиги (у асосан ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ ёзган), вазний якранглиги (кўпроқ рамал ва ҳазаж баҳрларини қўллаган), шеърларида давр танқиди ва шикоят оҳангларининг деярли учрамаслиги жиҳатидан замондошларидан бир қадам орқада бўлса-да, анъанавий мавзуларни ишлаш, уларнинг янги қирраларини очиш ва оҳорли тимсолу ташбеҳлар билан бойитишда ўз даври шоирларидан бир поғона юқори туради.

Шунинг учун ҳам, Т. Жалолов: «Умархон ўз асрининг зўр истеъдодли шоири. Агар унинг ўрнида бошқа подшоҳ бўлганда, Фазлийни эмас, Умархоннинг ўзини малик уш-шуаро қилиб тайинлаган бўларди. Умархоннинг ўзбек ва тожик тилларидаги латиф ғазаллари ўзининг равонлиги, мусиқийлиги ва мантиқий, фалсафий теранлиги билан ўз замондошларига ҳам, Муқимий, Фурқатларга, ҳатто бизнинг Ҳамза Ҳакимзодага ҳам ижобий таъсир қилиб келган»[1], — деб ёзган эди. Чиндан ҳам, Қўқон адабий муҳити Бухоро ва Хива адабий муҳитига ҳам, ўзбек адабиётига янги нафас олиб кирган Муқимий, Фурқат, Завқий, Муҳйи каби забардаст шоирларга ҳам кучли таъ-

[1] Ж а л о л о в Т. Мактублар.

сир кўрсаттани, бу таъсир излари замонавий адабиёттача етиб келгани ва ғазалнавис шоирлар ижодида ҳозиргача давом этиб келаётганини кўриш мумкин.

Амирий ҳаёти, фаолияти ва ижоди ҳақида у ҳаётлигидаёқ «кўп ва хўб» ёзилган. Жумладан, Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкираси, Мирзаолим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин», Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ут-таворих», Исҳоқхон Ибратнинг «Фарғона тарихи», Дилшод-Барнонинг «Тарихи муҳожирон» каби тарихий асарлари, Нодира, Дилшод, Махмур, Адо, Увайсий, Гулханий, Ғозий, Маъдан каби Қўқон адабий муҳити намояндаларининг шеърларида ҳукмдор шоир шахси, фаолияти ва шеърлари хусусида гоҳ кўтаринки руҳдаги, муболағали, гоҳ бир ёқлама танқидий фикрларга дуч келамиз. Замонавий адабиётшуносликда эса Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Олим Шарафиддинов, Миён Бузрук Солиҳов, Иброҳим Мўминов, Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Тўхтасин Жалолов, Пўлатжон Қаюмов, Азиз Қаюмов, Маҳбуба Қодирова, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Аҳмаджон Мадаминов, Ҳамидулла Болтабоев, Ҳамиджон Ҳомидий, Рустам Тожибоев, Отабек Жўрабоев, Сабоҳат Раҳимова каби олимлар Қўқон адабий муҳити, Амирий ҳаёти ва ижодининг у ёки бу қирраларини ёритганлар. Айниқса, А. Қаюмовнинг Қўқон адабий муҳити номли салмоқли



тадқиқотининг яратилиши[1] ва М. Қодирова томонидан ҳукмдор шоирнинг ўзбек тилидаги шеърлар девонининг нашр этилиши адабий ҳаётда муҳим воқеа бўлди[2].

Амирий ижодида мумтоз шеъриятнинг ўнга яқин жанрларида яратилган кўплаб шеърлар мавжуд. Бу шеърлар шоир девони нусхалари, Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкираси, турли баёзлардан жой олган. Амирий ижодига қизиқиш шу даражада кучли бўлганки, унинг девони XIX аср охири — XX аср бошларида Тошкент, Бухоро, Истанбул каби шаҳарларда тошбосма усулида 15 мартадан ортиқ чоп этилган. Шу билан бирга, шеърият мухлислари томонидан қайта-қайта кўчирилган, шеърлари турли баёз ва мажмуаларга киритилган. Уларнинг нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қўқондаги қўлёзма фондлари, кутубхоналар, музейлар ва баъзи бир адабиёт мухлислари қўлида сақланади. Қўлёзма ва тошбосма нусхаларни, турли тазкира ва баёзларни тадқиқ этиш ва тавсифлаш жараёнида унинг 10229 мисра меросини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг матншунослик ва ёзма ёдгорлик-

---

[1] Қаранг: Қ а ю м о в А. Қўқон адабий муҳити (XVIII—XIX асрлар). — Тошкент, 1961.

[2] Қаранг: А м и р и й. Девон (Ўзбек тилидаги шеърлар). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Қодирова. — Тошкент, 1972.

ларни нашр этиш бўлимининг илмий ходимлари томонидан ёзма адабиёт каталоги учун йиғилган материаллар орасида Амирий девонининг 26 та қўлёзмаси ҳисобга олиниб, уларнинг илмий тавсифи берилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам Амирий девонининг 17 та қўлёзмаси мавжуд[1]. Амирийнинг қўқонлик адабиёт ихлосманди Солижон Йўлдошевнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган 1877 йилда кўчирилган нисбатан мукаммал девонига асосланадиган бўлсак, шоирнинг ҳозиргача бизга жами 544 та шеъри маълум: 465 та ғазал, 53 та мухаммас, 5 та мусамман, 6 та мусаддас, 16 та туюқ. Ўзбек тилидаги шеърлар 307 та, форс-тожик тилидаги шеърлар эса 159 тани ташкил этади. Амирий ижоди жанрий таркиби жиҳатидан ранг-баранг бўлмаганидек, мавзу доираси ҳам кенг эмас. Шоир мероси ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржеъбанд, туюқ каби жанрлардан иборат. У ўз истеъдодини кўпроқ ғазал ва мухаммасда намоён этган.

Шоир шеърияти мавзусига кўра асосан ишқий йўналишда. Диний мавзудаги шеър ва байтлар озчиликни ташкил қилади.

Шоҳ-шоир ижодида салафларида бўлгани каби тақдирдан, дунёдан, одамлардан шикоят мотивлари деярли учрамайди. Бу балки Амирийнинг

[1] Бу ҳақда қаранг: А м и р и й. Девон. 14—15-бетлар.



ҳаётда омадли кишилардан экани — сиёсий-ижтимоий фаолиятида жиддий қаршиликларга дуч келмагани каби, шахсий-оилавий турмушда ҳам бахтиёрлиги билан изоҳланар. Унда-бунда учрайдиган норозилик руҳидаги баъзи байт ва мисраларни эса ўтмиш адабиётидаги анъана таъсири деб ҳисоблаш мумкин.

Амирий асосан арузнинг халқчил, кўп қўлланиши жиҳатидан туркий вазнлар сифатида машҳур рамал ва ҳазаж баҳрларида ижод қилган.

Амирий девонида ғазал етакчи ўринга эга. Ўзи девон дебочасида таъкидлаганидек, у ғазалнавис устозлар изидан бориб, уларнинг барҳаёт анъаналарини давом эттирди. Айни пайтда, анъанавийлик доирасида қолиб кетмасдан, ўзига хос маъно ва поэтик жилоларга эга бўлган дилбар ғазаллар яратди. Ўзбек тилининг бой имкониятларидан маҳорат билан фойдаланди.

Амирий ижодида ҳақиқий ва мажозий ишқ тасвири ўзаро омухта бўлиб кетган. Зоҳиран ҳаёт гўзали мадҳ этилган ғазаллар кўпинча ботинан илоҳий маҳбуба таърифига бағишланган бўлиб чиқади. «Қошингға тегузмағил қаламни...» ғазали бу жиҳатдан фикримизнинг далили бўла олади. Ҳаёт гўзали васф қилингандай таассурот қолдирувчи мазкур ғазалнинг тасаввуфий мазмун асосига қурилганлигини бутхона, тарсо, санам, жоми Жам, ҳарам, шароб, коса каби сўфиёна истилоҳлар қўлланғани, шунингдек, қош, кўз, лаб, соч

(зулф), ёр тимсолларининг айнан рамз бўлиб келгани яққол кўрсатиб турибди. Чунончи:

*Нақши қадаминг муяссар ўлса,*
*Найлай бу жаҳонда жоми Жамни?*

Жам — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид номининг қисқарган шакли. Жамшид «Жоми жаҳоннамо» — жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Илоҳий сирларни ошкор қилиши жиҳатидан май қадаҳи ҳам Жоми жаҳоннамога ўхшатилади. Шунингдек, илоҳий асрорлардан огоҳ комил инсоннинг қалбини ҳам Жамшид жоми — Жоми жаҳоннамога нисбат беришади. Чунки бу қалб илоҳий маърифатга кон бўлиб, унга боққан ориф Оллоҳ моҳияти, ғайб сирларидан огоҳ бўлади.

Солик учун мақсад — илоҳий маҳбуба. Жамшид жоми ёки бошқача айтганда, дунё, нафс ва жисм ташвишларидан покланиб, шаффоф бир кўзгуга айланган ориф қалби ана шу илоҳий маҳбубани кўриш учун бир восита. Бинобарин, маъшуқа қадамининг нақши муяссар бўлар, яъни ошиқ маъшуқа васлига етар экан, энди Жамшид жомига ортиқ эҳтиёжи қолмайди. Шунинг учун ҳам у ёрга еттач, энди Жамшид жомини нима қиламан, дейди. Қаршингда маъшуқанинг ўзи турганда унинг кўзгудаги аксига боқмайсан-да!



«Чорзарб» куйи билан айтиладиган бу қўшиқ халқимиз орасида машҳур бўлиб, узоқ вақтдан буён куйланиб келади. Бунинг сабаби ғазал шаклан ихчам, услубан равон, мазмунан теран, бадиий жиҳатдан юксак. Оддийлик ва гўзаллик, соддалик ва теранлик, самимийлик ва ҳассослик ғазалда ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. Ғазал оҳангдор, шиддатли ва таъсирчан»[1].

Бу ғазалнинг яратилиши ҳақида халқ ичида турли-туман ривоятлар юради. Шулардан бирида ҳикоя қилинишича, «кунларнинг бирида Умархон (Амирий) шеър ёзиш учун ўтирган. Лекин ҳадеганда янги шеър ёзилавермаган. Умархон эса бу аҳволдан ортиқча ранжимай, шоирона хаёл суриб ўтиришда давом этган. Одатда, у шеър ёзаётганда бир канизак қиз олдида туриб, қамишқаламнинг учини майда хас ва қуйқалардан тозалаб бериб турар экан. Хаёл асносида Умархоннинг кўзи канизак қизга тушади. У эса қаламнинг учини қошига тегизиб тозалаётган бўлади. Умархон шу манзарадан илҳомланиб, қуйидаги матлаъни битган ва шеърни яна давом эттириб, тўла ғазал ҳолига келтирган экан:

*Қошингға тегузмағил қаламни,*
*Бир хат ила бузмагил рақамни...* »[2]

---

[1] О ч и л о в Э. «Қошингға тегузмағил қаламни...» // «Ишонч», 2005, 28 январь.

[2] Ҳ а й и т м е т о в А. Адабий меросимиз уфқлари. — Тошкент, 1997. 48-бет.

Маълумки, ишқ — Шарқ шеъриятининг асосий мавзуси ҳисобланади. Лекин кўпчилик шоирлар ижодида фалсафий-ижтимоий мулоҳазалар, фалак, тақдир, замонадан шикоят мотивлари, панд-насиҳат, табиат манзаралари тасвири ва бошқаларга ҳам дуч келсак, Амирий шеърлари бошдан-оёқ муҳаббат мавзуида: у гоҳ дунё гўзали, гоҳ илоҳий маҳбубани ҳассос мисраларда тараннум этса, гоҳ мажозий ва ҳақиқий ишқ тасвирини маҳорат билан уйғунлаштириб юборади. Гоҳ анъанавий, гоҳ халқона, гоҳ оҳорли ташбеҳу тимсоллар, бадиий санъатлар воситасида маъшуқани таъриф-тавсиф этади, ўзининг унга бўлган жўшқин ҳиссиётларини оташин мисраларга тизади. Ишқни ҳаётнинг маъноси, ижоднинг илҳомчиси ҳисоблаган шоир кўплаб ғазалларида ўзини «муҳаббат мулкининг султони», «ишқ шаҳрини(нг) шоҳи», «ишқ мулкини(нг) амири», «мулки дил амири», «ишқ амири», «кўнгил тахти амири», «жунун[1] шаҳри амири», «жунун аҳли шоҳи» «иқлими вафо амри», «иқлими муҳаббатни(нг) амири» сифатлари билан лутф этади. «Ишқ иқлимини тасхир[2] этти иқболим Амир», «ишқу жунун мулкини фатҳ эттим», «Мулкати[3] меҳру муҳаббат узра бўлмишман Амир» дейди. Бир ғазалида ишқ

[1] Ж у н у н — ошиқлик, беқарорлик, савдойилик, девоналик. Тасаввуфда мастликнинг интиҳосию дарвешликнинг ибтидоси. Ишқда ўздан бехабарлик.

[2] Т а с х и р — сеҳрлаш, қўлга киритиш, забт этиш.

[3] М у л к а т — 1) подшоҳлик; 2) давлат, мамлакат.



масаласида Афлотун ўзининг шогирди эканлигини айтса, бошқасида: «Мен кўнгиллар мулкининг амири, ишқ шаҳрининг шоҳиман, бу борада даргоҳимдаги мулозимларнинг ҳар бири Афлотун[1] билан тенгдур», — деб лутф этади:

*Мулки дил Амириман, ишқ шаҳрини шоҳи,*
*Ҳар бири Фалотундур даргаҳимда чопарлар.*

Шарқ сўз санъатининг забардаст номояндаларидан ўрганиш, улардан таъсирланиш, ғазалларига татаббуъ ёзиш, тахмис боғлаш — Амирий ижодининг етакчи хусусияти ҳисобланади. Хусусан, у Камол Хўжандий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Фузулий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби устоз шоирлардан бир умр маҳорат сабоғини ўрганди. Бинобарин, бу улкан сўз санъаткорлари асарларини четлаб ўтиб, Амирий ижодига баҳо бериш мумкин эмас. Чунки шоҳ-шоир шеърларининг ҳар байтида бу шеърият даҳоларининг ҳаётбахш таъсири сезилиб туради. Амирий устодлар анъанасини садоқат билан давом эттириб, ўзи ҳам юқори чўққиларни кўзлади. Натижада, салафлари ғазалларига боғланган мухаммаслар ва улардан илҳомланиб битган татаббуълари ҳам унинг истеъдоди даражасини белгилайдиган мезонга айланади.

[1] А ф л о т у н (Ф а л о т у н) — қадимги юнон файласуфи Платон.

Албатта, Амирий фақат салафларга эргашиб, устозлари таъсирида қалам тебратиш билан кифояланиб қолмаган, балки анъана доирасида янгилик қилишга, Шарқ адабиётида кенг ишланган тимсолу ташбеҳларнинг янги-янги қирраларини топишга, ўзига хос оҳорли ўхшатишлар, бадиий санъатлар қўллашга ҳаракат қилган. Агар унинг шеърлари буюк сўз усталарига шунчаки тақлиддан, анъанавий тимсолу ташбеҳларни такрорлашдан, қофияю радифбозликдан иборат бўлганида халқ ўртасида бунчалик шуҳрат қозонмаган, ғазаллари ҳофизлар тилига тушмаган, ўзидан кейинги шоирларга кучли таъсир ўтказмаган бўлар эди. Айтайлик, маъшуқа юзини — офтоб, ой, ойина, гулга, кўзини — наргис, бодомга, лабини — оби ҳаётга, шакарга, Масиҳга, қаддини — сарв, шамшод, алифга, хаттини — райҳонга, сабзага, қошини — ҳилолга, ёйга ўхшатиш қадим ул-айёмдан давом этиб келаётган анъана. Бу ташбеҳлар истиорага айланиб кетган ва барча шоирлар ижодида учрайди. Фақат истеъдодли шоирлар бу анъанавий ташбеҳлардан ўз ижодларида фойдаланган ҳолда, айни пайтда, уларнинг янги, оҳорли қирраларини очишга, асрлар мобайнида давом этиб келаётган бу ўхшатишлар силсиласига ўзига хос ва бетакрор санъат намунасини қўшишга, шу тариқа уларни ривожлантириш ва бойитишга интилганлар.

Амирийнинг кўпгина ташбеҳу тимсоллари гарчи анъанавий бўлиб туюлса-да, улар бошқа шоирлар



ижодида айнан шу ҳолда учрамайди — қайсидир жиҳати кучайтирилган, қайсидир қирраси бойитилган, қайсидир томони ривожлантирилган, қайсидир янги хусусияти топилган бўлади. Мисол учун, маъшуқанинг шамолда ўйнаётган баногўши[1] устидаги зулфлари қор узра қанотини ёйиб ўйнаётган ғуроб[2] — қора қарғага ўхшатилади:

*Икки зулфингни баногўшингда тебратмиш сабо,*
*Ўйлаким, очиб қанотин, қор уза ўйнар ғуроб.*

Бундай гўзал ва оҳорли ташбеҳлар Амирий ижодида жуда кўп. Чунончи, мана бу байтда юзга тушиб тургани туфайли зулфнинг гўзал кўриниши тутуннинг шам шуъласи сабабли мафтункор манзара ҳосил қилишига ўхшатилади:

*Эй топиб гулдек юзунгдин турраи таррор зеб,*
*Гўиё бермиш тутунға шамъи оташбор зеб.*

Сарҳуш маъшуқанинг кечаси кўчага чиқиб, юзидан ниқобини олишини қуёшнинг тунда чиқиши каби оламга қиёмат солишига ўхшатадики, бизнингча, бу ҳам Амирийнинг ўзигагина хос бўлган ташбеҳлардандир:

*Кечалар сарҳуш чиқиб, олма жамолингдин ниқоб,*
*Тушгай ошуб олама гар кеча чиқса офтоб.*

---

[1] Б а н о г ў ш — қулоқ солинчоғи.
[2] Ғ у р о б — қора қарға, зоғ.

Маъшуқа мужгонидан ошиқ кўксига санчилган пайконни шоирлар ранг-баранг ташбеҳ этганлар — деворга, ҳисорга, устунга ва бошқаларга ўхшатганлар. Амирий уни туморга ўхшатиб, бу борадаги ташбеҳлар силсиласига ўзига хос янги ташбеҳ қўшади:

*Отарлар новаки мужгон ила кўксумга пайконин,*
*Эмас захме, жунуним дафъига туморлардур.*

Амирий ижодида у ёки бу бадиий санъатдан холи, шунчаки ифодаланган байтлар йўқ ҳисоби. Бу унинг адабиётнинг асл моҳияти ва вазифасини чуқур тушунганлиги ва ўз ижоди орқали адабий-эстетик талабларга риоя қилганлигидан далолат беради. Шоир бирор-бир фикр-кузатишлари, ўй-мушоҳадаларини тўғридан-тўғри ифодаламайди — хоҳ анъанавий, хоҳ оҳорли бўлсин, ташбеҳлар қатига ўраб беради.

Бу ташбеҳларнинг кўпи ҳаётийлиги, ўқувчига таниш нарса-тушунчалар асосига қурилганлиги, кўнгилга яқинлиги, содда ва тушунарлилиги, гўзал ва таъсирчанлиги билан диққатни тортади. Бугина эмас, шоирнинг аксарият байт ва мисраларида бир неча санъатлар бир-бирини тақозо қилиб, бир-бирини тўлдириб, ўзаро ёнма-ён келади. Бу Амирийнинг Шарқ адабиётини чуқур билиши, салафлари ижодини чанқоқлик билан мутолаа қилиб, улардан маҳорат сирларини ўргангани, айни пайтда, ўзи ҳам уларга муносиб санъаткор шоир бўлиб етишганини кўрсатади. Чунончи:



*Ёр айди: «Қайси ҳиндудур гулистон саҳнида?»*
*Айдим: «Эй сиймбадан, юз узра холингдур ўшал».*

Холни ҳиндуга ўхшатиш мумтоз шеъриятда кенг тарқалган ташбеҳлардан. Хол қоралиги жиҳатидан ҳиндуга нисбатан берилади. Бу ташбеҳ кенг тарқалганлигидан ҳатто истиорага айланиб кетган. Худди гул деганда юз, сарв деганда қомат, бодом деганда кўз, лаъл деганда лаб кўзда тутилгани каби, ҳинду деганда ҳам ўз-ўзидан хол тушунилади. Келтирилган байтда ҳам у айнан истиора бўлиб келган. Шу билан бирга, «сиймбадан» сўзи ҳам кумуш танли ёр маъносида келиб, истиора ҳосил қилаяпти. Диққат қилинса, шоир хол — ҳиндуга ўхшайди деган анъанавий ташбеҳни савол-жавоб санъати асосида образли ифодалаб, ўзига хос бадиий мукаммал бир байт яратган. Бу ерда «гулистон» сўзи ҳам истиора бўлиб, маъшуқанинг юзини ифодалаб келаяпти.

Аслида «гулистон» сўзи бу ерда икки маънода келиб, ийҳом санъатини ҳам ҳосил қилаяпти: гулзор ва маъшуқанинг юзи.

Байтда ташбеҳ санъати ҳам мавжуд: юздаги хол гулистондаги ҳиндуга ўхшатилаяпти.

Кўриниб турибдики, биргина байтда саволу жавоб, ташбеҳ, ийҳом ва истиора (уч марта!) санъатлари ёнма-ён келган. Бу Амирийнинг маҳорати баланд шоир бўлганлигидан далолат беради.

Амирийнинг алоҳида байт, ғазаллари кўздан кечирилса, бир қатор қуйма ифодалар, халқона

ибора ва ҳикматларга ҳам дуч келинади: «бўлсун саломат бошингиз», «Қатиғ кўнгулли сиз каби қотилни кўрмадим», «Ишқдин расвойи олам бўлдуму», «Бир чучук сўз битдим аччиғи келса ул гул», «Хам бўлиб, таъзим этиб, ер ўпти фармонингда қош», «Тангри карам этсун они бир ёшиға юз ёш», «Бу чаманни олмаси ширин, нори сучук», «Расмдур элга бузуқ манзилни обод айламоқ», «Борғали кўйингга эмди қолмади менда юрак», «дарду ғам деворида қолғон сомон дерлар», «туфроғимни елга бердинг», «Ўзимни бу жиҳатдан сурати деворга ўхшатдим», «Расмдур журм аҳлини таъзир учун бўйниға ғул», «Суяндим соядек девора ногоҳ», «фироқида беҳидек сарғайиб», «Азми зафар этган чоғи бўлсун Хизр йўлдошингиз», «Кўнглунг на бало қаттиғ эрур, эй юраги тош», «Кўз учидин бир нигоҳ, эй шўх, эҳсон қилмадинг», «Ёғин ёғмоқ муқаррар бўлса гар ой даврида ҳола», «васл аро ҳожатму даллола», «юрак ўйнарда етмиш анга бир офат» ва ҳоказо. Бундай халқона ифодалар, ҳикматлар, қочиримлар бадиий тасвир воситалари билан зийнатлангани ёки улар ўрнида келганидан муайян байт ёки ғазалнинг таъсирчанлик даражаси ошган ва шоирнинг бадиий маҳоратини белгиловчи омиллардан бирига айланган.

Амирий шеърлари учун хос хусусиятлардан бири шоирнинг ўз тахаллусини ҳам икки маънода ишлатишидир: деярли барча шеърларида у ҳам тахаллус, ҳам амир (ҳукмдор) маъноларида келади. Бу мумтоз адабиётшуносликда и й ҳ о м санъати дейилади. Чунончи,



*Ёри жонбахш лаълидин менга бир сўз деди:*
*«Эй Амири комрон, Тангри паноҳингдир сенинг».*

Бу байтда Амир тахаллусини икки маънода талқин қилиш мумкин: эй саодатли Амир ва эй саодатли шоҳ.

Лекин аксар ҳолларда шоир тахаллуси турдош от сифатида келадики, бу илми бадеъда и т т и ф о қ санъати дейилади. Масалан:

*Ишқ Амирининг сипоҳиға дучор ўлди магар,*
*Мулки Искандар ғубор ўлди-ю, Доро бўлди қул.*

Бу ерда шоир тахаллуси атоқли от маъносида талқин қилинса, ишқ подшоҳининг лашкарига дучор бўлмоқ маъноси ўрнига ишқ Амирийнинг лашкарига дучор бўлди деган мантиқсиз мазмун келиб чиқади.

Шарқ шеъриятида шоирларнинг ўз истеъдоди, асарларининг шуҳратидан ифтихор қилиб ёзган шеър ва байтлари кўп учрайди. Мумтоз поэтикада бу ф а х р и я санъати деб юритилади. Бу санъат деярли барча шоирлар ижодида учрайди. Жумладан, Амирий ўз шеърларининг бадиий баркамоллиги, ҳассос ҳис-туйғуларга йўғрилганлиги, латиф ва таъсирчанлиги, ўз даврида шуҳрат тутганидан фахрланиб, қатор фахрия байтлар тизган. Чунончи, қуйидаги матлаъда Амир шеърларини кўрсанг сира таажжуб қилма, бу нозик табъу салим зеҳн Ҳақнинг марҳаматидандир дейди:

*Таажжуб қилмағил ногаҳ Амир абётини кўрсанг,*
*Бу табъи нозику зеҳни салим имдоди Рабдиндур.*

Бошқа бир байтида эса сўз риштасини шоҳона гавҳар каби тиза олган, назокатни ҳис қилишда моҳир бўлган киши амир, яъни сўз мулкининг шоҳидир дейди:

*Амир ул ким назокатфаҳмлиғ бобида моҳирдур,*
*Чекар сўз риштасина гавҳари шоҳвор мен янглиғ.*

Маълум бўладики, шоир қайси мавзуга қўл урмасин, унинг ўзига хос қирраларини оҳорли тимсолу ташбеҳлар воситасида бадиий юксак даражада тасвирлайди. Хусусан, Амирийнинг сўзга муносабати, сўз танлаш маҳорати алоҳида диққатга сазовор. У халқона сўз ва ибoралардан маҳорат билан фойдаланади. Бу шоир шеърларининг чуқур самимияти ва халқчиллигини таъминлаган асосий омиллардан ҳисобланади. У бадиий тасвир воситаларидан ҳам ўз фикрини гўзал ва таъсирчан ифодалаш учун усталик билан истифода этади. Амирийнинг шоирлик маҳорати ва шеърларининг шуҳрати сабабларини худди шу ердан қидириш керак. Теран фикрлар, ҳассос туйғулар ўз ифодасини топган, бадиий санъатларга бой, илҳом билан ёзилган бадиий баркамол ғазал ва мухаммаслари унинг ўзбек мумтоз адабиётида ўзига муносиб мақомга эга етук шоир эканлигидан далолат беради.



Амирий адабий меросида ғазал етакчи ўрин тутгани, у ўз истеъдодини кўпроқ ғазалда намоён этгани, халқ орасида ҳам асосан ғазаллари машҳур бўлиб, куйга солиб ижро этилгани, умуман, мумтоз шеърият жанрлари ичида ғазал энг ўқимишли жанр эканини ҳисобга олиб, ушбу тўпламни шоирнинг ҳассос ғазаллари асосида туздик. Бунинг учун Амирий девонининг қўқонлик адабиёт мухлиси Солижон Йўлдошев шахсий кутубхонасидаги 1877 йилда кўчирилган нисбатан мукаммал нусхаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи фондида 99- ва 153-рақамлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондидаги 3642-рақами остида сақланаётган қўлёзмалари ҳамда 1883 йили Истанбулда чоп қилинган тошбосма нусхасидаги илгари нашр этилмаган янги, айни пайтда, шоирнинг 1972 йили Маҳбуба Қодирова томонидан чоп эттирилган девонидан ҳам бир қатор машҳур ва бадиий баркамол ғазаллари танлаб олинди.

Эргаш **ОЧИЛОВ**,
Зебо **ҚОБИЛОВА**.

## *ҒАЗАЛЛАР*

Зиҳи[1] ҳамди Худовандеки, бордур Холиқи ашё,
Яратди бир ҳовуч тупроқдин Одам била Ҳавво.

Кўкортиб сунбулу[2] райҳону гул суньи[3] баҳоридин,
Чаман шоҳидларини[4] айлади юз ранг ила раьно.

Анинг суньи риёзи[5] гулларидин англағил бир гул —
Ки, ўн саккиз минг оламдин[6] биридур олами ашё.

Не соньдурки[7], қудрат бирла чархи нилгун[8] узра,
Кеча-кундузға берди шамьи меҳру[9] моҳ[10] ила оро.

---

[1] З и ҳ и — нидо калимаси: офарин, таҳсин.
[2] С у н б у л — хушбўй ўсимлик, маъшуқанинг сочига ўхшатилади.
[3] С у н ъ — яратиш, қудрат, Худо.
[4] Ч а м а н ш о ҳ и д л а р и — чамандаги гул ва ниҳоллар.
[5] Р и ё з — боғлар.
[6] Диний тасаввурлар ва тасаввуф фалсафасига кўра, ўн саккиз минг олам мавжуд. Бу тушунча коинотнинг бепоёнлиги ва мавжудотнинг беҳисоблигини англатади.
[7] С о н и ъ — Яратувчи, Худо.
[8] Н и л г у н — кўк ранг, ложувард; зангори.
[9] М е ҳ р — қуёш.
[10] М о ҳ — ой, мажозан: гўзал юзли маҳбуба.



Бериб гулзор аро тобу тароват сарву[1] сунбулға—
Ки, бўлмиш булбулу қумри анго шўридау[2] шайдо.

Эрур ул подшаҳ васфини айтурда тилим алкан[3],
Гадойининг гадойи Қайсару[4] Хоқон[5] ила Доро[6].

Каримеким[7], анинг инъомидур ом[8] аҳли оламға—
Ки, бордур баҳравар андин агар мўъмин ва гар тарсо[9].

Солурға эл бошиға сояйи раҳмат Муҳаммадни
Баланд этмиш қади қадрин бу гулзор ичра сарвосо[10].

Хилофат[11] боргоҳида Амири комрон айлаб,
Мукаррам қилди Одамни, бериб ташрифи[12] «каррамно»[13].

---

[1] С а р в — йил бўйи кўм-кўк бўлиб турадиган гўзал ва хушқомат дарахт. Мажозан: ёрнинг қадди.
[2] Ш ў р и д а — паришон, гангираган.
[3] А л к а н — соқов, лол.
[4] Қ а й с а р — Рум (Кичик Осиё — Византия ва Греция) подшоҳларининг умумий номи.
[5] Х о қ о н — Чин мамлакати олий ҳукмдорининг умумий номи.
[6] Д о р о — каёнийлар сулоласининг охирги ҳукмдори.
[7] К а р и м — 1) сахий; 2) Худонинг сифати.
[8] О м — бу ерда: умумий, барчага баробар.
[9] Т а р с о — насроний, христиан.
[11] Х и л о ф а т — халифалик, ўринбосарлик.
[12] Т а ш р и ф — шарафлаш, улуғлаш.
[13] К а р р а м н о — мукаррам қилдик (Қуръони каримдаги инсон ҳақидаги бир оятга ишора).

* * *

Зиҳи соньки, андин бор ўлуб олам аро ашё,
Забони лолау савсан эрур ҳамди учун гўё.

Баҳори ҳусни-ла тошдин чиқорди лолаи аҳмар[1],
Ясотти яди қудрат[2] бирла етти гунбази хазро[3].

Тариқи ишқ кўрсатмак учун машшотаи[4] қудрат,
Тароғлар чекти Мажнун кўнгли бирла турраи[5] Лайло.

Не мумкин бандадин вожибға етмак илму фан бирла,
Муҳол ўлмиш анинг зотиға етмак фикр ила доно.

Фалак хиргоҳиға[6] берди кавокиб[7] бирла зийнатлар,
Мунаввар айлади ой машъали бирла шаби ялдо[8].

Насими рафъати[9] гар кўҳу[10] ҳомун[11] кезмади, невчун

---

[1] Аҳмар — қизил.
[2] Яди қудрат — қудрат қўли.
[3] Гунбази хазро — осмон.
[4] Машшотаи қудрат — Худо.
[5] Турра — кокил, ўрилган соч.
[6] Хиргоҳ — чодир.
[7] Кавокиб — юлдузлар.
[8] Шаби ялдо — қоронғи кеча, қишнинг энг узун ва энг қоронғи кечаси.
[9] Рафъат — 1) юксаклик; 2) юқори мартаба.
[10] Кўҳ — тоғ.
[11] Ҳомун — дашт, дала, саҳро.



Гули садбарг[1] очар хору[2] шарар[3] зоҳир қилур хоро[4].

Висолинг истабон саргашталик[5] бирла бу водийда
Қуюндек ўтмишам бир ерда тутмай манзилу маъво.

На осори жалолатдурки[6], онинг боғи сунъида
Хазон бирла баҳор авроқидиндур[7] бир гули раъно.

Анинг зотини исботиға бермишдур тануклуқлар,
Нечаким, сабза бирла гул очибдур арсаи ғабро[8].

Қуёшрухсоралар зулфин мутарро[9] қилмаған бўлсанг,
Кўнгуллар бошиға не важҳдин тушмиш қаро савдо?

Санинг амрингни маъмури Амиру хоҳ мискиндур,
Эрурсан подшаҳлар подшоси, эй шаҳи якто!

---

[1] Садбарг — хушбўй гул. Барги кўплиги учун садбарг — юз баргли деб аталади.
[2] Хор — тикан.
[3] Шарар — учқун, аланга.
[4] Хоро — тош, гранит.
[5] Саргашталик — сарсон, овора.
[6] Осори жалолат — улуғлик белгиси.
[7] Авроқ — варақлар.
[8] Арсаи ғабро — ер юзи.
[9] Мутарро — мусаффо, таралган.

* * *

Биташрифил иноят қад касоно мавжид ул-ашё[1],
Ики оламни мақсуди чу[2] сенсан, эй шаҳи воло![3]

Бир ангушти[4] иноратдин қамар қурсин[5] ики
бўлдинг,

Не хуш эъжоздур[6], эй шаҳсувори[7] Ясрибу
Батҳо[8].

Чу олам тарҳининг ижодидин мақсуд эди зотинг,
Худо сунъи била ер бирла гардун айлади барпо.

Расул хайлида[9] сендек меҳрибон умматлара
йўқтур,

Эрурсан лутфу шафқат маҳфилида[10] шоҳиди
якто.

Ғараз[11] эрди вужудинг гавҳариким, Холиқи[12]
бечун[13]

---

[1] Мисранинг мазмуни: Жами ашёларни яратувчи зот бизни ўз шарафли иноятн билан қамраб олди.
[2] Ч у — чунки, агар; худди; вақтеки.
[3] В о л о — баланд, юқори, улуғ.
[4] А н г у ш т — бармоқ.
[5] Қ у р с — доира, гардиш.
[6] Э ъ ж о з — мўъжиза.
[7] Ш а ҳ с у в о р — моҳир чавандоз. Бу ерда: маҳбуба.
[8] Я с р и б ва Б а т ҳ о — Мадина ва Макка шаҳарлари.
[9] Х а й л — тоифа, гуруҳ, жамоа, эл.
[10] М а ҳ ф и л — йиғин, анжуман; жой, макон.
[11] Ғ а р а з — мақсад, ният.
[12] Х о л и қ — Яратувчи, Худо.
[13] Б е ч у н — мислсиз, ўхшаши йўқ.



Жаҳонга келтуруб мулки адамдин[1] Одаму
Ҳавво.

Набийлар хайлини ирсол[2] қилди Ҳақ рисолатта[3],
Нубуват[4] хотамининг[5] нақши сенсан, эй
дури якто[6].

Сенингдек ҳеч пайғамбар вужуда келмади
ҳаргиз,

Зиҳи шаръу зиҳи мўъжиз, зиҳи пайғамбари доно.

Гули боғи нубувват[7], гавҳари баҳри[8]
рисолатсан,

Расули ҳақ дебон, берди шаҳодат оҳуйи саҳро.

Ливойи[9] мақримат[10] рўзи қиёмат қўлга
олғонда

Тағофул[11] қилсанг аҳволимға юз фарёду
вовайло.

Менга ҳад йўқ, сенингдек шоҳ васфини демак,
невчун

---

[1] А д а м — йўқлик.
[2] И р с о л — юбориш, жўнатиш.
[3] Р и с о л а т — пайғамбарлик.
[4] Н у б у в в а т — набийлик, пайғамбарлик.
[5] Х о т а м — узук.
[6] Д у р и я к т о — бу ерда: азиз, севимли.
[7] Н у б у в в а т — набийлик, пайғамбарлик.
[8] Б а ҳ р — денгиз.
[9] Л и в о — байроқ.
[10] М у к р и м а т — иззатлилик.
[11] Т а ғ о ф у л — бепарволик, билиб-билмасликка олиш.

Сифотинг «раҳматан лил оламин»[1] дер
Холиқи ашё.

Жанобингдан[2] Амир ар шаммайи[3] гуфтора
келтурсам,
Бу торамдин[4] ўтиб, тушгай малойик[5] аҳлига
ғавғо.

---

[1] Раҳматан лил оламин — «Биз Сизни оламларга раҳмат қилиб юбордик» маъносидаги Қуръон оятига ишора.
[2] Жаноб — izzат, мартаба, улуғлик.
[3] Шамма — бир оз, пича.
[4] Торам — осмон.
[5] Малойик — фаришталар.



* * *

Жаҳон вужуди вужудингдин ўлди нопайдо,
Юзунг тажаллийсидин[1] топти юз сафо[2] пайдо.

Жаҳон мазоҳиридин[3] жилвагар бўлуб ҳуснунг,
Жамоли акси жаҳон кўзгуси аро пайдо.

Ики жаҳон чу сенинг борлиғингни шоҳидидур,
Бўлуб тониглиғ учун бу ики саро[4] пайдо.

Улусқа[5] қилғали асрори[6] ҳимматингни аён,
Залолат аҳли[7] аро бўлди анбиё[8] пайдо.

Бу боғ гуллари Мажнундек обу ранг[9] топти —
Ки, қилди шавқида жон булбули наво пайдо.

Тўққуз сипеҳрдин ишқинг мақоми келди бийик[10],
Ажаб эмаски, кўнгул айласа ҳаво пайдо.

Муяссар ўлди манга даргаҳинг гадолиғи, бас,
Амирлиқдин ўлуб ушбу муддао пайдо.

---

[1] Тажаллий — кўриниш, жилваланиш.
[2] Сафо — поклик, гўзаллик; ёруғлик, равшанлик. Тасаввуфда риёзат чекиш натижасида дилнинг нафс хоҳишлари, ёмон иллатлар, ғаддор дунё ва Худо ёдидан бўлак нарсалардан қутулиб, покланиши.
[3] Мазоҳир — бирор нарсанинг кўринадиган, пайдо бўладиган жойи.
[4] Саро — 1) бино, сарой; 2) дунё, олам.
[5] Улус — халқ, эл, омма.
[6] Асрор — сирлар, яширин нарсалар.
[7] Залолат — тўғри йўлдан озиш. Залолат аҳли — тўғри йўлдан озганлар, гумроҳлар.
[8] Анбиё — пайғамбарлар, набийлар.
[9] Обу ранг — ҳусн, латофат, тароват.
[10] Бийик — улуғ, буюк; баланд, юксак, олий.

* * *

Васфинг қилурда топти кўнгул кўзгуси жило,
Ҳам зубдаи башарсану[1] ҳам хатми анбиё[2].

Батҳо[3] мунаввар этти жамолингни талъати,
Юмни[4] қудуминг ила топиб Марва[5] юз сафо.

Маҳшаргача[6] уммиди шафоат била хушам,
Эй ҳомийи шафеъи умам[7], санга марҳабо!

Журму[8] гунаҳ шафоати сендин умид этуб,
Наътинг[9] ҳавосин айлади бу зору бенаво.

Икки бўлунди кўк уза ой бир ишорадин,
Ул дамки, бўлди толиби эъжоз ашқиё[10].

Ул соядекки, этти қуёш базми орзу,
Қилдим ҳавойи васлинг учун сенга илтижо.

Бўлсам гадойи даргаҳинг, улдур Амирлиқ,
Менга бу салтанатдин эрур ушбу муддао.

---

[1] З у б д а и  б а ш а р — инсонларнинг энг яхшиси, сараси.
[2] Х а т м и  а н б и ё — набийлар (пайғамбарлар)нинг охиргиси.
[3] Б а т ҳ о — Макка яқинидаги тоғ дараси; мажозан: Макка.
[4] Ю м н — бахт, омад, баракат, бахтиёрлик.
[5] М а р в а — Макка яқинидаги жой номи.
[6] М а ҳ ш а р — қиёмат кунида одамлар тўпланадиган жой.
[7] У м а м — умматлар. Ш а ф е ъ и  у м а м — умматларни шафоат қилувчи, яъни Муҳаммад алайҳиссалом. Маълумки, у зотга умматларини шафоат қилиш ҳуқуқи берилган.
[8] Ж у р м — айб, гуноҳ.
[9] Н а ъ т — сифатлаш, мадҳ этиш.
[10] А ш қ и ё — ярамаслар, бахтсизлар.



* * *

Эй мунаввар оразинг[1] ойинага[2] бермиш сафо,
Ой қуёш рухсоридин андоқки, касб этмиш зиё.

Еди рухсоринг-ла ашку оҳим айлабдур уруж[3],
Тобиши[4] хуршиддин[5] шабнамни кўтарди ҳаво.

Сендин айрилгач, менга зиндони ғам бўлди ватан,
Бул масалдур: «Бўлмасун ҳеч банда султондин
жудо».

Мен киби йўқтур бу олам ичра яксон[6] соядек,
Сен киби хуршиддин бир заррача йўқтур вафо.

Бозуйи[7] эҳсон ила ожизни айларсан қавий[8],
Тонг эмас[9], афтодае[10] лутфунгдин ар[11]
топса ато[12].

---

[1] О р а з — чеҳра, юз.
[2] О й и н а (К ў з г у) — илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалби. Чунки ойина деганда, Оллоҳнинг зоти, сифатлари, исмларига ишора қилинадики, уларнинг барчаси комил инсон қалбида акс этади.
[3] У р у ж — кўтарилиш, юксалиш.
[4] Т о б и ш — товланиш, қиздириш.
[5] Х у р ш и д — офтоб, қуёш.
[6] Я к с о н — бир хил, баробар.
[7] Б о з у — билак.
[8] Қ а в и й — кучли, қувватли.
[9] Т о н г  э м а с — ажаб эмас.
[10] А ф т о д а — ожиз, заиф.
[11] А р — агар.
[12] А т о — инъом, ҳадя.

Ғабғабинг[1] сўрғоч, кишиға тоза жон ҳосил
бўлур,
Гўйиё чоҳи занахдонингдадур[2] оби бақо[3].

Бош чиқориб ҳар саҳар кўк манзаридин офтоб,
Дам-бадам ҳуснунг Амириға демиш:
«Юз марҳабо!»

[1] Ғ а б ғ а б — ияк.
[2] З а н а х д о н — иякдаги кулдиргич, чуқурча. Тасаввуфда маъшуқанинг соликни абадий чоҳдан зулмат чоҳига соладиган қаҳромез лутфи.
[3] О б и б а қ о — обиҳаёт. Мумтоз адабиётда обиҳайвон, зулоли Хизр, Хизр суйи каби номлар билан юритилади. Обиҳаёт — Хизр алайҳиссалом ер остидаги зулмат қаъридан излаб топган ва ичиб абадий ҳаётга ноил бўлган мангулик суви. Тасаввуфда Худо ўзи хоҳлаган бандаларига берадиган ладуний (илоҳий) илм маъносида келади.



* * *

Ҳақ, илоҳо, ҳусн ила умрунгга кўп қилсун ато!
Чарх даври фоний ўлгунча санго бўлсун бақо!

Тийра[1] бахтимни баногўшини субҳи[2] ёрутиб,
Шоми ҳижронимни равшан айлади, эй маҳлиқо[3].

Жон бериб, дардингни олдим, бермаку олмакни
кўр,
Мандадур юз меҳнату[4] ғам, сандадур жавру
жафо.

Меҳри рухсоринг кўнгилни гарчи равшан
айламиш,
Рўзгорим сурмадин мужгонинг[5] айлабдур қаро.

Васл уммиди мани муҳзунга имкон йўқки, бор
Сен — ғаний[6], мен — бенаво, сен — подшаҳсан,
мен — гадо.

Сенга йўқдур ҳаддеким, қаршу тушар ул хира кўз,
Акси рухсоринг кўруб, ойина дўндурди сафо.

Бўлди то ҳуснунгни шоҳи ишқ мулкида Амир,
Жону дил бирла кўнгил девонаси айлар дуо.

[1] Т и й р а — 1) қора; 2) хира, нурсиз; 3) қайғули.
[2] С у б ҳ (С у б ҳ и д а м) — тонг, эрталаб.
[3] М а ҳ л и қ о — ой юзли.
[4] М е ҳ н а т — машаққат, азоб-уқубат, ғам-қайғу.
[5] М у ж г о н — киприк, мижа. Тасаввуфда маъшуқанинг нозу карашмаси туфайли ошиқнинг кўксига санчилиб, уни яралайдиган ўқ, найза, ханжар кўзда тутилади. Соликнинг валояти, қоли ва мартабаси йўлидаги ҳижобга ҳам ишора қилинади.
[6] Ғ а н и й — бой, бадавлат.

* * *

Ул фақиреким[1], қаноат бор эди давлат анго,
Шоҳ базмидин эрур марғуброқ[2] узлат анго.

Хуш кечур, осудадур дарвешки[3], узлат[4] кунжида,
Боиси беҳжат[5] ўлур кулфат била меҳнат анго.

Подшоҳеким, тариқи фақр[6] тутса, тонг эмас,
Бўлса кун-кундин фузун[7] давлат била иззат анго.

Ҳар гадоким, гўша тутмак бирла одат айламиш,
Бир муҳол амредурур майл айламак суҳбат анго.

---

[1] Ф а қ и р — дунёвий неъмат ва лаззатларни тарк этиб, фақат илоҳий шавқ билан яшайдиган киши. Тариқат босқичларини босиб ўтиб, Оллоҳ йўлида фано бўлган ошиққа фақир, унинг мақомига эса фақру фано дейилади.

[2] М а р ғ у б — маъқул, севимли.

[3] Д а р в е ш — тасаввуф истилоҳида дарвеш изловчи, истовчи маъносини билдириб, сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

[4] У з л а т — хилватга чекиниш; гўшанишинлик, ёлғизлик.

[5] Б е ҳ ж а т — қувонч, шодлик.

[6] Ф а қ р — тариқатнинг тўртинчи мақоми. Дунё неъматлари, вужуд эҳтиёжларини тарк этиб, фақат Ҳаққа муҳтож бўлиш.

[7] Ф у з у н (А ф з у н) — кўп, ортиқ, зиёда.



Подшаҳлиқ суратида саъб[1] эрур дарвешлиқ,
Хосса[2] ул шоҳеки, бу суратдадур сийрат[3] анго.

Подшаҳ олмиш дуо дарвешдин нусрат[4] учун,
Кўр, не ҳожат ориз[5] ўлди мунга, не давлат анго.

Фақр йўли шоҳроҳин[6] салтанатдин хуш билур,
Ул Амиреким, эрур дарвешлиқ сийрат анго.

---

[1] С а ъ б — қийин, мушкул, оғир.

[2] Х о с с а — бу ерда: улуғ, мўътабар.

[3] С и й р а т — хулқ, табиат.

[4] Н у с р а т — ғалаба, зафар, мадад.

[5] О р и з — юз берган, бўлган.

[6] Ш о ҳ р о ҳ — катта йўл.

* * *

Эй кўзу[1] юзинг[2] ҳайрати осори[3] тамошо,
Наззораи[4] ҳуснунг гули бехори[5] тамошо.

Кўнглим тапиши[6] айлади савдо элини[7] хуш,
Девона[8] эрур равнақи бозори тамошо.

Муфт[9] ўлди ҳавас аҳлиға савдойи висолинг,
Бемоя[10] топар суд[11] харидори тамошо.

Кўнглим қушини доғларинг қилди музайян[12],
Шавқ[13] этти бу товусни гулзори тамошо.

---

[1] К ў з — тасаввуфда комил инсон тимсоли. Чунки у фақат ўзини кўради-ю, ўзгаларни кўрмайди. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади.
[2] Ю з — илоҳиёт жамоли ва комил инсон чеҳраси.
[3] О с о р — бу ерда: белги, нишона.
[4] Н а з з о р а — назар солиш, қараш.
[5] Б е х о р — тикансиз, нуқсонсиз.
[6] Т а п и ш — беқарорлик, изтироб, лараа.
[7] С а в д о э л и — бу ерда: ошиқлар, девоналар.
[8] Д е в о н а — ишққа ошиқ ҳайрону саргашта бўлган ва сулукка мансуб киши. Ошиқнинг мақлубияти девоналик дейилади.
[9] М у ф т — текин.
[10] Б е м о я — қашшоқ.
[11] С у д — фойда.
[12] М у з а й я н — безалган, зийнатланган.
[13] Ш а в қ — Ҳақ ва солик ўртасидаги яқинликнинг кучайиши. Иштиёқ ва истак ғалаботидан қалбнинг сururга тўлиши.



Ноз[1] айлама, кўргуз менга дийдорки, бордур
Дил музтарибу[2] дийда талабгори тамошо.

Моҳияти хуршидни хуффош[3] на билсун,
Ҳар дийда эмас маҳрами асрори[4] тамошо.

Дил дийдаси бирла кўрайин ёр юзини,
То ўлмаса ағёр[5] хабардори тамошо.

Кўнглумни қилиб қасри вафо ишқ, Амирий,
Кўз манзарасин айлади анвори[6] тамошо.

---

[1] Н о з — маъшуқнинг ишқ йўлида ўз ошиғига гоҳ мадад, гоҳ фириб бериши.
[2] М у з т а р и б — изтиробга тушган, бетоқат.
[3] Х у ф ф о ш — кўршапалак.
[4] М а ҳ р а м и а с р о р — сирдош, самимий дўст.
[5] А ғ ё р — бегоналар.
[6] А н в о р — нурлар, шуълалар.

* * *

Хизр ҳайвон суйидин ичгон киби, эй дилрабо,
Ҳар киши ком[1] олса латьлингдин, топар мулки бақо.

Ғойибона лоф урар эрди сафодин ойина,
Рўбарў бўлғоч юзига они сув қилди ҳаё[2].

Ошноларга, десангким, қилмайин бегоналиқ[3],
Бўлмағил, эй маҳжабин[4], бегоналарга ошно.

Сурмаи тавфиқ[5] то кўҳл ул-жавоҳирдур[6] манго,
Кўзларим топди аёғинг туфроғидин тўтиё.

---

[1] К о м — бу ерда: ноил бўлиш, эришиш; мақсад, истак.
[2] Ҳ а ё — мушоҳада аҳлининг сифати бўлиб, Ҳақ таолонинг улуғворлигини ҳис этиб, ўз-ўзидан ғамгин бўлади. Яқинлик мартабасида бирор даражага эришмаган соликлар ҳоли ҳам назарда тутилади.
[3] Б е г о н а — тариқат йўлига қадам қўймаган, сайру сулукни ўтамаган киши.
[4] М а ҳ ж а б и н — ой юзли.
[5] Т а в ф и қ — 1) мадад; 2) баҳрамандлик.
[6] К ў ҳ л  у л - ж а в о ҳ и р — сурма билан марварид зарраларини омухта қилиб, кўзнинг кўриш қувватини ошириш учун кўзга тортиладиган жавоҳирсурма.



Боғ аро кўргач ниҳоли қоматинг[1] сарви сиҳи[2],
Ажз[3] ила таъзим этти қаддини айлаб дуто[4].

Шиша тоғ остида қолғон янглиғ ўлди беасар,
Бўлди кўнглим кўҳи дардинг остида саброзмо[5].

Бир шакарлаб гулжабин[6] авсофини айдим, Амир,
Ўргануp бу шеърдин тўти адо, булбул наво.

---

[1] Қ о м а т (Қ а д) — дилнинг ваҳдат оламига тавжжуҳ қилиши.
[2] С а р в и  с и ҳ и — баланд, тик сарв; мажозан: баланд бўйли, тик қоматли маҳбуба.
[3] А ж з — заифлик, ожизлик, хокисорлик.
[4] Д у т о — эгилган, икки букилган.
[5] С а б р о з м о — сабрни синаш.
[6] Г у л ж а б и н — гул юзли, гўзал.

* * *

Эй ниҳоли сарвқадди гулбуни[1] боғи вафо,
Қоматингта сарв ила шамшод[2] дер: юз
марҳабо!

Қадду гулгун[3] хилъатинг ҳайрониман, эй
нозанин,
Кўрмадим сарвеки, бўлғай боғ аро гулгун қабо[4].

Зулм этар, қилсам тазаллум[5], ноз этар,
қилсам ниёз[6],
Раҳм қилмас ҳолима ул шўхи кофир[7] можаро.

Кечалар маҳрум эмас вайроналар ой нуридин,
Сол бузуқ кўнглумга ҳуснунг партавин[8],
эй маҳлиқо!

---

[1] Г у л б у н — гул бутаси.
[2] Ш а м ш о д — кичик ва хушбўй гулли ҳамиша кўм-кўк бўлиб турадиган чиройли дарахт.
[3] Г у л г у н — пуштиранг, қизил.
[4] Қ а б о — эркакларнинг жубба остидан кийиладиган узун ва кенг уст кийими, тўн.
[5] Т а з а л л у м — зулмдан шикоят қилиш.
[6] Н и ё з — 1) зарурат, эҳтиёж; 2) илтижо, ёлвориш.
[7] К о ф и р — бу ерда: кўнгли қаттиқ, ситамгар маъшуқа. Тасаввуфда Ҳақдан ғофил, ҳақиқатни излашдан ожиз кишилар тушунилади.
[8] П а р т а в — нур, ёғду.



Бодаи[1] гулгун лабингдин[2] нашъа пайдо
айласа,
Соғару[3] саҳбо[4] жамолинг[5] аксидин топти
жило.

Ишқ мулкини Амиримен, муҳаббат —
зеварим[6],
Истарам то субҳи маҳшар ёр васлидин лиқо.

---

[1] Б о д а — май, шароб.
[2] Л а б — сўфийлар истилоҳотида маънавият оламидан анбиёга малаклар, авлиёга эса илҳом воситасида нозил бўладиган калом. Шунингдек, пирнинг илоҳий маърифатта кон сўзи ва бу жонбахш каломнинг мазмуни ҳам кўзда тутилади.
[3] С о ғ а р — май ичадиган шиёла, жом, қадаҳ. Тасаввуфда ғайб сирларини мушоҳада қиладиган орифнинг қалби. Мастлик ва шавқни ҳам соғардин тилайдилар.
[4] С а ҳ б о — қизил май; мажозан: май пиёласи.
[5] Ж а м о л — ошиқнинг кучли рағбат ва талабига кўра маъшуқанинг ўз жамолини намоён этиши: илоҳий тажаллий.
[6] З е в а р — безак, зийнат.

* * *

Деди Юсуф[1] кўриб ёримни, жононинга<br>салламно![2]<br>Ани ишқига тоқат айлагон жонингга салламно!

Қошинг[3] ёйи уза чин[4] кўрди-ю, жон бўлди<br>қурбонинг,<br>Янги ойинга[5] юз таслиму қурбонинга<br>салламно!

Билолмам, гул уза шабнамдурур ё иқдаи<br>Парвин[6],<br>Баногўшингдаги лаъли дурахшонинга[7]<br>салламно!

Гулистони назокатсан баҳори ҳуснида гўё,<br>Жаҳон ўлди муаттар — хатти райҳонинга<br>салламно!

---

[1] Юсуф — Юсуф алайҳиссалом. Ҳусну малоҳатда тенгсиз бўлган бу зот ҳусн иқлимининг шоҳи ҳисобланади.

[2] Салламно — офарин, таҳсин.

[3] Қош — илоҳий ва моддий олам чегараси. Пайвастлиги — Оллоҳ ва оламнинг ягоналигини, қайрилмалиги — сўфий дилидаги нафс ва кибрни, узун ва қалинлиги — Ҳақ йўлининг узун ва мураккаблигини билдиради.

[4] Чин — ажин.

[5] Янги ой — ҳилолдай қайрилма Қош.

[6] Иқдаи Парвин — Сурайё (Ҳулкар) юлдузлар туркуми. Олти кичик юлдузнинг бир ерда жам бўлишини билдиради.

[7] Дурахшон — порлоқ, ялтироқ.



Хиром этгач, лабингнинг ғунчаси юз ноз ила<br>кулди,<br>Қадинг нахли[1] била гулбарги[2] хандонинга<br>салламно!

Булутдурму қуёш ўтрусида[3], кўрган замон<br>айдим:<br>Баногўшингда зулфи анбарафшонинга[4]<br>салламно!

Сени кўрган замонда кетти хушум, қолмади<br>сабрим,<br>Будур гар субҳи васлинг, шоми ҳижронинга<br>салламно!

Қошинг бирла юзинг кўргоч,<br>Амир инсоф ила айди:<br>Янги ойинг била хуршиди тобонинга[5]<br>салламно!

---

[1] Нахл — дарахт, ниҳол.

[2] Гулбарг — бу ерда: лаб маъносида келяпти.

[3] Ўтру — қарши, рўпара.

[4] Анбарафшон — анбар сочувчи, муаттар ҳид таратувчи.

[5] Тобон — порлоқ, ёрқин.

* * *

Хат[1] чиқординг, лаъли хандонинг керакмасму
санго?

Хизра вердинг, обиҳайвонинг керакмасму
санго?

Тоза қилдим нохуни[2] ғам бирла кўксум доғини,
Ёд қилмассен — гулистонинг керакмасму санго?

Бир итингман, даргаҳингдан қувмағил аёр учун,
Эй некулар[3] шоҳи, дарбонинг[4] керакмасму
санго?

Келди вайрон кўнглума ул ой хаёли ёшурун,
Пос[5] тут, эй дийда, меҳмонинг керакмасму
санго?

Жавр айлаб, кечалар ёндурма оҳим ўтини,
Эй фалак, бу қасру айвонинг керакмасму санго?

[1] Х а т — қизларнинг лаби устидаги майин туклар. Тасаввуф истилоҳида ғайб олами.
[2] Н о х у н — тирноқ.
[3] Н е к у — яхши, гўзал.
[4] Д а р б о н — эшикова, ҳожиб, посбон.
[5] П о с — бу ерда: 1) эҳтиёт, муҳофаза; 2) иззату икром, ҳурмату эҳтиром.



Боқма, эй ойина, ул ой оразиға, бўлма сув,
Интизори чашми[1] ҳайронинг керакмасму
санго?

Зинҳор ағёрлар базмида лаъли шавқидин,
Эй кўнгил, дам урмағил, жонинг керакмасму
санго?

Барқи[2] оҳим анжуминг[3] жамъиятин[4]
айлар табоҳ[5],
Жавр этарсан, чарх, сомонинг[6]
керакмасму санго?!

Орази шавқида бир ўтлуғ сўз айдим, эй Амир,
Солмағил дафтарға, девонинг керакмасму санго?!

[1] Ч а ш м — кўз.
[2] Б а р қ — чақмоқ, аланга; нур.
[3] А н ж у м — юлдузлар.
[4] Ж а м ъ и я т — бу ерда: гуруҳ, тўда.
[5] Т а б о ҳ — вайрон, хароб.
[6] С о м о н — бу ерда: тартиб, интизом. Яъни фалак тартибини издан чиқариб юбориш ҳақида гап кетмоқда.

* * *

Гар кўтарсанг, эй парипайкар[1], жамолингдин  
  никоб[2],  
Қайда келтурсин анга хуршид бирла моҳ тоб.

Ҳалқа-ҳалқа кокулунгни тебратур боди сабо[3],  
Кош тушса гарданимға ушбу мушкафшон[4]  
  таноб.

Ҳасрати зулфунг кўзум ёшини тўфон айламиш  
Мавжи туғёнидин андоғким, аён ўлмиш ҳубоб[5].

Ёр ҳар мажлисда соғар чекса ағёр била,  
Нола айларман эшикда ўлтуруб мисли рубоб.

Ламъаи[6] ҳуснунг намоён бўлса, қон йиғлар  
  кўзум,

[1] П а р и п а й к а р — парига ўхшаш, гўзал.  
[2] Н и қ о б (Ҳ и ж о б) — парда. Тасаввуфда Ҳақ ва банда, ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги монеликларга ишора бўлиб келади.  
[3] Б о д и с а б о — тонг ели, майин шабада.  
[4] М у ш к а ф ш о н — мушк ҳидини таратувчи. М у ш к — оҳулардан бир турининг киндигида ҳосил бўладиган қора тусли модда. Мушк берадиган оҳулар асосан Хўтан, Хитой, Ҳиндистонда яшайди.  
[5] Ҳ у б о б — сув юзида пайдо бўладиган пуфакчалар. Тасаввуфда ҳаракат, моҳиятнинг намоён бўлишини билдиради.  
[6] Л а м ъ а — ёлқин, шуъла.



Уйладурким, барқ кулғон чоғда гирёндур[1]  
  саҳоб[2].

Ўғалар бирла май[3] ичти ёр, онинг рашкидин  
Еш тўкуб, қонлар ютуб, ғам ўтиға бўлдум кабоб.

Исию[4] хуршидға тўртунчи торамдур[5] мақом,  
Кўрмади олам юзи сен моҳдек олижаноб.

Умрлардурким, йўлунг устида туфроғ ўлмишам,  
Кош бир йўл ошиқи бечора деб қилсанг хитоб.

Оразин пинҳон қилур қонлу ёшим кўргач, Амир,  
Уйлаким, ёғин куни тушмиш қуёш узра саҳоб.

[1] Г и р ё н — йиғлаган, ғамли.  
[2] С а ҳ о б — булут.  
[3] М а й — тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастлик илоҳий маърифатдан ҳузурланиш, маънавий завқ дарёсига ғарқ бўлишни билдиради.  
[4] И с и й — Исо алайҳиссалом.  
[5] Т ў р т и н ч и т о р а м — тўртинчи осмон. У қуёш буржида бўлиб, тириклай осмонга кўтарилиб кетган Исо алайҳиссалом ҳам тўртинчи осмонда мақом тутган. Исо алайҳиссалом ва қуёш ўртасидаги яқинлик ва боғлиқлик сабаби ҳам шунда.

* * *

Тушти то зулфу юзидин кўнглум ичра печу тоб[1],
Айламиш кўксум аро сиймоб янглиғ изтироб.

Нечаким лаъли лабингдин бўсае[2] қилдим савол,
Бермадинг, эй шўх, истиғно[3] камолидин жавоб.

Ошиқи[4] бечорани куйдурма кўп ҳасрат билан,
Ғайр[5] базмида жамолинг шамъидин[6] очма ниқоб.

Мен нечук савдо билан расвойи олам бўлмайин,
Телба бўлғай моҳи рухсорингни кўрса офтоб.

Кўп йигитни қилди пири нотавон золи[7] фалак,

---

[1] Печу тоб — тўлғаниш, эшилиш.
[2] Бўса — ботиний файз ва жазба маъносида келади.
[3] Истиғно — эҳтиёжсизлик. Сўфийнинг риёзат босқичларидан бири — Худо ҳақида ўзида билим ҳосил қилган киши Оллоҳ хаёли ва ишқи билан ўзига эҳтиёжсизликни шиор этади.
[4] Ошиқ — илоҳий жамол ва камолга ошуфта бўлиб, тамоми жидду жаҳд билан Ҳақ таолони изловчи киши.
[5] Ғайр — 1) бошқа, ўзга; 2) ёт, бегона; 3) рақиб, душман.
[6] Шамъ — солик дилини куйдирадиган илоҳий нур. Шуҳуд соҳибининг дилини ёндириб, уни мунаввар қиладиган ирфон нурига ҳам ишора.
[7] Зол — қария, чол, кампир (мажозан: дунё, фалак).



Эй суманбарлар,[1] ғанимат сизга айёми шабоб[2].

Терлаган рухсорини кўргач, дедим ҳайрат била:
Турфа гулдурким, чекар андин ҳаё тоби[3] гулоб[4].

Кўз ёшим кўрдинг, фалакдин кўл ювгил, эй Муштарий[5],
Бир нафасдин ортуқ эрмастур сув устида ҳубоб.

Ҳалқайи зулфингта осилди кўнгул, эй бевафо,
Гўйиё тушмиш анинг бўйнига ул мушкин таноб.

Икки зулфингни баногўшингда тебратмиш сабо,
Уйлаким, очиб қанотин, қор уза ўйнар ғуроб.

Сен парининг манзили вайрон керак, ё чашмалар
Маскани кўз ила кўнглумда қилмай ижтиноб[6].

Ул пари зулфин тароғ илкида то кўрдим, Амир,
Ришган жонимға тушмиш рашкидин юз печу тоб.

---

[1] Суманбар — оқбадан, сулув.
[2] Шабоб — йигитлик даври.
[3] Тоб — куч-қувват, тоқат.
[4] Гулоб — гул япроқларидан тайёрланадиган хушбўй ичимлик; мажозан: кўз ёши.
[5] Муштарий — Юпитер сайёраси.
[6] Ижтиноб — тортиниш, уялиш.

* * *

Хатти анбарфом[1] ила берди юзига ёр зеб,
Сабзадин андоқки, топгай орази гулзор зеб.

Ҳар гадо табъи на билсун сўзни қадру қийматин,
Шаҳ қулоғидин топар бу гавҳари шаҳвор[2] зеб.

Ғунчаи лаълинг[3] хаёли бўлди кўнглим зийнати,
Лолаи серобдин[4] топқон каби дастор зеб.

Берди зийнат қатра-қатра қон ёшим мужгонима,
Топти гўё боғ аро гул хильатидин[5] хор зеб.

Холи ҳиндуси[6] баногўшини равшан айлади
Фасли дай[7] топқон каби зоғи сияҳдин[8] қор зеб.

---

[1] А н б а р ф о м — анбар ҳидли. А н б а р — хушбўй ҳидли моддалар аралашмасидан иборат мумсимон қора модда.
[2] Ш а ҳ в о р — йирик, қимматбаҳо, шоҳона.
[3] Л а ъ л — қизил рангли қимматбаҳо тош. Маъшуқанинг чўғдай қизил лабини унга нисбат берадилар.
[4] С е р о б — чиройли, порлаб турган, серсув.
[5] Х и л ъ а т — кийим.
[6] Х о л и ҳ и н д у — қора хол.
[7] Д а й — қиш фасли. Қуёш йилига (шамсий) мувофиқ қишнинг энг совуқ ойи: 23 декабрь — 21 январь.
[8] З о ғ и с и я ҳ — қора қарға.



Кўкрагим чокига ширин[1] суратингни
чекмишам,
Тешаи Фарҳоддин топқон каби кўҳсор[2] зеб.

Зулф[3] ила хаттинг Амир авсофидин топти
тироз[4],
Ўйлаки, яхши сўз бирла топар ашъор[5] зеб.

---

[1] Ширин сўзи бу ерда икки маънода ишлатилмоқда: 1) ғўзал; 2) Фарҳоднинг севгилиси.
[2] К ў ҳ с о р — тоғ, тоғли жойлар.
[3] З у л ф — соч; аёлларнинг икки чаккасидаги жамалаги, кокили. Тасаввуфда у бир неча маънода келади: идрокига ҳеч ким қодир бўлмаган илоҳий маърифат; куфр зулмати; йўқлик олами; ваҳдат мартабаси ва ҳоказо. Зулфнинг ҳалқалиги — илоҳий сирлар, узунлиги — оламнинг чексизлиги, беқарорлиги — оламнинг ўзгарувчанлиги.
[4] Т и р о з — 1) ипак жияк; 2) зийнат, безак.
[5] А ш ъ о р — шеърлар, шеърий асарлар.

* * *

Ул гули раъноки, бордур гулшани рухсори хўб[1]
Ҳам лаби жонбахши марғубу қаду рафтори[2]
хўб.

Сарвқоматларни рухсорин тамошо қилсамам,
Сан эрурсан муддао, ҳарчанд бўлса бори хўб.

Сарвқаддинг узра лаълу оразинг ҳайрониман,
Турфа нахледур, анинг шафтолу бирла нори[3]
хўб.

Қад била ораз гирифтори бўлубдур бу кўнгул,
Зулфи сунбулфомининг[4] ҳар ҳалқасида тори
хўб.

Ёр ишқидан мени манъ этма, эй зоҳид[5], агар
Санга жаннат орзу бўлса, манга дийдори хўб.

---

[1] Х ў б — чиройли, гўзал.
[2] Р а ф т о р — юриш.
[3] Н о р — анор.
[4] С у н б у л ф о м — сунбул ҳидли.
[5] З о ҳ и д — узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўгирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан бехабар бўлиб, мақсади — тақво билан охират мағфиратини қозониш, жаннат ҳузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Оллоҳнинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиладилар.



Не назокатларки бордур ёр белу[1] оғзида[2],
Ҳам адам бирла вужуди, йўқи бирла бори хўб.

Васл аро таклифи жаннат қилмаким, мақбул
эмас,
Ҳур қилмас орзу ҳар кимни бўлса ёри хўб.

Нома бирла бу ғазални арза қилдим ёрға,
Кулди-ю айди: «Амирим килки[3] анбарбори[4]
хўб!»

---

[1] Б е л — комил инсоннинг фикру тахайюли. Ингичка бел — бу фикру тахайюлнинг нозик ва теранлиги.
[2] О ғ и з — сўфийлар истилоҳида илоҳий каломга, унинг чиқиш ўрнига ишора. Шунга мувофиқ, оғзининг ғоят кичиклиги, гоҳо ҳатто кўриб бўлмас даражада экканлиги — илоҳий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан нишона.
[3] К и л к — ручка, қалам.
[4] А н б а р б о р — анбар ёғдирувчи, хушбўй ҳид таратувчи.

* * *

Мастлиғ чоғида келдиму ситамгар тебраниб,
Зулм этарким хастаға ул кўзи кофар[1] тебраниб.

Жилва[2] айлар қаср айвони уза ул сиймбар[3],
Чиқди кўк тоқига гўё шамси[4] анвар[5]
тебраниб.

Зулфини чавгон[6] қилиб ўйнар эди ул шўхким,
Етти бошим узра майдонда таковар[7] тебраниб.

Субҳи васла шоми ҳижронимни табдил[8] айлади,
Келди кулбамға бу тун бир саъди[9] акбар
тебраниб.

Ҳар тараф оҳим насими бирла ул мойил бўлиб,
Икки юз гулбун каби қадди санубар[10] тебраниб.

---

[1] К о ф а р — кофир, қофия талаби билан шундай ёзилган.
[2] Ж и л в а — солики ориф дилида порлаб, уни волаю шайдо этадиган нур.
[3] С и й м б а р — кумушбадан, гўзал.
[4] Ш а м с — қуёш.
[5] А н в а р — нурли, порлоқ.
[6] Ч а в г о н — «от тўпи» ўйинида тўп урадиган таёқ.
[7] Т а к о в а р — чопқир от.
[8] Т а б д и л — ўзгартириш, алмаштириш.
[9] С а ъ д — бахт, толе, иқбол. Саъди акбар деб бахт келтирувчи Муштарий сайёрасини атайдилар.
[10] С а н у б а р — қарағай, тик ўсадиган доимо яшил дарахт. Маҳбубнинг келишган қоматига нисбат берилади.



Хаста кўнглум сув бўлиб, сиймобдек айлар
тапиш,
Учради то менга ул сарви суманбар тебраниб.

Бўса айлар тавсанин[1] наълин[2] Амиру ҳам
вазир,
Чиқтиму ашҳаб[3] уза шоҳи диловар[4] тебраниб.

---

[1] Т а в с а н — асов, ўйноқи от.
[2] Н а ъ л — тақа.
[3] А ш ҳ а б — оқиш, бўз от.
[4] Д и л о в а р — баҳодир, ботир.

* * *

Кечалар сарҳуш чиқиб, олма жамолингдин ниқоб,
Тушгай ошуб[1] олама, гар кеча чиқса офтоб!

Бода тобидин юзунг шавқи чаманға урди ўт,
Куйдуруб гул шоху баргини, қилди булбулни
кабоб.

То кўзум зулфу юзунгдин айру тушти, кўрмадим
Гулда обу рангу сунбул туррасида печу тоб.

Қолмади кўнглумда лаълинг орзуси ёшурун,
Ул сифатким, шишада пинҳон эмас гулгун
шароб.

Соқие[2], май тутки, паймон боғладим
паймонаға[3],
Гардиши даври фалакдин[4] кўрмадим жуз[5]
инқилоб.

Ё ажал, ё меҳнати ҳажринг мени ўлтургуси,
Қил, алардин илгари жон олмоқ истарсен, шитоб.

Кимки қилди ёр кўйида гадолиғ ихтиёр,
Салтанат иқлимида дерлар Амири комёб.

---

[1] О ш у б — ғавғо, тўполон.

[2] С о қ и й деганда сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маҳбубани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

[3] П а й м о н а — май идиши, қадаҳ.

[4] Д а в р и ф а л а к — фалакнинг айланиши.

[5] Ж у з — бошқа, бўлак.



* * *

Эй хатинг Хизрдурур, соийи зулфинг зулумот,
Зулумот ичра манга лаъли лабинг обиҳаёт.

Бош аёғингға тушуб, қилди ғуборимни баланд,
Раҳи[1] ишқингда бу тадбир ила топдим
даражот[2].

Бесутун[3] тоғида ҳайронинг эрур юз Фарҳод,
Кўрмадим сен каби бир дилбари
ширинҳаракот[4].

Лаъли тиргузди мани, ҳар неча ўлтурди кўзи,
Уйлаким, бор эди даҳр[5] ичра ҳаёт ила мамот[6].

Одатим ишқинг эди, зулм ила манъ эттинг они —
Ки, муҳол ўлди мани хастага тарки одот.

Ҳеч ким айламагай тўбию[7] жаннат сари майл,
Қоматинг кўрса қиёмат аро аҳли арасот[8].

---

[1] Р а ҳ (Р о ҳ) — йўл.

[2] Д а р а ж о т — мартабалар, мақомлар.

[3] Б е с у т у н — Ҳамадон шаҳри ғарбидаги тоғ. Фарҳод шу тоғни кесиб, йўл очган деган ривоят бор.

[4] Бу ерда сўз ўйини бор: нозик ҳаракатли маҳбуба ва нозик ҳаракатли Ширин.

[5] Д а ҳ р — дунё, давр.

[6] М а м о т — ўлим, вафот.

[7] Т ў б и й (Т ў б о) — жаннатда ўсадиган ранг-баранг мевали, серсоя ва хушбўй ҳидли дарахт.

[8] А р а с о т — жаннат ва дўзах орасидаги майдон.

Ошиқи хастани маҳжури[1] висол айламаким,
Ишқ файёзи[2] санинг ҳуснунга бергай баракот.

Тойири[3] дил сари кўйунг уза айлар парвоз,
Негаким, отган ўқунг парларидин қилди қанот.

Кўрса ўз акси жамолини бўлур шайдоси,
Олмасун илкига ул шўхи париваш миръот[4].

Санки хуси авжининг моҳию катондур[5] кўнглум,
Давлати базми висолингга етишмак, ҳайҳот.

Остонинг уза ҳар ғамзадаким[6] ер тутти,
Топти эл ичра бийик рутбайи[7] олийдаражот.

Жону дил Каъбайи кўюнг сори боғлар эҳром[8],
Ой юзинг — қибла, тавофи сари кўйинг — Арафот[9].

---

[1] Маҳжур — айрилган, ҳижронли.
[2] Файёз — фаиз берувчи.
[3] Тойир — қуш, учадиган мавжудот.
[4] Миръот — ойна, кўзгу.
[5] Катон — канопдан тўқилган мато.
[6] Ғамзада — ғамгин, ғамли.
[7] Рутба — мартаба, даража.
[8] Эҳром — ҳаж ва умра зиёрати вақтида кийиладиган махсус кийим.
[9] Арафот — Макка шаҳри яқинидаги водий. Арафа куни ҳожилар шу ердаги тепаликка чиқиб, кун бўйи ибодат қиладилар.



Истасангким, санга толеъ ўла хуршиди висол,
Сайли[1] ғам етгонида тоғ каби айла сабот.

Айлади боди сабо боғда кўп сайру сукун[2],
Кўрмади лек бу янглиғ ҳаракоту сукунот.

Ёр васлига етишмакни хаёл этти Амир,
Ҳазрати саййиди кавнайнға айтиб салавот[3].

---

[1] Сайл (Сел) — кучли оқим, офат.
[2] Сукун — ҳаракатсизлик, осойиш.
[3] Ҳазрати саййиди кавнайн — Муҳаммад алайҳиссалом.

* * *

Эй, хароби чашми махмуринг[1] кўнгул,
паймона тут,
Бир қадаҳ[2] лаълинг закотидин[3] бериб,
мастона[4] тут.

Ҳусн[5] давридур ғанимат, айлагил тарки жафо,
Расми ойини[6] вафоу ишваи жонона тут.

Телбариб[7] атфол[8] тоши бирла мажруҳ
ўлмайин,
Ҳалқаи зулфунгни занжири дили вайрона тут.

Ўртади кўнглум шарори noладин афлокни[9],
Оразинг ҳажрида жон мулкини оташхона тут[10].

---

[1] М а х м у р — маст, хумор. М а х м у р л и к — бехудлик мартабаси.

[2] Қ а д а ҳ — тасаввуфда пирнинг илоҳий маърифат майига лиммо-лим қалби.

[3] З а к о т — ислом динида муҳтожлар фойдаси учун ҳар йили умумий даромаднинг қирқдан бир улуши миқдорида бериладиган солиқ. Бу ерда: л а ъ л з а к о т и — лаб солиғи, яъни бўса маъносида.

[4] М а с т о н а — мастлардек; мажозан: шўх гўзал.

[5] Ҳ у с н — илоҳий жамол, маҳбуб дийдори.

[6] О й и н — 1) расм-одат; 2) йўл-йўриқ.

[7] Т е л б а р и б — ақлдан озиб, телба бўлиб.

[8] А т ф о л — ёш болалар.

[9] А ф л о к — фалаклар, осмон.

[10] Т у т — бу ерда: бил, ҳисобла.



Гарчи моҳу меҳр эрур, эй шўх, саргардон сенга,
Жон қушин ҳам оразинг шамъига
бир парвона[1] тут.

Ҳар ситам қилсанг, менинг жонимға қил,
эй муғбача[2],
Ғайрдин бу шевани[3] жонинг учун бегона тут.

Орттирур ҳар лаҳза носиҳ[4] панд ила
ғафлат менга,
Эл аро андоқки, уйқу боиси афсона тут.

Ғам иложин май этар — айди Фузулий ҳам
Амир,
Эй асири доми ғам, бир гўшаи майхона[5] тут.

---

[1] П а р в о н а — маҳбуб йўлида ишқу вафою фидойилик юзасидан ўзини ишқнинг ёниқ шуъласида куйдириб, ҳалок бўладиган ҳашарот. У ошиқ ва фано рамзи ҳисобланади. Шамъ ва парвона — тасаввуф шеъриятидаги машҳур тимсоллардан. Бунда шамъ — илоҳий ишқ, парвона — ошиқ тимсоли бўлиб келади.

[2] М у ғ б а ч а — муғ (оташпараст)лар ибодатхонасидаги дастёр бола. Тасаввуф адабиётида содиқ мурид, чин ошиқ ва соқий тимсоли бўлиб келади.

[3] Ш е в а — одат, ҳунар.

[4] Н о с и ҳ — насиҳатгўй.

[5] М а й х о н а (М а й к а д а) — шавқу завқу илоҳий файзга кон комил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносида ҳам келади.

* * *

Лабингдин ком оланда чини[1] зулфингни
намудор[2] эт,
Қадаҳ тут, маст қил, андин кейин таклифи
зуннор[3] эт.

Санга бехудлиғ[4] ила ёрлиғ истармен, эй соқий,
Қадаҳ туттил манго, ул бодани афюн[5]
ила ёр эт.

Юзингнинг рашкидин гул хотири жамъин
паришон қил,
Табассум айла, ғамдин ғунчаларнинг кўнглини
тор эт.

Ичиб дурди майи[6] пири муғон[7]
майхонада ўлдум,
Таним туфроғи бирла дайр[8] таъмириға
девор эт.

---

[1] Ч и н — тугун.
[2] Н а м у д о р — кўринарли.
[3] З у н н о р — ўтмишда мусулмон давлатларида яшовчи христианлар белига боғлаб юрадиган чилвир, белбоғ. Тасаввуфда зуннор — маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш.
[4] Б е х у д л и к — ўзидан бехабарлик, мастлик ва ошиқлик мақоми.
[5] А ф ю н — қора дори.
[6] Д у р д и м а й — май қуйқаси.
[7] П и р и м у ғ о н — майхоначи; мажозан: шайх — йўлбошчи.
[8] Д а й р — майхона.



Тилар кўнглимки, ошиқлиқда расвойи жаҳон
ўлсам,
Ул ойнинг ҳуснига, ё Раб, мени мундин
батар зор эт!

Кўнгул, овора бўлким, монеъи васл ўлди
нодонлиғ,
Санга ким айди ағёр оллида ишқингни изҳор эт.

Ямон кўз тегмасун ҳуснунгга,
эй маҳбублар шоҳи,
Амир ашъоридин бу руқъани[1] бўйнунга
туммор эт.

---

[1] Р у қ ъ а — хат, нома.

* * *

Қўйди ул чобуксувори[1] кажкулаҳ[2]
боши узра тож,
Шаън ила киймиш нечукким подшаҳ
боши узра тож.

Рост келмас ҳар киши эгнида давлат хилъати,
Бу жиҳатдиндурки, қўймаслар сипаҳ
боши узра тож.

Шоҳлиғ асбобиға[3] мавқуф[4] эмас,
ҳиммат керак,
Йўқса билмиш ҳар гадо эски кулаҳ[5]
боши узра тож.

Афсар[6] ўлмиш ишқ аҳлиға аёғинг туфроғи,
Топти нахли қоматингдин боргаҳ[7]
боши узра тож.

Ул Амири ҳусн кўнглим мулкининг забти учун
Гаҳ камар боғлаб белига, қўйди гаҳ
боши узра тож.

---

[1] Ч о б у к с у в о р — чавандоз; мажозан: маҳбуба.
[2] К а ж к у л а ҳ — 1) олифта, дўпписини чаккасига қўйган; 2) мағрур, мутакаббир; 3) шўх, гўзал, маҳбуба.
[3] А с б о б — 1) мол-дунё, ноз-неъмат; 2) қобилият.
[4] М а в қ у ф — тўхтатиб қўйилган, боғлиқ, тайинлаб қўйилган. Бу ерда: боғлиқлик, тобеълик.
[5] К у л а ҳ — бош кийим.
[6] А ф с а р — тож, жиға.
[7] Б о р г а ҳ — подшоҳ саройи, қаср.



* * *

Қилғоч ул ой бир кеча чарх узра оҳанги уруж,
Топти зийнат мақдамидин[1] афсари зот
ул-буруж[2].

Истабон иззу шараф чиқмоққа истиқболиға,
Тавсани гардунға меҳр урмиш кавокибдин
буруж[3].

Ли маоллоҳ[4] мажлисида онча қурбат[5]
топтиким,
Анбиё бирла малойик кўрмади андоқ уруж.

Анбиё хайли сипоҳи эрди пайки[6] Жабраил,
Қилди чун кавну макондин[7] ломакон[8]
сори уруж.

Жон аро махфий ғаминг, жондур кўнгул ичра
ниҳон,

---

[1] М а қ д а м — қадамлар.
[2] З о т у л - б у р у ж — буржлар эгаси.
[3] Б у р у ж — буржлар.
[4] Л и м а о л л о ҳ — соф. покликдаги бир даража. Тасаввуфдаги юксак даражалардан бири.
[5] Қ у р б а т — яқинлик.
[6] П а й к — хабарчи, элчи, ваҳий келтирувчи фаришта.
[7] К а в н у м а к о н — олам, борлиқ.
[8] Л о м а к о н — маконсиз. Худонинг сифатларидан бири.

Ҳам кўнгулда тан аро ул навъким,
дуржи дуруж[1].

Ё Расулиллоҳ, шафоат илки бирла қўлдабон
Дастгирим[2] бўлғосен маҳшарда
«ман кал ал-хуруж».

Топти ҳар ишда кушойиш[3],
сабр то қилди Амир —
Ким, демиш хайр ул-башар[4]:
«Ас-сабру мифтоҳ ул-фуруж»[5].

[1] Д у р ж — қимматбаҳо тошлар, безаклар солинадиган қутича; кўплиги: дуруж.
[2] Д а с т г и р — мададкор, раҳнамо.
[3] К у ш о й и ш — омад, муваффақият.
[4] Х а й р у л - б а ш а р — одамларнинг яхшиси, яъни Муҳаммад алайҳиссалом.
[5] А с - с а б р у м и ф т о қ у л - ф у р у ж — сабр хурсандчилик ва кенгчилик калитидир (ҳадис).



* * *

Улки, гулдур юзи, наргис[1] каби кўзлар қийғоч[2],
Анга монанд эмас ҳар сүману[3] ҳар қийғоч.

Майи гулранг ичиб, сурма чекиб ҳар кўзига,
Айлади кўзларини ноз ила дилбар[4] қийғоч.

Рост келмас сенга ҳарчанд тазаллум қилсам,
Эгридур сунбулингу наргиси кофар қийғоч.

Холи шоҳинига[5] бўлди ики қошинг ики бол[6],
Кўзинг остида учар мисли кабутар қийғоч.

Эгри тадбир ила коми дил ўлмас ҳосил,
Етмас ўқ манзилига, бўлса анга пар қийғоч.

Эгри ёзди ики қошинг азали котиби сунъ[7],
Рақам айларда магар бор эди мистар[8] қийғоч.

[1] Н а р г и с — бўтакўз. Тасаввуфда амал орқали қўлга киритиладиган илмнинг натижасидан шоду хуррамлик сифатида тушунилади.
[2] Қ и й ғ о ч — сузук, қия.
[3] С у м а н — оқ, сарғиш рангли гул.
[4] Д и л б а р — дилнинг азобларига даъво қилувчи. Илоҳий тажаллий чоғида дилни нуроний қилувчига ҳам дилбар дейилади.
[5] Ш о ҳ и н — ов қуши, қарчиғай.
[6] Б о л — қанот.
[7] К о т и б и с у н ъ — Худо.
[8] М и с т а р — чизғич, транспарант.

Неча бедил[1] фиғонин чиқориб кўкка, кетар
Бўркини[2] қош уза ул шўхи ситамгар қийғоч.

Бор эдим қатраи саҳбоға талабгор, Амир,
Бўлмади соқийи давр илгида соғар қийғоч.

---

[1] Б е д и л — ошиқ, мафтун, мубтало, беқарор, гирифтор; дилини бой берган.
[2] Б ў р к — қалпоқ, телпак.



* * *

Лаълинг фироқида менга бўлди шароб талх[1],
Ҳар дам кўзим тўкти лабинг истаб гулоб талх.

Куйгон юракнинг шўрини ашким фузун этар,
Андоқки, туз суйи била бўлғай кабоб талх.

Сўрдум: «Не май эрди кеча ағёр базмида?»
Ширин лабинг ғазаб била берди жавоб талх.

«Чок ўлди жон яқоси», — десам, аччиғинг надур?
Ҳаргиз демас катон сўзини моҳтоб талх.

Ағёр бирла бода ичиб, зулм этиб манго,
Айшимни айладинг кеча, эй офтоб, талх.

Гаҳ заҳри ғам ютарману гаҳ бехуд ўлмишам,
Эй гул, ғамингда бўлди манга хўрду хоб[2] талх.

Эй гул, на бўлди парда кўтарсанг жамолдин?
Ошиқларингнинг айшини қилди ниқоб талх.

Ширин десам лабингни, анга тунд бўлмағил,
Кавсар[3] суйини ким деди, эй пуритоб[4], талх.

Ишқу вафо тариқида шод ўлмишам, Амир,
То ёрнинг рақибига бўлди азоб талх.

---

[1] Т а л х — аччиқ.
[2] Х ў р д у х о б — ейиш-ичиш ва уйқу.
[3] К а в с а р — жаннатдаги ҳовуз. Унинг суви асалдан ширин, қор ва сутдан оқ бўлиб, ичган киши абадулабад ташналик нималигини билмайди.
[4] П у р и т о б — қийновчи, дарғазаб.

* * *

Эй пари, ағёрни ёд этма чўх[1],
Ошиқингни ғамда ношод этма чўх.

Асра зулфунгни сабодин[2] зинҳор,
Сабру сомонимни барбод этма чўх.

Бир тағофул бас мани ўлтургони,
Ноз ила ул кўзни жаллод этма чўх.

Қатли ом айларга моҳир бўлмасун,
Ғамзани нозингга устод этма чўх.

Ишқ зиндонига туштинг, эй кўнгул,
Дилраболар зулмидин дод этма чўх.

Итлари ғавғосидин андиша қил,
Кечалар кўйида фарёд этма чўх.

Пойбанд[3] ўлмай десанг ғам домига,
Рағбати ул сарви озод этма чўх.

---

[1] Ч ў х (Ч ў қ) — кўп.

[2] С а б о — Шарқдан эсадиган ёқимли шабада, тонг ели. Тасаввуфда руҳоний маъшуқ томонидан келадиган раҳмоний хушбўй насим. Шунингдек, сабо ошиқларнинг саҳарда чеккан охуноласини Оллоҳга етказади деб ҳисоблайдилар.

[3] П о й б а н д — оёғи боғланган. Мажозан: асир, гирифтор.



Гоҳ-гоҳи ҳолима наззора қил,
Дам-бадам жонимға бедод[1] этма чўх.

Бевафодур, эй кўнгул, маҳбублар,
Майли ул жаври паризод этма чўх.

Гар десангким, бевафолиғ кўрмайин,
Ўзни ошиқлиққа муътод[2] этма чўх.

Гар тиларсан, эй Амир, осудалиғ,
Ишқ таъмирини[3] бунёд этма чўх.

---

[1] Б е д о д — зулм.

[2] М у ъ т о д — одатланган.

[3] И ш қ т а ъ м и р и — ишқ имORATи.

* * *

Боғ ичра сарв тарзи хиромингға[1] бандадур,
Хуршиди чарх моҳи тамомингға[2] бандадур.

Лаълинг такаллумики[3], фасоҳатда[4] дур сочар,
Гул ғунчаси румузи[5] каломингға бандадур.

Оллингда шохи гул эгилиб юз ниёз ила,
Эй навниҳоли ноз[6], саломингға бандадур.

Ишқингни соври мани саргашта[7] айлади,
Даври сипеҳр гардиши жомингға[8] бандадур.

Бошингдин айланиб, сари[9] кўйингдин ўргулай,
Кўнглум қуши кабутари бомингға[10] бандадур.

Васлингни муждаси манга етти фироқ аро,
Жону кўнгил хужаста[11] паёмингға[12] бандадур.

---

[1] Т а р з и  х и р о м — маҳбубанинг нозу карашма билан чиройли юриши.
[2] М о ҳ и  т а м о м — тўлин ой; мажозан: гўзал чеҳра.
[3] Т а к а л л у м — сўзлаш, гапириш.
[4] Ф а с о ҳ а т — сўз, нутқнинг очиқ ва равшанлиги.
[5] Р у м у з — рамзлар, имо-ишоралар.
[6] Н а в н и ҳ о л и  н о з — мағрур ёш гўзал.
[7] С а р г а ш т а — овора, сарсон.
[8] Ж о м — қадаҳ, май косаси.
[9] С а р — бош.
[10] Б о м — том.
[11] Х у ж а с т а — ёқимли, муборак, қутлуғ.
[12] П а ё м — хабар.



Ром ўлди кўзларингни ғазоли[1] жунунима,
Яъни бу шери ваҳший ромингға бандадур.

Ҳарчанд Амири мамлакати иззу нозмен[2],
Кўнглум каманди[3] ҳалқаи домингға бандадур.

---

[1] Ғ а з о л (Ғ а з о л а) — кийик, оху.
[2] И з з у  н о з — иззату ифтихор.
[3] К а м а н д — ҳалқа, банд, сиртмоқ, тузоқ.

* * *

Нега арбоби хирад аҳли жунундин ори бор?
Ким булар урён, аларнинг жуббау дастори бор.

Гул юзинг оллида зоҳир[1] қилди шабнамлар
арақ[2],
Ғунча хомушу лабингни гавҳари гуфтори[3] бор.

Бўлма маҳзун[4], боғбон, боғингга кирмас
маҳвашим[5],
Сарвдур қадди ани, рухсоридин гулзори бор.

Соқиё, май бирла бир соат мени шодон қил,
Нотавон кўнглумни ҳижрони дардидин
озори бор.

Эй кўнгул, динингни пинҳон асра ишқ
атворида[6],
Қошини ҳар бир хамида кўз деган айёри бор.

Кўҳкан[7] Ширинга ошиқ бўлди,
Мажнун Лайлига —

[1] З о ҳ и р — 1) аён, ошкор; 2) ташқи кўриниш.
[2] А р а қ — тер.
[3] Г у ф т о р — сўз, сўзлаш.
[4] М а ҳ з у н — ғамгин, хафа.
[5] М а ҳ в а ш ( М о ҳ в а ш ) — ойдай гўзал маҳбуба.
[6] А т в о р — юриш-туриш, феъл, хулқ; бу ерда: йўл, боб маъносида.
[7] К ў ҳ к а н — тоғ қазувчи; Фарҳоднинг лақаби.



Ким, муҳаббат шаҳрида ҳар кимсани
бир ёри бор.

Риштаи зулфини бўйнимда кўруб,
таън айламанг,
Бу бараҳман[1] бут[2] йўлида бўйнида
зуннори бор.

Ёр ишқидан парилар эътироз айлар магар,
Ҳар бирини бўйнида таъвиз[3] ила туммори бор.

Дилраболар ичра яктоликқа машҳур
машҳур ўлса, лек
Кўйида мен телба янглиғ бениҳоят зори бор.

Эй пари, бир кун бузуқ кулбам сари қилғил
хиром,
Ҳеч агар йўқтур, замони сояи девори бор.

Не сабабдин ўлмасун обод кўнглим кишвари,
Ишқ шоҳидек Амири маъдалат[4] осори бор.

[1] Б а р а ҳ м а н — Ҳинд диний олимларидан бир тоифаси; бутпарастларнинг пири, мурииди.
[2] Б у т — санам; мажозан: маҳбуба.
[3] Т а ъ в и з — тумор.
[4] М а ъ д а л а т — адолат, инсоф.

* * *

Ёр очти шона[1] бирла сунбулидин тоблар[2],
Бўлди саргардон Хўтан[3] даштида мушки
 ноблар[4].

Сиймгун[5] рухсордин тер зоҳир ўлғач, рашк ила
Сийм[6] сув бўлди-ю, оқти ҳар тараф симоблар.

Бул муқаввас[7] қош ила масжидға кирғач
 навхатим[8],
Ўрнидан турди-ю, таъзим айлади меҳроблар[9].

Туздилар уппоқлар[10] хуршиди рухсорин тилаб,
Чок-чок ўлғоч кўнгил лавҳида устурлоблар[11].

Дур тишинг бирла ақиқи[12] лаъли нобинг садқаси
Баҳр аро гавҳарлару кон ичра лаъли ноблар.

---

[1] Ш о н а — тароқ.
[2] Т о б — бу ерда: ўрим, жингалак.
[3] Х ў т а н — Қашқардаги воҳа ва шаҳар.
[4] Н о б — тоза, асил. М у ш к и н о б — тоза мушк.
[5] С и й м г у н — кумуш ранг, ялтироқ оқ рангли.
[6] С и й м — кумуш.
[7] М у қ а в в а с — эгма, қайрилма; ёйга ўхшаш.
[8] Н а в х а т — ёш гўзал.
[9] М е ҳ р о б — масжидда имом турадиган жой; мажозан: ёрнинг қайрилма қоши.
[10] У ш ш о қ — ошиқлар.
[11] У с т у р л о б — телескоп: юлдузларни кузатадиган астрономик асбоб.
[12] А қ и қ — қизил рангли қимматбаҳо тош.



Ёд қил зинҳор бу саргаштани кўз ёшидин,
Ишқ води(й)сида кўрсанг ҳар тараф гирдоблар.

Меҳр эрмас зарраи саргаштасидин бехабар,
Ёр бепарво эмастур, ғам еманг, аҳбоблар[1].

Айладим кўйи рақибиға тавозуълар, Амир,
Ёр васлига мени еткурди бу одоблар.

---

[1] А ҳ б о б — дўстлар.

* * *

Тобларки, сунбули зулфи паришонидадур,
Ҳар бири қуллобдек[1] ишқ аҳлини жонидадур.

Зулфи шабранги[2] аёғи узра қуймоқликка бош
Соя янглиғ сарнигун[3] сарви қади ёнидадур.

Икки мушкин қошлари бу сатр зеболиғ била
Шоҳбайтедур[4], ёзилғон ҳусн девонидадур[5].

Ваъдалар айлаб, агарчи қилмадинг бирга вафо,
Лек бу Мажнун бурунғи аҳду паймонидадур.

Фитна тиғи, ғамза найранги, тағофил сурмаси —
Бу адолар[6] барча они нози мужгонидадур.

Бўлмағай Кавсар суйи бирла зулоли Хизр аро
Ул ҳаловатким, ақиқи лаъли хандонидадур.

Йўқ ажаб, гар берса ўлғонға такаллум
бирла жон,

[1] Қ у л л о б — чангак, илмоқ.
[2] Ш а б р а н г — тун каби қора.
[3] С а р н и г у н — боши қуйи, тўнтарилган.
[4] Ш о ҳ б а й т — ғазалнинг ёки қасиданинг энг гўзал, энг мукаммал байти.
[5] Д е в о н — шеърлар тўплами.
[6] А д о — бу ерда: қилиқ, маҳбубанинг иш-амали маъносида.



Мўъжизи Исо[1] лабини оби
ҳайвонидадур.

Ман киму зуҳду[2] вараъ[3], эй порсо[4],
маъзур тут,
Нотавон кўнглум Амири ишқ фармонидадур.

[1] М ў ъ ж и з и  И с о — Исо мўъжизаси. Исо алайҳиссаломнинг қўллари теккан — силаган ўликка жон кирар экан. Шунинг учун у зот ал-Масиҳ — силовчи деб улуғланган. Шарқ мумтоз шеъриятида нафаси, сўзи ошиққа жон бағишлайдиган маъшуқа ҳам Исо Масиҳга ўхшатилади.
[2] З у ҳ д — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, парҳезкорлик, порсолик.
[3] В а р а ъ — парҳез, тақво. Тариқатнинг иккинчи мақоми.
[4] П о р с о — художўй, тақводор.

* * *

Мени ҳайронлиғим, эй нозанин, зеболиғингдиндур,
Қизил ёшим сориғ рухсор уза
раънолиғингдиндур.
Муҳаббат аҳлини афғони[1] зулмингдин эрур
ёхуд
Бу шўр[2] ушшоқ аро, эй шўх,
нопайдолиғингдиндур.

Тўкарлар кўзларинг қон, воқиф ўлким,
ҳусн шоҳисен,
Кўнгуллар мулкида бу фитна
бепарволиғингдиндур.
Алифдек[4] қоматинг жонлар аро сокин эрур[3],
лекин,
Хироминг элни Мажнун этмаги
яктолиғингдиндур.

Сенга ким айди, эй кўнгул, ани зулфига
банд ўлғил,
Гирифтори бало бўлмоқлиғинг
шайдолиғингдиндур.

---

[1] А ф ғ о н — фиғонлар, нолалар.
[2] Ш ў р — ғавғо, тўполон, нотинчлик.
[3] А л и ф — араб алифбосининг 1-ҳарфи. Тик ва тўғрилиги жиҳатидан маҳбубанинг қоматига нисбат берилади.
[4] Араб ёзувида «жон» сўзининг ўртасида алиф ҳарфи келади. Бу ерда шунга ишора қилинмоқда.



Мурувват зоҳир эттинг элға ошиқ оҳидин
қўрқуб,
Мусулмонлиқға мойил ўлмоғинг
тарсолиғингдиндур[1].
Мани девонаға гоҳи боқиб, қаҳру итоб[2] этма,
Амир оллингда, эй сийминбадан[3],
мирзолиғингдиндур[4].

---

[1] Т а р с о — насроний. Тасаввуфда нафси амморани маҳв этиб, нафси ҳамидага эришган ориф инсон.
[2] И т о б — маломат, таъна. Тасаввуфда икки маънода келади: маъшуқанинг ошиққа ва ошиқнинг ўз нафсига итоб айлаши.
[3] С и й м и н б а д а н — кумуштанли, оқ бадан.
[4] М и р з о — бу ерда: амирзода, шаҳзода.

4—4215

* * *

Саодат гавҳари эл қўйнида поси адабдиндур,
Кулоҳи фақр афсар бўлмоғи тарки талабдиндур.

Мени муғ дайрида[1] кўрдунг, вале таън этма, эй зоҳид —
Ки, бу расволиғим савдойи у тарсо ҳасабдиндур[2].

Жунун даштида Мажнундек югурдим телбараб ҳар ён,
Бу савдолар бошимда бир бути Лайлинасабдиндур.

Дабистони[3] муҳаббат ичра сиғмас дафтари ишқим,
Магар Фарҳоду Мажнун қиссаси бу мунтахабдиндур[4].

Юзунг бирла лабингга боғ аро ташбиҳ этиб бўлмас,
Эрур гулдин мусаффороғу ширинроқ рутабдиндур[5].

---

[1] М у ғ   д а й р и — оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона.
[2] Ҳ а с а б — бу ерда: сабаб, туфайли.
[3] Д а б и с т о н — мактаб.
[4] М у н т а х а б — танланган, сайланган.
[5] Р у т а б — олий навли хурмо.



Менинг бирла баробар тутмангизларким, Ажамдин[1] мен,
Хито[2] авлодидин Фарҳод эрур, Мажнун арабдиндур.

Таажжуб қилмагил ноғаҳ Амир абётини[3] кўрсанг,
Бу табъи нозику зеҳни салим[4] имдоди[5] Рабдиндур.

---

[1] А ж а м — Арабистондан бошқа мамалакатлар.
[2] Х и т о — Хитой (Чин).
[3] А б ё т — 1) байтлар; 2) шеърлар, шеърий асарлар.
[4] Т а б ъ и   с а л и м — баланд истеъдод, соғлом табиат.
[5] И м д о д — мадад, кўмак.

* * *

Харобот[1] ичра кирдим, ишқ нақдин ройгон[2]
келтур,
Муғанний[3], нағма тузгил, соқиё, ратли гарон[4]
келтур.

Қуёшни тобидин бир зарра олгил интихоб[5]
айлаб,
Кўнгул, мен бенавоға ёр оғзидин нишон келтур.

Кўнгул, гар Вомиқу Фарҳоду Мажнун базмиға
борсанг,
Мени расволиғимдин ўлтуруб бир достон келтур.

Чаман раънолари муштоқи гулзори жамолингдур,
Қадингдек сарви зебо, оразингдек гулситон
келтур.

Кўзунг мардумлариға[6] гар мени ўлтурмак
истарсен,

---

[1] Харобот — майхона, комил инсон ҳузури; башарий сифатларнинг хароб ва жисмоний вужуднинг фоний бўлиши.
[2] Ройгон — текин, мўмай, осон топилган.
[3] Муғанний (Мутриб, Чолғучи) — орифлар дилини рамзлар кашфию ҳақиқатлар баёнига тўлдирадиган, файз етказувчи. Илоҳий оламдан огоҳ этувчилар ва комил пирларга ҳам ишора қилинади. Унинг куйи — маърифат, қўшиғи эса ҳақиқат.
[4] Ратли гарон — шароб тўла катта қадаҳ.
[5] Интихоб — танлаш, сайлаш.
[6] Мардум — 1) кўз қорачиғи; 2) киши, инсон.



Мижангдин ўқ муҳайё айла, қошингдин камон
келтур.

Кўзиға сурма зебо, кўнглим ол, эй тожири[1] доно,
Ҳалабдин[2] шиша савдо айла, жинси[3]
Исфиҳон келтур.

Юзи даврида мушкин зулфи савдосин гар
истарсен,
Бориб Чин кишваридин Рум[4] элиға
корвон келтур.

Амир, асрори дилдин мардуми чашм ўлмасин огаҳ,
Кўнгул хилватгаҳиға ёдини кўздин ниҳон
келтур.

---

[1] Тожир — савдогар, тижоратчи.
[2] Ҳалаб — Суриядаги шаҳар.
[3] Жинс — бу ерда: мато, мол.
[4] Рум — ўрта асрларда ҳозирги Кичик Осиё ва Греция Рум деб аталган.

* * *

Лабларинг такаллумда тўкти онча гавҳарлар,
Термоғига ожиздур барча нуктапарварлар[1].

Тил чиқорди васфингға гулшан ичра ҳар савсан[2],
Ҳусн аро мусалламдур[3] сенга барча дилбарлар.

Даҳр гулшани ичра тоқдур юзу қаддинг,
Сенга марҳабо дерлар сарвқад суманбарлар.

Боғ аро қадам қўйсанг, эй риёзи раънойи,
Қоматингғадур банда ҳар тараф санубарлар.

Кўзларингни мижгони тез эрур синон[4] янглиғ,
Турктози[5] майдон эт, сендадур бу ханжарлар.

Бошим узра ҳар соат солди юз туман[6] савдо,
Олди ақлу ҳушимни кокили муанбарлар[7].

Мулки дил Амиримен, ишқ шаҳрини шоҳи,
Ҳар бири Фалотундур даргаҳимда чокарлар[8].

---

[1] Нуктапарвар — чуқур маъноли сўз айтувчи нозикфаҳмлар. Сўз усталари, донишмандлар.
[2] Савсан — гулсапсар.
[3] Мусаллам — 1) тан бериш; 2) таслим бўлиш, бўйсуниш.
[4] Синон — найза учи, ўткир найза; мажозан: киприк.
[5] Турктоз — шиддат билан от қўйиб босиб бориш; ҳамла, талон-торож, юрат.
[6] Туман — ўн минг.
[7] Муанбар — муаттар, хушбўй.
[8] Чокар — хизматкор, мулозим.



* * *

То кўзинг ошиқлара нозу итоб устиндадур,
Айни хуршиди латофатдурки, тоб устиндадур.

Сарв қаддинг шўхлуғдин бир нафас сокин эмас,
Ул алиф янглиғки, доим изтироб устиндадур.

Икки-уч холингмудур[1] майгун[2] лабингнинг устида,
Ё магар ул нуқталардурму шароб устиндадур.

Пора-пора кўнглум авроқин паришон қилди ёр,
Баски, ул бебок[3] аёғи бу китоб устиндадур.

Оразинг лавҳида ул икки муқаввас қошларинг,
Ҳар тараф бир мадд[4] эрурким, офтоб устиндадур.

Оташин[5] рухсоралар кўнглумни юз доғ эттилар,
Мунча кофий[6] кина бир куйган кабоб устиндадур.

Печи зулфунг тоб келтурмай юзунгни тобига,
Ўт аро тушгон илондек печу тоб устиндадур.

Лаълида май соғарин гулгун кўруб, сўрдум, Амир,
Ваҳ, на зебо лола барги лаъли ноб устиндадур.

---

[1] Хол — тасаввуфда илоҳий зотнинг ягоналиги тимсоли.
[2] Майгун — май рангидаги, қизил.
[3] Бебок — 1) бепарво, қўрқмас; 2) лоқайд, золим.
[4] Мадд — араб алифбосидаги «алиф» ҳарфи устига қўйиладиган чўзиқлик белгиси.
[5] Оташин — олов ранг, ёлқинли, жозибадор.
[6] Кофий — кифоя, етарли.

* * *

Кўнгул лаъли таманноси била қон ўлди
ўхшайдур,
Кўзум ойинадек ҳуснига ҳайрон ўлди ўхшайдур.

Кўруб ошуфта[1] ҳоли зорими аҳбоблар айтур:
Гирифтори каманди зулфи жонон ўлди ўхшайдур.

Ўқунг захмини[2] пинҳон айладим жисм ичра
жон бирла,
Кўнгул ганжинасида[3] доғи[4] сомон ўлди
ўхшайдур.

Баногўшида гўшовизини[5] гавҳар эмас билдим,
Шараф дуржида юлдуз дурри ғалтон[6] ўлди
ўхшайдур.

Кўнгул афғонидин шўри қиёмат ошкор ўлди,
Асири гардиши ул чашми фаттон[7] ўлди
ўхшайдур.

Ҳарими[8] васлимга восил этарман дер эди ул
шўх,
Бу золим бизга қилғон аҳди ялғон ўлди
ўхшайдур.

---

[1] Ошуфта — ошиқ, шайдо, девона.
[2] Захм — яра, жароҳат.
[3] Ганжина — хазина, кон.
[4] Доғи — яна, тақин.
[5] Гўшовиз — қулоққа тақиладиган безак.
[6] Дурри ғалтон — йирик думалоқ дур.
[7] Фаттон — фитна қўзғотувчи.
[8] Ҳарим — ҳарам, висол хилватхонаси.



Фаноомода[1] бўлди жисми зорим ишқ даштида,
Кўзум ёшин тўкуб, ер узра тўфон ўлди ўхшайдур.

Эрур равшан зумуррад[2] мавжаси лаъли
хушоб[3] узра,
Лабидин сабзайи хатти намоён ўлди ўхшайдур.

Кўзум ганжинасидин нурфишонлиқ[4]
ройгон кетти,
Сиришки[5] шашқаторим вақфи[6] домон[7]
ўлди ўхшайдур.

Чекибдур корвон хатти матоъи ҳусн илкида,
Бу мазмун бирла нархи бўса арзон ўлди
ўхшайдур.

Амир ашъорина бўлди мусаллам
гавҳарафшонлиқ[8],
Ҳавопарвардайи[9] ул лаъли хандон ўлди
ўхшайдур.

---

[1] Фаноомода — ўтиб кетишга, фано бўлишга тайёр.
[2] Зумуррад — зумрад яшил тусли қимматбаҳо тош.
[3] Хушоб — тоза, тиниқ.
[4] Нурфишон — нурафшон, нур сочувчи.
[5] Сиришк — кўз ёши.
[6] Вақф — масжид ва хонақоҳларга фойдаланиш учун бериладиган мол-мулк, нарса-буюм.
[7] Домон — этак.
[8] Гавҳарафшонлик — гавҳар сочувчилик.
[9] Ҳавопарварда — эркалик, кибр-ҳаво билан тарбия топганлик.

* * *

Мениким, маст кўрдингиз, деманг,
обий инабдиндур[1],
Бу бехудлик манго ул сарвқадди
нўшлабдиндур[2].

Дема базми висол ичра недур кўнглингни
марғуби —
Ки, бордур қути[3] жоним хоҳи ғабғаб,
хоҳи лабдиндур.

Санамлардур санинг оллингда гўё бир ғариб
ошиқ,
Магар базмингда майлиғ шишалар шаҳри
Ҳалабдиндур.

Парирухсора бутлардин вафою меҳр кўз тутмоқ
Муҳаббат аҳлиға гўё ажабдин ҳам ажабдиндур.

Ғаму андуҳ ила ҳаргиз очилмас ғунчайи табъим,
Кўнгул васлинг топиб, маъюс бу айшу
тарабдиндур[4].

Не золимсанки, аҳволимни арз этгонда ялғон деб,
Қизориб қош уза чин солғонинг қаҳру
ғазабдиндур.

---

[1] О б и   и н а б — узум суви — май.
[2] Н ў ш л а б — ширинлаб, маҳбуба.
[3] Қ у т — озиқ.
[4] Т а р а б — шодлик, хурсандлик, айш-ишрат.



Кеча то субҳидам ёрим хаёлинг,
ҳамдамим эдинг,
Санамлар кўнглида юз доғ мен қилғон
тарабдиндур.

Ҳалокім қасдин эттинг, билмадим журму
гуноҳимни,
Ғамим бу қаҳр биймидур[1],
итоби бесабабдиндур.

Амири мулки ишқам, кимса алқобимни[2]
кўргонда
Дегайким: «Вомиқу Фарҳоду Мажнун
бу лақабдиндур».

---

[1] Б и й м — қўрқув.
[2] А л қ о б — номлар, лақаблар.

* * *

Кўрди нозанинлардин тугмаи гирибонлар[1],
Тўкти мардуми чашмим қатра-қатра маржонлар.

Сенда кўп латофат бор — ҳар бирини кўргонда,
Кўзларим тўкуб ёшин, солди шўру тўфонлар.

Қўймадинг қадам кўзга, сўрмадинг кўнгул дардин,
Кўз билан кўнгул ичра қолди неча армонлар.

Ёр кўргани келмиш ғам тунида кулбамға,
Анжум ила, эй гардун, равшан эт чароғонлар.

Чиқти кўк уза нолам инжитиб Масиҳони,
Лек санга, эй золим, етмади бу афғонлар.

Ёр ғайр ила бода нўш этар шабистонда[2],
Манда қолмади тоқат эмди, эй мусулмонлар!

Ишқ кофиридурман хатту холу зулфидин,
Нақди дини исломим ғорат эттилар онлар.

Руҳ тойири зулфунг хамларида банд ўлмиш,
Шона чекма бепарво, хаста бўлмасун жонлар.

Сарв ила санубар деб, боғбон, гумон этма,
Боғ аро қилур жилва қомати хиромонлар.

---

[1] Гирибон — ёқа.
[2] Шабистон — тунги ётоқ.



Ҳуш офати эрмиш ғамза бирла ул кўзлар,
Қон тўкарға моҳирдур теграсида мижгонлар.

Кавсарим шаробингдур, жаннатим эрур васлинг,
Нақд сенсан, эй соқий, нася ҳуру ғилмонлар.

Қошларинг хаёлидур кўнгул ичра, эй соҳир[1],
Ҳар кўнгул, ажаб, бўлмиш икки ёға[2] қурбонлар.

Икки кўз қароғида эрмас ул сафи мижгон,
Ёр ўттали бўлмиш ҳар тараф хиёбонлар.

Монеъи тағофулму ё итоб эрур боис?
Бир табассум этмаслар лаъли гавҳарафшонлар.

Рамзи ҳалқайи зулфунг шарҳ этар Амир андоқ,
Эшитиб қилур таҳсин зуфунун[3] сухандонлар.

---

[1] Соҳир — сеҳрловчи.
[2] Ёй — бу ерда: қош маъносида ишлатилган.
[3] Зуфунун — фанлар ва ҳунарлар эгаси, олим.

* * *

Сабо, лутф эт манго, ул сарв пайғомин[1]
равон келтур,
Висоли муждасидин нотавон жисмимға
жон келтур.

Таманно айласанг гар шамъ янглиғ
суҳбаторолиқ,
Туганлар[2] бирла бу маҳфил аро ўтлуқ
забон келтур.

Ғами шамширидин гар ўлғонимга қилмаса
бовар[3],
Кўзум паймонасини тўлдуруб, қошиға қон
келтур.

Тааммул[4] бирла оғзинг нуктасидин[5] ўлмадим
ғофил,
Такаллум айла манга — кашфи асрори ниҳон
келтур.

Ямон ранжур[6] эрурман бодаи лаълинг
хуморидин,

---

[1] Пайғом — 1) хабар, дарак; 2) башорат.
[2] Туган — яра ва жароҳатларнинг доғи, изи.
[3] Бовар — ишониш.
[4] Таммул — чуқур ўйлаш, мулоҳаза юритиш.
[5] Нукта — сир, ҳикмат.
[6] Ранжур — касал, кучсиз, эзилган.



Илож айларга, эй соқий, шароби арғувон[1]
келтур.
Агар ул сарви раъно васлидин хуррамлиғ
истарсан,
Сиришки олу оҳи сарду[2] ранги заъфарон[3]
келтур.
Тириклик риштаси ишқ илгида кўтаҳдур[4],
эй соқий,
Лаби пайғомидин, лутф айла, умри жовидон[5]
келтур.

Кўнгил ўтига таскин истасанг, эй ишқ, ҳар соат,
Кўзумдин қатра-қатра сайли ашки хунфишон[6]
келтур.
Амир абётин, эй мутриб, эшитсун кучаку[7]
бузрук[8],
Наҳованду Хуросону Ироқу Исфаҳон, келтур.

---

[1] Арғувон — қизил гулли дарахт; мажозан: қизил ранг.
[2] Сард — совуқ.
[3] Заъфарон — сариш тус берувчи хушбўй ўсимлик; мажозан: сариқ ранг.
[4] Кўтаҳ — қисқа.
[5] Жовидон — абадий, боқий.
[6] Хунфишон — қон сочувчи, қонли.
[7] Кучак — кичик, ёш.
[8] Бузрук — катта, улуғ.

* * *

Шўхеки, ноз ила мани ўлтурмай ўлтурур,
Мижгони новакафгани[1] ўлтурмай ўлтурур.

Ёр ўлтурурга келди-ю, ўлтурмади даме,
Аҳду вафолари қани, ўлтурмай ўлтурур.

Белга этак чекиб келодур ёр тунд ўлуб,
Бошимға гарди домани ўлтурмай ўлтурур.

Лаъли Масиҳи хизматида ман маризни[2]
Ул икки турк раҳзани[3] ўлтурмай ўлтурур.

Ошиқларини ўлтурубон тиргузур яна,
Кўр толеъимниким, мани ўлтурмай ўлтурур.

Ул шўх келди илкида шамшир, эй кўнгул,
Ёхуд манию ё сани ўлтурмай ўлтурур.

То бор эмиш рақиб, манга йўқтурур хаёт,
Ул бевафо мани ани ўлтурмай ўлтурур.

Гул хисравини[4] хизматин айлаб чаман аро,
Шамшод сарири[5] савсани ўлтурмай ўлтурур.

Ҳарчанд Амири вақт кирар ёр базмига,
Гуллар турур кўруб ани, ўлтурмай ўлтурур.

---

[1] Н о в а к а ф г а н — найза отувчи.
[2] М а р и з — касал, бемор.
[3] Р а ҳ з а н — йўлтўсар, қароқчи, ўғри.
[4] Х и с р а в — подшоҳ.
[5] С а р и р — бу ерда: тахт.



* * *

Вафо аҳли сани бу ранг[1] ила дилдор
дермишлар,
Қадингни нахли сарву оразинг гулзор
дермишлар.

Париларни ғамингдин телба бўлғон зор
дермишлар,
Сани жононалар шўхи, парирухсор дермишлар.

Кўрунса шона янглиг зулфидин юз чоклик
кўнглум,
Паришон хотири ул туррайи таррор[2]
дермишлар.

Сани қумри дегонлар қоматинг нахлини
кўргонда,
Назокат боғи ичра сарви хушрафтор дермишлар.

Кўнгул оввора бўлди оғзию бели хаёлидин,
Нишон бирла сўроғи они йўқу бор дермишлар.

Агарчандики ишқинг боргоҳини Амиримен,
Жунун кўйида Мажнуни сари бозор
дермишлар.

---

[1] Р а н г — бу ерда: кўриниш.
[2] Т а р р о р — ўғри, талончи; мажозан: айёр, маккор, ҳийлагар. Т у р р а й и т а р р о р — дилни ўғирловчи зулф.

* * *

Жафо тиғи била гарчи мени бемор дермишлар,
Сани шўхи ситамкору вафобезор дермишлар.

Кўнгулни банд этиб зулфи аро, мандин нишон истар,
Ани аҳли назар[1] бу шевадин айёр дермишлар.

Таолаллоҳ[2], на раъно нахл эрурсан бу чаман ичра,
Сочинг сунбул, қадинг шамшоду лаълинг нор дермишлар.

Лабинг қилғоч такаллум, мурдалар жон топса, тонг эрмас,
Нединким, ул Масиҳони шакаргуфтор[3] дермишлар.

Танимни тийрборони[4] ғамингдин юз шигоф[5] эттинг,
Фиғонимни эшитгон сози мусиқор[6] дермишлар.

Амири ишқ эрурман, кўзларим равшан жамолингдин,
Мани Мажнун, сани шўхи парирухсор дермишлар.

---

[1] Аҳли назар — орифлар, нозикфаҳм ва оқил кишилар.
[2] Таолаллоҳ — таажжуб ва ҳайратни ифодаловчи ундов сўз.
[3] Шакаргуфтор — ширинсўз.
[4] Тийрборон — ўқ ёмғири.
[5] Шигоф — ёриқ, чок, тешик.
[6] Мусиқор — 1) чолғу асбоби; 2) овози мусиқий бўлган афсонавий қуш.



* * *

Ул тағофулпешаким[1], юз ноз мижгонидадур,
Фитна маҳкуми эрур, ошуб фармонидадур.

Сунбули зулфимудур гулдек узори[2] тарфида[3],
Ёки биттон «дол»ким[4], хуршиднинг ёнидадур.

Тонг эмас, ошуфталикдин гар мушавваш[5] ўлмасам,
Кўнглуми жамъияти[6] зулфи паришонидадур.

Не санубардин мубарҳан[7] ўлди, не шамшоддин,
Ул назокатким, анинг сарви хиромонидадур.

Келтурур юз фитнаю ошуб даврон аҳлига,
Бодадин ноз уйқуси ё чашми фаттонидадур.

Ҳар қачон майдонда жавлон этса ул чобуксувор,
Гўйдек[8] бошим ниёзи зулфи чавгонидадур.

Даҳр тахти узра онинг сояси эрмиш, Амир,
Икки олам шавкати бир ҳусн султонидадур.

---

[1] Тағофулпеша — унутишни ўзига касб қилиб олган, бепарво.
[2] Узор — юз, бет, чакка.
[3] Тарф — қирғоқ, чекка.
[4] Дол — араб алифбосидаги «д»-ҳарфи; мажозан: эгилган, букилган қомат.
[5] Мушаввaш — ташвишли.
[6] Жамъият — бу ерда: хотиржамлик.
[7] Мубарҳан — аниқ, равшан, исботланган.
[8] Гўй — чавгон ўйинида ўйналадиган тўпча.

* * *

Ул париким, фитнаи айём давронидадур,
Юз қиёмат жилваси таҳрики[1] мижгонидадур.

Не қамардин[2] бўлди зоҳир, не қуёшдин ошкор,
Ул тажаллийким, юзунг хуршиди тобонидадур.

Деманг, эй жамъият аҳли: «Не учун
ошуфтасен?»
Телба кўнглум манзили зулфи паришонидадур.

Ҳиндуедурму ватан тутмиш Бадахшон мулкида,
Ёки мушкин хол ёрим лаъли хандонидадур?

Ояти «Вал лайл»[3] эрур таъбир зулфунг
шомидин,
Сурайи «Ваш шамс»[4] хуршиди юзунг
шомидадур.

Телбаликдин ҳар қаён оввора юрмишмен, вале
Зулфидек ошуфта кўнглум ул паришонидадур.

Берди кўнглум кишварин охир жафо
торожига,
Жаврларким, ул Амири ҳусн давронидадур.

---

[1] Т а ҳ р и к — ҳаракатга келтириш.
[2] Қ а м а р — ой.
[3] «В а л л а й л» — «Кечага қасам», Қуръоннинг 92-сураси номи.
[4] «В а ш ш а м с» — «Қуёшга қасам», Қуръоннинг 91-сураси номи.



* * *

Кўрсатурлар жилва бирла бизлара гулзорлар,
Нозпарварлар[1], суманбарлар, чаманрухсорлар.

Ишқ элин қатл этгучи бераҳм дилозорлар,
Жамъ ўлуб бир базм аро суҳбат этарлар ёрлар.

Ғунча янглиғ кўнглими юз ноз ила қон эттилар
Шўхлар, бебоклар, раққоси хушрафторлар.

Бир боқиш бирла кўнгул қасрини барбод эттилар
Офати дин номусулмонлар, кўзи айёрлар.

Буздилар диним уйини, қилдилар кўнглум хароб
Анжуманпиро[2], париваш, кўзлари беморлар.

Жилва айлаб анжуман саҳнини гулшан эттилар
Гулжабинлар, ғунчаоғизлар, шакаргуфторлар.

Ҳақ яратти сизлару бизларни, шукр этмак керак,
Сиз каби гулларга ансабдур[3] бизингдек хорлар.

Оҳким, ишқ аҳлининг қонини қилмишлар ҳалол
Жаврнинг ойинида бу кўзлари хумморлар.

Телба бўлмай найлайин ишқу жунун водийсида,
Кўнглум олди бир сурук оҳу каби айёрлар.

---

[1] Н о з п а р в а р л а р — эрка, тантиқ гўзаллар.
[2] А н ж у м а н п и р о — анжуманга зийнат берувчи.
[3] А н с а б — энг мувофиқ, энг лойиқ.

Раҳм қил аҳволима, ё Рабки, чўх мушкил эрур,
Манда бор бир кўнгул, аммо мунча дилозорлар.

Ғамза бирла ноз этиб, бир кўз учи бирла боқиб,
Бисмил[1] этмишлар бизи бу кўзлари
хунхорлар[2].

Хатм[3] ўлди базм аро ўн учтага бу шаҳ ғазал,
То мувофиқ тушсун ул гулларга бу ашъорлар.

Бу ушоқ ёшларни жавридин қутулмассан, Амир,
Олдилар юз ноз ила кўнглумни бу дилдорлар.

---

[1] Б и с м и л — сўйиш.
[2] Х у н х о р — қон тўкувчи.
[3] Х а т м — тамом, тамомлаш.



* * *

Базмида гулгун қадаҳ даврида лаъли ноби бор,
Зулфининг ҳар ҳалқасида неча печу тоби бор.

Ишқ баҳрида кўнгил моҳисини[1] сайд[2] эттали
Юзда мушкин сунбулининг неча юз қуллоби бор.

Тиғи абрўю[3] каманди зулфу мужгон ўқидин
Бедаво ошиқларин ўлтургали асбоби бор.

Чангдек[4] қомат била афғон қилурман кечалар,
Риштаи жон бирла то бу сознинг мизроби[5] бор.

Уйла кўрсатмиш мунажжимдек кавокиб
ҳаъйатин,
Хўйдин[6] ул рухсор уза мирьоти устурлоби бор.

Лайли Мажнун бирла, Фарҳод ила Ширин,
мен санга,
Ишқ девони аро ҳар кимсанинг бир боби бор.

Кезма бепарво жунун даштида, эй расво кўнгул,
Кўз ёшим дарёсидин ҳар гўшада гирдоби бор.

---

[1] М о ҳ и — балиқ.
[2] С а й д — ов, шикор.
[3] А б р ў — қош.
[4] Ч а н г — ёй шаклидаги чолғу асбоби.
[5] М и з р о б — танбур чертадиган тирноқ, нохун.
[6] Х ў й — одат, феъл, қилиқ, табиат.

Кўйи тошин муттако[1] қилдим, тикондур бистарим[2],
Қойда борсун ул кишиким, қоқиму[3] синжоби[4] бор.

Доғлиғ кўнглум кўранда, раҳм этиб, қилма гумон
Булҳавасдур[5], киссасида дирҳаму[6] қуллоби бор.

То асири сунбули гулбаргинг ўлмишмен, Амир,
Кўз била кўнглумни савдосида обу тоби[7] бор.

---

[1] М у т т а к о — суянчиқ; бу ерда: ёстиқ, болиш.
[2] Б и с т а р — кўрпа-тўшак, ўрин.
[3] Қ о қ и м — териси майин ва оқ жунли ҳайвон ёки шу ҳайвон терисидан тикилган кийим.
[4] С и н ж о б — силовсин мўйнасидан тикилган пўстин.
[5] Б у л ҳ а в а с — ҳавойи, беқарор, енгилтак.
[6] Д и р ҳ а м — кумуш танга.
[7] О б у т о б — товланиш, яшнаш, порлоқлик.



* * *

Ҳар нечаким фатҳи[1] иқлими жаҳон эттим, Амир,
Андин ўттим, ёр кўйида макон эттим, Амир.

Ул санам васли сўроғидин нишон топқайму деб,
Ҳар тараф пайки хаёлингни равон эттим, Амир.

Жон била кўнгулга еткурдум висолинг муждасин,
Бу гадоларни карамдин комрон[2] эттим, Амир.

Этмадим ишқингда, жоно, дўстдин душманни фарқ,
Панд берди дўстлар, душман гумон эттим, Амир.

Маъсият[3] мулкин бузуб, тарҳи биноиь шаръ этиб,
Арсайи[4] офоқни[5] дор ул-амон[6] эттим, Амир.

Муддао соқий юзи эрди-ю, ҳусни муғбача
Дайр ароким, хизмати пири муғон эттим, Амир.

---

[1] Ф а т ҳ — забт этиш, эгаллаш.
[2] К о м р о н — бахтиёр.
[3] М а ъ с и я т — гуноҳ.
[4] А р с а — майдон.
[5] О ф о қ — уфқлар, ҳаммаёқ, олам.
[6] Д о р у л - а м о н — осойишталик уйи, тинч жой.

Ҳар кишигаким, вафо қилдим, манга қилди
жафо,
Олам аҳлини саросар имтиҳон эттим, Амир.

Лашкари нафсу ҳавою ҳирс туғён айлади,
Журъатим шулким, алар бирла қирон эттим,
Амир.

Хасми[1] кофиркеш[2] дунё можароси дафъига
Сатру мисроъйи тағофулдин синон эттим,
Амир.

Баски, кўргуздум улусқа меҳрибонлиқ шевасин,
Барча оламни ўзумга меҳрибон эттим, Амир.

Гарчи бўлдум зоҳир элни шод этарга гул киби,
Лек пинҳон ғунчадин бағримни қон эттим, Амир.

Ламъайи шамшири ҳимматдур сафобахши
жаҳон,
Ложарам[3] элға бу жавҳарни[4] аён эттим,
Амир.

---

[1] Хасм — душман, ёв, ғаним.
[2] Кофиркеш — кофирга ўхшаш.
[3] Ложарам — албатта, шубҳасиз.
[4] Жавҳар — гавҳар, асл модда, қимматбаҳо тош. Бу ерда: моҳият, нозик ҳис-туйғу.



* * *

Ул шўхки, бор анга вафо ғайри мукаррар[1],
Лутфу нигаҳу рамзу адо ғайри мукаррар.

Ойинани сув айлади хуршид жамоли,
Юз ўзгачадур, шарму ҳаё ғайри мукаррар.

Уншоқлара ғамза била нози бўлакча,
Бедоди била жавру жафо ғайри мукаррар.

Шоҳеки, эрур шафқати йодир фуқароға,
Кўнгулда вафо, тилда дуо ғайри мукаррар.

Ойинайи инсофида тавфиқ сифоти,
Этмиш они зотини Худо ғайри мукаррар.

Чун ғайри мукаррардур анинг салтанати бор,
Шаҳлардин эшикида гадо ғайри мукаррар.

Адли фуқароларға қилур ўзгача шафқат,
Шукрона ёзарлар фуқаро ғайри мукаррар.

Ул ҳусн Амирини дуо ўзгача қилдим,
Топтим карами бирла наво ғайри мукаррар.

---

[1] Ғайри мукаррар — бетакрор, ўзгача.

* * *

Ошиқмену ишқ ўтида бағрим кабобдур,
Бир лаҳза кўрмасам ани, ҳолим харобдур.

Айрилса ёр мандин, ўларман фироқида,
Жоним ғамида ташнаву қоним шаробдур.

Ишқ ўти тушти жонима, ҳаргиз илож йўқ,
Ҳолимға раҳм айласангизлар, савобдур.

Хаттинг малулиман[1], лаби лаълинг фироқида
Ҳар кимга ғам йўлуқса, дафъи шаробдур.

Дардимни чорасиғи қилинг: беқарормен,
Тонг отқуча ишим кечалар печу тобдур.

Гар сўрсаларки: «Ўзгани ёр этса, найлагунг?»
«Мен қон қилурман, ул ўлодур!» Бул жавобдур.

Бағрим эзилди, куйди таним, кетти тоқатим,
Бечора хаста жонима қандоқ азобдур.

Навмид[2] айласанг мани, эй ёр, васлдин,
Кўюнгда гарданимда кўрарсан танобдур.

---

[1] М а л у л — малолланган, ғамгин.
[2] Н а в м и д — ноумид.



Беҳуда эл сўзиға кириб, қовлама мани,
Бу жонсупор[646] банда эшигингда бобдур[647].
«Оқилға бир ишорат эрур», қисса мухтасар[648],
Фаҳм айлагон кишига бу сўз бир китобдур.

Нечун қошиға боғламайин кўнглуми, Амир,
Бу байт хуси дафтаридин интихобдур.

---

[1] Ж о н с у п о р — жонини қурбон қилувчи, аямовчи, садоқатли.
[2] Б о б — бу ерда: лойиқ, муносиб, боп.
[3] М у х т а с а р — қисқа.

* * *

Куйида жон бердим, андин ўтти жонон бехабар,
Йўлида гард ўлдим, ул сарви хиромон[1] бехабар.

Изтиробу шавқ ила чекмас хижолатдин бўлак,
Мезбон уйига ногаҳ келса меҳмон бехабар.

Ёр воқиф эрди, мен васлидин эттим шиквае[2],
Рост айтайким, дедим, бу сўзни ялғон бехабар.

Жону дил қилдим нисору[3] бўлмадим андин
халос,
Қасди имон айлади ул номусулмон бехабар.

Айламас ишқида парво ҳар киши бўлса шаҳид,
Бўлмағайсиз зинҳор ул ойға қурбон бехабар.

Ҳар касал борди табиб олдиғаю мен бормадим,
Йўқ ажаб, ишқи маризи топса дармон бехабар.

Ишқ мулкида Амир ўлмоқ мусалламдур менга —
Ки, эмас ёдида кўнгул ғофилу жон бехабар.

---

[1] Сарви хиромон — хиром этувчи сарв, яъни юриши чиройли бўлган маҳбуба.
[2] Шиква — шикоят, гина.
[3] Нисор — тухфа, қурбон.



* * *

Кўнгул, хаста жон лаъли табхолидиндур[1],
Жигар ўт ичида лаби болидиндур.

Шакар устида тухми райҳон баёни,
Бу маъни киноят[2] лабинг холидиндур.

Замона арусиға[3] берма кўнгулни —
Ким, ул бевафороқ фалак золидиндур[4].

Паришонлиғим зулфи савдоларидин,
Кўзум ёши, кўрсун, юзи олидиндур[5].

Қошинг жой тутти кўзунг узра, жоно,
Мақоми бийик ҳуснунг иқболидиндур.

Висолин тила, ема ғам ҳажридинким,
Фараҳлар бу ғамларнинг дунболидиндур[6].

---

[1] Табхола — учуқ.
[2] Киноят — рамз, ишора.
[3] Арус — келинчак.
[4] Фалак золи — дунё.
[5] Ол — қизил.
[6] Дунбол — орқа томон, бирор нарсанинг давоми, кети.

Танимни ғаминг заъфидин[1] кўрса мардум
Дегайларки: «Ноли қалам нолидиндур»[2].

Баноғўшинг устидаги эгри зулфунг
Намудори хуршиднинг долидиндур.

Амир онча давлатки, васлингда кўрди,
Сикандар[3] бу ойина тимсолидиндур.

[1] З а ъ ф — касаллик, заифлик, ҳолсизлик.
[2] Н о л — қилтириқ, қамишнинг ичидаги ингичка ип.
[3] С и к а н д а р — Искандар Зулқарнайн.



* * *

Эй пари, май бирла юзни арғувон қилмоқ надур?
Ошиқи бечорани бағрини қон қилмоқ надур?

Меҳнати ҳижрон манга етмасмуди сен ёрдин,
Эй жафочи, жавр бирла қасди жон қилмоқ надур?

Ўғаларга гул юзунгни лаҳза-лаҳза кўрсатиб,
Бизни кўргон чоғда ноз айлаб, ниҳон қилмоқ надур?

Даҳр аро хуш тут накўлик бирла аҳволинг мудом,
Яхшилар хайли аро ўзни ямон қилмоқ надур?

Ҳар замон, эй гул, санга дарди дил изҳор айласам,
Сарв қаддингни хиром айлаб, равон қилмоқ надур?

Фош этар розингни элға — гулжабинлар ишқидин
Андалиби[1] зордек ҳар дам фиғон қилмоқ надур?

Сандин эрди бу кўнгул уммидиким, топқай висол,
Бемурувватлиқ била бехонумон[2] қилмоқ надур.

[1] А н д а л и б — булбул.
[2] Б е х о н у м о н — бу ерда: сарсон-саргардон.

Томеъ[1] ўлма гар азиз ўлмоқ хаёлин истасанг,
Гул топилғонда таманнойи тикон қилмоқ надур?

Нозанинлар ваъдасин ялғон билурлар яхшилар,
Ваъдаи хом ила бизни бадгумон қилмоқ надур?

Кел, Амирий, сарв шоҳидин мурувват кўрмадинг,
Эй кўнгул, бу гулшан ичра ошён қилмоқ надур?

[1] Т о м е ъ — тама қилувчи, тамагир.



* * *

Кўнгул лаъли лабинг шавқи била қон ичрадур
музмар[1],
Алифдек қоматинг, эй сиймбар, жон ичрадур
музмар.

Тароқни чекма, эй машшота, бебокона,
раҳм этким,
Кўнгуллар жамъи ул зулфи паришон ичрадур
музмар.

Эмас ул хол, зулфунг соясида ўғриедурким,
Камандин олибон чин-чин шабистон ичрадур
музмар.

Уторудтаъб[2] девонлар ёзолмас хатти
райҳонинг,
Хатинг таълими гўёким найистон[3]
ичрадур музмар.

Нихон ўлғон сиришким қулзумида[4]
нотавон кўнглум —
Эрур бир гавҳареким, баҳри Уммон ичрадур
музмар.

Ажал мазмуни фаттон кўзларидин гарчи
зоҳирдур,
Ҳаёти жовидон ул лаъли хандон ичрадур музмар.

[1] М у з м а р — яширилган, беркитилган.
[2] У т о р у д — шоир ва ёзувчиларнинг ҳомийси ҳисобланган юлдуз — планетанинг номи (Меркурий). Уни фалак котиби деб атайдилар.
[3] Н а й и с т о н — қамишзор.
[4] Қ у л з у м — денгиз, Қизил денгиз.

Не учун «Исми Аъзам» демайин хаттингни,
лаъл узра —
Эрур ул нақшким, муҳри Сулаймон[1] ичрадур
музмар.

Мижанг бир-бирга восил бўлди уйқу чоғида,
эй шўх,
Ғазола кўзларинг гўё найистон ичрадур музмар.

Лабингнинг хатти ила фикр этармен ғунчадек
ҳар тун,
Бу савдодин бошим чоки гирибон ичрадур
музмар.

Ёшурмиш холи мушкин ул бути гулрух[2] ниқоб
ичра,
Саводи[3] нуқтаи хуршиди тобон ичрадур музмар.

Амир иншо қилур дилдори васфидин неча мисра,
Киши билмас анинг ёрини, девон ичрадур
музмар.

---

[1] Муҳри Сулаймон — Сулаймон пайғамбарнинг сеҳрли узуги. Унга Худонинг сирли ва муқаддас исми — Исми Аъзам маълум бўлган ва бу исм узугига нақш қилинган. Сулаймон алайҳиссалом бу узук воситасида нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, қушлар, барча инс-жинларга ҳам ҳукмини ўтказа олган.
[2] Бути гулрух — гул юзли гўзал.
[3] Савод — бу ерда: қора, қоралик.



* * *

Дема хуршиди рухсорин кўруб, чарх офтобидур,
Фалак илгина олғон бир варақ ҳуснунг
китобидур.

Наволар соз этиб, фориғ эмас ушшоқ чангидин,
Бу қонун[1] ила кўнглум маҳфили шавқинг
рубобидур.

Гирифторингни юз занжир бирла банд этиб
бўлмас,
Вале тадбири онинг ҳалқаи зулфунг танобидур.

Юзи ойина кўргузса, таҳайюр[2] они таъбири,
Лаби ҳар нуктадин баҳс этса, жон бермак
жавобидур.

Жамоли офтобига назар қилмак эмас мумкин,
Ани эл фаҳм этарким, барқнинг тийри
шиҳобидур[3].

Амир, икки кўзунг ёш ўрнига гар қон тўкар
ҳар дам,
Ани бас қилмаким, ҳар қатраси раҳмат
саҳобидур.

---

[1] Қонун — мусиқа асбоби.
[2] Таҳайюр — ҳайратланиш.
[3] Шиҳоб — 1) ўт, олов; 2) учар юлдуз (комета).

* * *

Эй, лабинг даврида саф чеккон хати анбармудур?
Ё Бадахшон узра ҳинду хайлидин лашкармудур?

Юзмудур, ё барқи оламсўз[1], ё меҳри мунир?[2]
Ламъайи шамъи тажаллий, ё маҳи
анвармудур?[3]

Қадмудур, ё нахли гул, ё шамъи мажлис ё алиф?
Ё санубар, ё сиҳи[4], ё сарви сийминбармудур?

Нозанинлар шоҳисен, гулчеҳралар сардафтари[5],
Ҳусн иқлимида, эй маҳ, талъатинг[6]
ёвармудур?[7]

Лабларингму қилди зоҳир сабзайи хаттинг сафо?
Ё зулоли Хизр, ё сарчашмайи кавсармудур?

Бир боқиб юз бенаво қонин тўкарсан бегунаҳ,
Кўзму ё жаллод эрур, кирпикму ё ханжармудур?

Ишқ водийсида бир оввора кўрдум, эй Амир,
Телба Мажнундурму ё бу зори
ғампарвармудур?[8]

---

[1] Оламсўз — оламни куйдирувчи.
[2] Мунир — нурли.
[3] Маҳи анвар — ёруғ, нурли ой.
[4] Сиҳи — бу ерда: сарв.
[5] Сардафтар — бирор соҳанинг етакчиси ва машҳур кишиси.
[6] Талъат — юз, чеҳра, сиймо.
[7] Ёвар — ёрдамчи, мададкор.
[8] Ғампарвар — ғамгин, қайғули.



* * *

Ул парирўеки, ошиқлардин истиғноси бор,
Турфароқким, сийм бирла зардин истиғноси бор.

Нечаким қон йиғладим, боқмас кўзимнинг ёшиға,
Не учунким, хирмани гавҳардин истиғноси бор.

Ғунчаи лаъл ила улким кўрди гул рухсорини,
Жаннат ила чашмаи кавсардин истиғноси бор.

Гавҳару ёқуту маржон ҳуснунга даркор эмас,
Офтоби оразн зевардин истиғноси бор.

Даргаҳида хок[1] бўлғон ошиқи бечоранинг
Маснади[2] Жам, тожи Искандардин истиғноси
бор.

Ошиқеким, орзу айлар лабингдин чошни[3],
Бодаю мийно била соғардин истиғноси бор.

Эй хуш ул ворастаким[4], ушбу жаҳон асбобидин
Ҳар нечаким бор эрур, аксардин истиғноси бор.

Сунбулинг васфида мушкафшон
демак лойиқ эмас —
Кокулингким, мушк ила анбардин истиғноси бор.

---

[1] Хок — тупроқ.
[2] Маснад — тахт, суянчиқ.
[3] Чошни — маза, баҳра, тотиб кўриш.
[4] Вораста — қутулган, озод бўлган, эркин.

Бок эмастур[1], ёр бу афтода сори боқмаса,
Подшоҳнинг нотавон чокардин истиғноси бор.

Соя янглиғ поймол ўлдим, мурувват қилмади,
Офтобеким, маҳи ховардин[2] истиғноси бор.

Нечаким боқмас манга, кетмасмен онинг
куйидин,
Қайси ошиқдур анинг дилбардин истиғноси бор?

Оррази хат сабзасининг зийнатидин ор этар,
Бул ажаб кўзгу эрур, жавҳардин истиғноси бор.

Ҳар гадоеким Амир эҳсонидин топса мурод,
Давлати Доро била Қайсардин истиғноси бор.

[1] Б о к  э м а с — ажаб эмас.
[2] М а ҳ и  х о в а р — шарқдан чиққан ой.



* * *

Кулбам сари гар келсангиз, жон нақдидур
подошингиз[1],
Кўз ашки бирла сув сепиб, мижгон бўлур
фаррошингиз.

Эй дўстлар, аҳбоблар, бу анжуманда шамъдек
Мен жон нисор эттим, вале сизнинг недур
кенгошингиз?

Ишқу муҳаббат жавридин ҳар дам мени
ўлтурғоли
Бошин эгиб, бир-бирига кенгошти икки
қошингиз.

Эй, кош қилғайсиз сафар, биз сори солғайсиз
назар,
Ахми сафар қилғон чоғи бўлсун Хизр
йўлдошингиз!

Шамъи жамол атрофидин чарх урғоли
парвонадек
Тўртунчи торам устида хуршид эрур
хуффошингиз.

Эй кўзларимнинг мардуми, ул гул висоли кўйида
Атфолдек юз шўр ила ҳар ён югурди ёшингиз.

[1] П о д о ш — бадал, мукофот, эваз.

Қуръонга «Тоҳо»[1] битсалар, тортарлар икки мад анга,
Ул мусҳафи[2] рухсор уза андоққи, икки қошингиз.
Эй сарвқадлар сарвари, истар Амир иқболингиз,
Бошимға савдо солдингиз, бўлсун саломат бошингиз!

¹ «Т о ҳ о» — Қуръони каримдаги 20-суранинг номи.
² М у с ҳ а ф — «Қуръон», бу ерда: юз, чеҳра.



* * *

То дили девона ул ойнинг ҳавосин қилди соз,
Пардаи ушшоқ аро ҳайрат навосин қилди соз.

Сарвқадлар шавқидин бир оҳ чектим субҳидам,
Муҳтасиб[1] бошимға урмакка асосин қилди соз.

Жон лаби завқин тилаб, кўнглум жамоли шавқини,
Ҳар бири ёр олдида ўз муддаосин қилди соз.

Иниқ бир бут тори зулфига асир айлаб мени,
Ҳар тарафдин жонима дарду[2] балосин[3] қилди соз.

Иниқ дайрида қадаҳнўш[4] ўлди ул тарсобача,
Май қадаҳполосиға[5] зоҳид ридосин[6] қилди соз.

¹ М у ҳ т а с и б — шариатга риоя қилинишини текшириб юрувчи нозир.
² Д а р д — Ҳақдан узоқлик сабабли пайдо бўладиган балою мусибатлар.
³ Б а л о — офат, мусибат, имтиҳон. Сўфийларга кўра, маъшуқанинг турли балолар орқали имтиҳон қилиши ошиқни унга яқинлаштиради.
⁴ Қ а д а ҳ н ў ш — май ичувчи.
⁵ Қ а д а ҳ п о л о — май сузиладиган қадаҳ.
⁶ Р и д о — шайх ва дарвешларнинг кийим устидан ёпиниб юрадиган енгсиз тўни.

Янги ой дема, фалак узра агар кўрсанг ҳилол[1],
Чарх умрунг хўшасин[2] ўртарга досин[3]
қилди соз.

Хушадо[4] маҳбублар базми висолида, Амир
Иниқ оҳангига шеъри жонфизосин[5] қилди соз.

[1] Ҳ и л о л — янги чиққан ой. Мажозан: гўзалларнинг ярим ой шаклидаги чиройли қоши.
[2] Х ў ш а — бошоқ.
[3] Д о с — ўроқ.
[4] Х у ш а д о — ширин сўзли, нутқи чиройли.
[5] Ж о н ф и з о — кўнгилни очадиган, оромижон, роҳатбахш.



* * *

Бугунким, ишқ аро ошуфта аҳволимни
билдингиз,
Насиҳат қилмангизлар менга, эй жамъки,
ҳамдамсиз.

Мен ўн саккиз минг оламда анингдек кўрмадим
маҳваш,
Биле, ҳусну малоҳат даврида ёшдур ўн саккиз.

Мижа ханжарларини сурма тоши бирла
тез этти —
Ки, кофир кўзлари бўлди кўнгул хайлига
шўрангез[1].

Тараҳҳум[2] айла, ушшоқ аҳлини чўх поймол
этма,
Замона аҳлига то тушмасун оламда рустохез[3].

Эрурсан ҳусн аро Ширидин ортуқ,
кўрса рашкдин
Ажаб йўқ, тўкса гар Фарҳод қонин Хисрави
Парвез[4].

[1] Ш ў р а н г е з — ғавғо солувчи, тўполон қилувчи.
[2] Т а р а ҳ ҳ у м — раҳм қилиш, шафқат қилиш.
[3] Р у с т о х е з — қўзғолон, уйғониш.
[4] Х и с р а в  П а р в е з — сосонийлар сулоласига мансуб шоҳ.

Кўзунг-ла киприкинг юз ғамза бирла тўкти
қонимни,
На ҳожатким, қилурсан дам-бадам қонинг
қиличини тез.

Мени сайд айлади бир шўхи шаҳрошубу[1]
бозийгар[2],
Кўзи оҳу, ўзи жодувашу мижгонлари хунрез[3].

Агарчандики, шўхи золиму бераҳм қотилсен,
Менинг қатлим учун ғамзанг самандин[4]
қилмагин маҳмез[5].

Мусалламдур санга дилдорлиқ мулкида
султонлиқ,
Биҳамдиллаҳки[6], биз ҳуснунг Амирининг
гадойимиз.

[1] Ш а ҳ р о ш у б — шаҳарга ғавғо солувчи, тинчини бузувчи.
[2] Б о з и й г а р — ўйинчи, найрангбоз.
[3] Х у н р е з — қон тўкувчи, раҳмсиз, золим.
[4] С а м а н д — чиройли, тез юрувчи от.
[5] М а ҳ м е з — отни ниқтаб тезлатиш.
[6] Б и ҳ а м д и л л а ҳ — Худога шукр.



* * *

Ҳушу хирадни бергучи барбод сизмусиз?
Қош ёйи бирла қилгучи бедод сизмусиз?

Қаттиқ кўнгулли сиз каби қотилни кўрмадим,
Ошиқлар ўлмакига ўлан шод сизмусиз?

Бисмил этар бу ханжари мижгони нозингиз,
Ошиқни сайд этгали сайёд[1] сизмусиз?

Ширин лабингиз ила сиз, эй шаҳсувори ҳусн,
Бу Бестунда қотили Фарҳод сизмусиз?

Элни тамоми ҳайратий этти жамолингиз,
Нозофарин[2], ҳусни худодод[3] сизмусиз?

Сизму жамол кишварида ҳукм эдан Амир,
Ё қон тўкарга золими жаллод сизмусиз?

[1] С а й ё д — овчи.
[2] Н о з о ф а р и н — оромижон, нозу ишваси кўп маҳбуба.
[3] Ҳ у с н и х у д о д о д — Худо берган ҳусн.

* * *

Бандадур ҳуснунга, эй ёр, қарову қирмиз —
Ким, эрур ул хату рухсор қарову қирмиз.

Хатти шабранг ила майгун лаби андишасидин,
Қилди шому шафақ изҳор қарову қирмиз.

Бўлди жон риштаси қон — зулфига пайванд эттим,
Айладим риштаи зуннор қарову қирмиз.

Бириси лаълинг ила хаттинга монанд эрмас,
Кўрмишам даҳрда бисёр[1] қарову қирмиз.

Гул — юзунг бандаси, сунбул — сари зулфунгта
асир,
Боғи ҳуснунгда эрур зор қарову қирмиз.

Лабларинг ғунчасидур сабзаи хаттинг янглиғ,
На чаман нахли эрур, ёр, қарову қирмиз.

Хатти холу гули рухсору лабинг ҳасратидин,
Бўлди туфроғ ила ҳамвор[2] қарову қирмиз.

Сунбулу лоласидин зулф ила рухсори учун,
Келтурур таъбия[3] гулзор қарову қирмиз.

Лаби лаълу хати сабзинг сифатин айди Амир,
Айлади жонини исор[4] қарову қирмиз.

---

[1] Бисёр — кўп, мўл, ортиқ.
[2] Ҳамвор — теп-текис, баробар.
[3] Таъбия — тизиш, сафлаш, тартибга солиш, жойлаштириш.
[4] Исор — инъом қилиш, бағишлаш.



* * *

Оҳким, ул бемурувват ошиқи зорим демас,
Раҳм этиб, тарки жафо айлаб,
дилафгорим[1] демас.

Кўзларим ойина янглиғ интизоридур, валек
Раҳм этиб, бир йўл мени муштоқи дийдорим
демас.

Ёрдин уммид этармен ёрлиғ, аммо не суд,
Нозу истиғнодин ул бадхў[2] мени ёрим демас.

Дарди ҳижрону жафои ишқдин ўлдум, вале
Лаъли жонпарвар била бир йўл беморим демас.

Ишқдин расвои олам бўлдиму, аммо ҳануз
Ошиқи девонаи расвои безорим демас.

Кўрса гар ризвон[3] нигоримни юзи гулфомини[4],
Ноз этиб, фирдавсни[5] боғини гулзорим демас.

Ҳалқаи зулфунгни кўрган чоғда, эй бут, дайр аро,
Қайси тарсодурки, ўз динида зуннорим демас?

---

[1] Дилафгор — дили хаста, кўнгли вайрон.
[2] Бадхў — феъли ёмон; мажозан: ситамгар маҳбуба.
[3] Ризвон — саккиз жаннатнинг бири.
[4] Гулфом — гул рангли, қизил.
[5] Фирдавс — жаннат.

Нақди жону дил веруб, васлини истармен,
валек
Ишқ бозорида ул кофир харидорим демас.

Гарчи Мажнун олам ичра ишқда афсонадур,
Кўрса гулдек оразинг Лайлини дилдорим демас.

Ҳар нечаким жавр этар зоҳир Амири ҳуснни,
Ишқ аро соҳибвафо кўнглум жафокорим демас.



* * *

Шамъ янглиғ айладим то маҳфили имкон ҳавас,
Ўртади кўнглумни, қилди юз тикан сомон[1] ҳавас.

Хор-хори[2] ҳажридин гар ваҳм этарсан, қилмағил
Хўбрўлар[3] наргиси фаттонидин мижгон ҳавас.

Ҳар киши кўнглида ўз майлича бордур орзу,
Хизрга — оби бақо, менга лаби жонон ҳавас.

Оразинг шавқида оҳингни тамаино айладим,
Қилмишам бу боғдин бир ғунчаи хандон ҳавас.

Ишқ майдонида бошим — гўё чавгондур — сочи,
Этмасун ул шўх ўзга гўй ила чавгон ҳавас.

Ҳажр даштида қуюндек зору саргардон юруб,
Васлинг айлар орзу ул бесару сомон[4] ҳавас.

Ошиқ улдурким, лабингни ҳасратида жон берур,
Йўқса кўпдур булҳаваслар кўнглида ёлғон ҳавас.

Кечгунг ўзлукдин[5] агар базми висолин изласанг,
Қилмағил, эй хаста кўнглум, жон била жонон
ҳавас.

Домани иқболи васлинг илгима тушса, Амир,
Айламасман мулки Афридун[6] ила Хоқон ҳавас.

---

[1] Сомон — 1) молу мулк; 2) ҳад, имконият; 3) ёрдам, кўмак.
[2] Хор-хор — ғам, қайғу, безовталик.
[3] Хўбрў — гўзал, чиройли.
[4] Бесару сомон — бесаранжом, телба, девона.
[5] Ўзлик — инсоннинг нафс ва дунёга боғлиқлиги, булар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Худо ёдидан чалғитади.
[6] Афридун (Фаридун) — қадимги Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб олтинчи ҳукмдор. У Шарқ адабиётида одиллик, адолат тимсоли сифатида улуғланади.

* * *

Ёр хилват тутубон элга ўзин ёр этмас,
Ғами ишқиға кўнгулларни гирифтор этмас.

Пари янглиғ кўрунуб кўзга, шиҳон айлаб ўзин,
Яна бир кўрмак учун шефтау[1] зор этмас.

Гули рухсор очибон сарви хиромон янглиғ,
Гулшани нозда бир шеваи рафтор этмас.

Гоҳ-гоҳи кўрунуб ошиқи девонасига,
Ҳажр андуҳини деб, ҳоли дил изҳор этмас.

Бир чучук сўз битидим, аччиғи келса ул гул,
Ўқуб оҳиста, ани рамзини изҳор этмас.

Шўхи нодондур агар бўлмаса они меҳри,
Бу ғазални олибон илгина[2] такрор этмас.

Бок эмас ёр менга жавру жафо қилса, Амир —
Ким онинг кўнглига фарёду фиғон кор этмас.

[1] Ш е ф т а — ошиқ, мубтало.
[2] И л и г (И л и к) — қўл.



* * *

Аҳли дунё роҳатин ошиқ таманно айламас,
Дард ила муьтод ўлан фикри мудово[1] айламас.

Хурдадондур[2] улки, дунё ишларин ёд этмагай,
Баски, ҳар нодон урунган ишни доно айламас.

Қадду рухсору кўзу зулфингни ёд этгон киши
Сарв ила гул, наргису сунбул тамошо айламас.

Ошиқи содиқ демаслар ишқ аро ҳар хастани,
То сари кўйи маломат узра маьво айламас.

Мен каби йўқтур ситамкашким[3],
мухаббат шаҳнаси[4]
Элга ҳолин билдуруб, даҳр ичра расво айламас.

Поси[5] улфат саьбдур, билким,
тутошмай шамьдек
Ҳар нечук бедард ўзни маҳфилоро[6] айламас.

Ишқ мулкини Амири бўлки, ошиқлар ишин
Гар Сикандардур ва гар ер узра Доро айламас.

[1] М у д о в о — даволаш, дори-дармон.
[2] Х у р д а д о н — нозикфаҳм, билимдон.
[3] С и т а м к а ш — дардманд, азоб-уқубат тортган.
[4] Ш а ҳ н а — қўриқчи, посбон.
[5] П о с — ҳақ.
[6] М а ҳ ф и л о р о — давраии қиздирувчи, мажлис кўрки.

* * *

Оҳким, ёр менга ёр ўлмас,
Ғами ўлтурди-ю, ғамхор ўлмас.

Не бало нозу тағофулдур анго,
Куйдум ишқида — хабардор ўлмас.

Булҳавас ишқ румузин на билур,
Бехабар маҳрами асрор ўлмас.

Зулфи бирла на талошур сунбул,
Ҳар хашак нофайи тотор[1] ўлмас.

Оразин кўр, хатидин бўлма малул,
Қайси гулдурки, анго хор ўлмас.

Ишқ вайронасидур турфа мақом,
Анда ҳаргиз дару[2] девор ўлмас.

Кулмангизлар мани расволиғима,
Телбада нанг[3] била ор ўлмас.

Нигарондур кўзум ойина мисол,
Нега шойистайи[4] дийдор ўлмас.

---

[1] Нофайи тотор — тоза ва хушбўй мушк.
[2] Дар — эшик.
[3] Нанг — уят, номус.
[4] Шойиста — лойиқ, сазовор.



Ошиқ ўлдум, нега сендин ёшурай,
Бу гунаҳ мужиби[1] инкор ўлмас.

Бу жамолу бу латофат бирла
Кимдур ул, сенга харидор ўлмас.

Қайси кундурки, юзунг ҳасратидин
Кўзларим ашк ила саршор[2] ўлмас.

Хатидин шиква на ҳожат, эй кўз,
Қайси ойинада зангор[3] ўлмас.

На билур ишқнинг кайфиятини,
Яхшиларга кишиким зор ўлмас.

Ҳар кўнгул ишқдин огоҳ эрмас,
Ҳар садафда дури шаҳвор ўлмас.

Гавҳари назм баҳосиздур, Амир,
Анга ҳар сифла[4] харидор ўлмас.

---

[1] Мужиб — сабаб, боис.
[2] Саршор — тўла, лиммо-лим.
[3] Зангор — бу ерда: гард, чанг, ғубор.
[4] Сифла — пасткаш, тубан.

* * *

Бир қуёшсиймо малакваш суҳбатин қилдим
ҳавас,
Баски, ул Юсуфлиқою ҳам эрур Исонафас.

Эй назокат гулшани, кўп қилма мендин
эҳтироз[1],
Боғ аро гул васлидин маҳрум эмастур хору хас.

Ҳеч ким, ё Раб, гулидин айрилиб, хор ўлмасин,
Вой ул булбулғаким, бўлмиш гирифтори қафас.

Лаъли уннобинг[2] уза холинг эрурму ё магар
Бол истаб, қўнди ул шаккар лабинг узра магас?[3]

Соқий, фарёдим эшит, қутқор мени ғам хайлидин,
Майға афюн қўш хуморим дафъиға, фарёдрас![4]

Ул шикори[5] гар мақом этса кўзумда киршиким
Лойиқ ўлғайму кушиға обнусий[6] бу чакас[7].

Бу ики бадкийнадин[8] майхона аҳли дод этар,
Муҳтасибнинг кулфатию жаври бедоди асас[9].

---

[1] Э ҳ т и р о з — тортиниш, ҳазар қилиш.
[2] У н н о б — чилонжийда, шу тусдаги ранг.
[3] М а г а с — чивин, пашша.
[4] Ф а р ё д р а с — кишининг додига етувчи, ҳимоя қилувчи.
[5] Ш и к о р — ов.
[6] О б н у с и й — қора тусли.
[7] Ч а к а с — ов қушлари қўнадиган ёғоч қўндоқ.
[8] Б а д к и й н а — ўч олувчи, кек сақловчи.
[9] А с а с — миршаб.



Каъбайи кўйинг таманносида дил афғон этар,
Ҳодийи[1] роҳим бўлур бу йўлда фарёди
жарас[2].

Мен киму васл орзусининг тақозоси, Амир,
Лутф бирлан бир назар солса манга дилдор бас.

---

[1] Ҳ о д и й — йўлбошчи, раҳбар.
[2] Ж а р а с — карвон туясининг қўнғироғи.

* * *

Кўнгул ғам шоми оҳим дудини[1] афлока
дўндирмиш[2],
Кўзум ёшини айлаб қатра-қатра
хока дўндурмиш.

Бўлуб бир-бирға печон[3] кўл солур бир-бирни
бўйниға,
Магар деҳқон муҳаббат наштасини тока
дўндурмиш.

Кел, эй шўхи ситамгар, раҳм қилким, ҳажр бедоди
Бағир қонин ёшимдек дийдайи намнока[4]
дўндурмиш.

Ҳавойи қоматинг ёди-ла йиғлар чоғда ашкимни
Уружи ҳасратим анжум киби афлока
дўндурмиш.

Ҳамиша ғунча айлар эрди гул бўлмоқ
таманносин,
Кўнгул жамъиятини сийнайи садчока[5]
дўндурмиш.

---

[1] Д у д — тутун.
[2] Д ў н д у р м о қ — ўхшатмоқ, айлантирмоқ.
[3] П е ч о н — чирмашган.
[4] Н а м н о к — намли, ҳўл.
[5] С а д ч о к — бўлак-бўлак, парча-парча, юз чокли.



Намоз аҳлиға дандони тамаъ тез этса, тонг эрмас,
Ирик суҳондек[1] зоҳид ани мисвока[2]
дўндурмиш.

Амир, ул ой фироқида тутошти хирмани сабрим,
Насими жазба[3] тоби барқини хошока
дўнурмиш.

---

[1] И р и к с у ҳ о н — йирик тишли эгов.
[2] М и с в о к — тиш чўткаси.
[3] Ж а з б а — жалава, ўзига тортиш, дилраболик.

* * *

Дема не юздин кўрунди дийдайи жонингда қош,
Хат чиқординг, зоҳир ўлди лаъли хандонингда
қош.

Эй кўнгул, қайси камонабрў[1] ғамидин зорсен —
Ким, эрур пайваста «ё» ўрниға қурбонингда қош.

Қилди имо кўз учидин, турди мижгон саф тузиб,
Хам бўлуб, таъзим этиб, ер ўпти фармонингда
қош.

Кўкда анжум ичра кўп зебо эрур шакли ҳилол,
Ошкоро ўлди то рухсори тобонингда қош.

Ғамзаю қош ўқидин қон ичра пинҳон ўлдилар,
Мардуми чашмим кўруб бозуйи мижгонида қош.

Қошларингни вўсмадин[2] рангин кўруб айди
Амир:
Обрў топти, ёшил тўн кийди эҳсонингда қош.

---

[1] К а м о н а б р ў — камонқош, қайрилма қош.
[2] В ў с м а — ўсма.



* * *

Боғ аро дай шиддати бирла фазоси қолмамиш,
Гул била булбулни ҳам баргу навоси қолмамиш.

Ишқида эмди манго васли ҳавоси қолмамиш,
Нечаким қилдим вафо, онинг жафоси қолмамиш.

Келдиму гулзор сайри-чун магар ул сиймбар,
Боғ ила гулнинг бугун нашъу намоси қолмамиш.

Лабларинг шавқи била зоҳид бўлубтур
боданўш[1],
Киргоч ул майхонага, онинг риёси қолмамиш.

Ул парирў[2] жилвасидин то йироқ тушти
кўнгул,
Кўринур бир кўзгу янглиғким,
сафоси қолмамиш.

Ишқида ҳар кимки ҳў айлар маломат чекмаға,
Даҳр ичра элдин анго ошноси қолмамиш.

Кишвари ишқ ичра ҳар дилхастаким бўлмиш
Амир,
Май каби боши уза дунё ҳавоси қолмамиш.

---

[1] Б о д а н ў ш — май ичувчи.
[2] П а р и р ў — пари юзли, гўзал.

* * *

Этти кўнглум фитратин[1] ул наргиси хуммор[2]
хуш,
Уйлаким, махмур табъин соғари саршор хуш.

Хатту рухсорин кўран чоғида хуштур фитратим,
Гарчи йўқтур эл аро ойинадин зангор хуш.

Андалибу қумри эрмасмен, чаман ичра манга
Орази гул, нозпарвар, сарви хушрафтор хуш.

Зоҳидо, таън этмагил, ҳар кимга бир ишдур
насиб,
Сенга тасбеҳи риёйи, менгадур зуннор хуш.

Хуш ярошур обнуси кирпики рухсор уза,
Боғ аро этгон каби гул теграсида хор хуш.

Санга хуштур гулшан ичра сунбулинг,
эй боғбон,
Менга боғи васл аро у зулфи анбарбор хуш.

Кулфати айёми лол этгон кўнгул тўтисини,
Бир табассум бирла қилди лаъли шаккарбор хуш.

[1] Фитрат — яратилиш, туғма табиат.
[2] Хуммор — муштоқ, майпараст. Тасаввуфда пири комил ва муршиди восилга ишора.



Накҳати[1] зулфунг сабо еткурди, охир бўлди сўз,
Ҳарза[2] дермишларки, бордур нофайи тотор хуш.

Ҳақ таманносида асбоби[3] қазо[4] хуштур,
Амир,
Уйлаким, Мансур[5] кўзига кўринур ул дор хуш.

[1] Накҳат — хушбўйи ҳид.
[2] Ҳарза — бекорчи гап, қуруқ сўз, ёлғон.
[3] Асбоб — бу ерда: 1) керакли нарсалар, яроқ; 2) илож, воситалар.
[4] Қазо — бу ерда вафот топмоқ маъносида.
[5] Мансур — машҳур сўфий Мансур Ҳаллож (858—922). «Анал ҳақ» — «Мен — ҳақман» дегани учун ваҳшиёна тарзда ўлдирилган.

* * *

Шароби ноз то базм ичра рухсорингни ол этмиш,
Хижолат барги гулни поймолу инфиол[1] этмиш.

Кўтармас бошини сарви сиҳи бори
хижолатдин[2],
Хироми ноз то гулшанда ул зебониҳол этмиш.

Бўлуб Мажнун, кийиклар суҳбатини ихтиёр
эттим,
Мени девонани то вола бир ваҳший ғизол этмиш.

Муанбар хаттининг шарҳин савод эттач қалам
янглиғ,
Муҳаббат печу тоби риштайи жонимни нол
этмиш.

Ҳазин кўнглим қуши парвоз этар кўйунг
ҳавосида,
Ўқунгдин пар чиқориб, ҳар тараф жисмимга
бол этмиш.

Нетай, гар жоми Жам бирла Сикандар кўзгуси[3]
бўлса,

---

[1] Инфиол — уялиш.
[2] Бори хижолат — хижолат юки.
[3] Сикандар кўзгуси (ойнаси) — Александр Македонскийга нисбат бериладиган, гўё киши нимани истаса, ўшани кўрсатадиган кўзгу. Мажозан: ойнаи жаҳоннамо.



Бугун дайр ичра, соқий, қисматим синғон
сафол[1] этмиш.
Фалак ҳар ой ичинда бир ҳилолин ошкор
айлар,
Магар кўнглум каби юз узра қошингни хаёл
этмиш.

Дема ҳолим кўруб, бу навҳадин[2] бетоб эрур
кўнглинг,
Муҳаббат дарди они нотавону бемажол этмиш.

Таманнойи сари зулфунг тушуб бошимга
ҳайронман,
Жунун кўйида бу савдо мени ошуфтаҳол[3]
этмиш.

Кўнгул тасвир этар юз доли гул наъли
алифлардин,
Гули рухсори узра то санам зулфини дол этмиш.

Ҳазар қилғайсиз, эй ушшоқ, ул бераҳм қотилдин,
Букун кеш[4] бўркини эгри қўюб,
зеби жамол этмиш.

---

[1] Синғон сафол — тасаввуф тимсолларидан бўлиб, синиқ, дардли кўнгилни билдиради. Кўнгли бутунлик илоҳий жазба ва ишқдан бехабарликни, синиқлик илоҳий ишқ шавқига ошнолигини англатади.
[2] Навҳа — фарёд, инграш.
[3] Ошуфтаҳол — паришонҳол, ғамгин.
[4] Кеш — кундуз, мўйна.

Менинг жоним олурға, эй ажал, кўп чекмагил
заҳмат —
Ки, бир сўз бирла лаъли менга ўлмакни муҳол
этмиш.

Вафо ошиққа қил, мағрур бўлма ҳусн давриға,
Фалакни гардиши кўп сабзайи хатни сақол
этмиш.

Амир оламға берса ишқ иршодин[1]
тонг эрмаским,
Муҳаббат пирига хизмат қилиб, касби камол
этмиш.

[1] Иршод — ҳақ йўлга даъват этиш.



* * *

Фарёдким, рақиблара дардим этти фош,
Оҳи паёпай[1] ила дамодам кўзимда ёш.

Фарёд бирла ҳажрида бисёр йиғладим,
Ҳаргиз тараҳҳум этмади ул шўхи бағри тош.

Наргислари фироқида қонлар ютар эдим,
Бемор айлади мени, алқиссаким, маош[2].

Мумкин эмас намозина меҳроб саждаси,
Гар бўлмаса назарда ул икки эгма қош.

Ҳусни завол топти-ю, сарғарди оразн,
Ваҳ айлабон ул ойни жамоли била қуёш.

Бу остона гарди била тенг эмас менга,
Кўк атласидин айласалар ёнима фирош[3].

Ҳарчанд писта қилса шаккарханд[4], айтингиз,
Ширинзабоним оғзи била қолмасун талош.

Ул шоҳ ҳусни даргаҳида хоки роҳмен,
Юз шукрким, аёғида помол бўлди бош.

Юз йиғласа на суд Амиру вазирга,
Ҳар пири потавонни суяр ёри бўлса ёш.

[1] Паёпай — кетма-кет.
[2] Маош — тирикчилик, ҳаёт; 2) ризқ, озиқ. Бу ерда муомила ва муносабат, хатти-ҳаракат.
[3] Фирош — кўрпа-тўшак.
[4] Шаккарханд — чиройли табассум қилувчи.

* * *

Олди кўнглумни йигитлик чоғида бир тифли ёш,
Айб эмас, бағримдаги қон кўзларимда бўлса ёш.

Доғи ишқинг танда пинҳон айладим —
суд этмади,
Оқибат бу ёшурун дардим улусқа бўлди фош.

Баски, бир Лайлишамойил[1] нозанин
Мажнунимен,
Бок эмас, атфол агар ёғдурсалар бошимга тош.

Бўлса гар тўртунчи торамда Масиху офтоб,
Ерда ҳам лаълинг Масиҳою жамолингдур қуёш.

Бири тийри нози мижгон, бириси шамшир ила
Кўзу қошинг қоними тўкмакни айларлар талош.

Кеча тонг отқунча ҳажринг базмида май ўрнига
Менга лаълинг ёдидин хуни жигар бўлди маош.

Ёстониб гулхан кулига бўлди бу расво кўнгул
Такяйи[2] ижод аро синжобидин соҳибфирош[3].

Оташи барқи фиғонимдин сув ўлди тоғлар,
Нолайи зорим эшитмассен ҳануз, эй бағри тош.

Ҳар кишиким ишқ йўлида қадам қўйса, Амир,
Ғам емас, бир зарра гар бу йўлда туфроқ ўлса
бош.

---

[1] Л а й л и ш а м о й и л — Лайли суратли, чиройли, гўзал.
[2] Т а к я — суянч, суянчиқ.
[3] С о ҳ и б ф и р о ш — тўшак эгаси, бемор, касал.



* * *

Жоно, менга ишқингда на тадбиру на кенгош —
Ким, таъна қилурлар мени кўюнгдаги авбош[1].

Оҳим ўтидин бўлмади бир зарра мулойим,
Кўнглунг не бало қоттиғ эрур, эй юраги тош.

Ишқинг юкини тортиб, асар қолмади мандин,
Тоғ остида қолғон каби донайи хашхош[2].

Гаҳ ғамза қиличию гаҳи ноз ўқи бирла
Бедод қилур жонима ул кўз била бу қош.

Овора бўлур булҳавас ишқингдин уруб дам,
Кун шамъига парвоналиғ этган каби хуффош.

Бир муғбача ишқида ичиб жоми муғона[3],
Дайр ичра сияҳмасту[4] сабукаш[5] мени қаллош[6].

Кулди кеча ул шўх кўзум ёшини кўргач,
Тангри карам этсун ани бир ёшига юз ёш.

Ашъори диловез[7], Амир, айладим иншо,
Ул сариқаду сиймтан[8] олиб ўқуса кош.

---

[1] А в б о ш — безорилар, саёқлар.
[2] Х а ш х о ш — кўкнори уруғи.
[3] Ж о м и м у ғ о н а — маърифат майига лиммо-лим пирнинг қалби.
[4] С и я ҳ м а с т — ғирт маст, бадмаст, пиянисита.
[5] С а б у к а ш — май қуювчи.
[6] Қ а л л о ш — эътиборсиз, дайди, фақир.
[7] Д и л о в е з — дилни илиштирувчи.
[8] С и й м т а н — кумушбадан.

* * *

Хаёлида магар меҳри жамолинг жилвасоз[1]
эрмиш,
Таҳайюр бирла доим дийдаи ойинабоз[2] эрмиш.
Сенга, эй боғбон, сарву санавбар бирла
шамшодинг,
Менга мадди назар[3] ул сарвнозу[4] дилнавоз[5]
эрмиш.
Малоҳат ҳам сабоҳат[6] келди сенга Ҳақдин,
эй соқий,
Маҳи ховарни гарчи ҳусни кўпдур,
меҳри оз эрмиш.
Лаби лаълингни саҳбосин тилаб, қонлар ютар
кўнглум,
Магарким, бода ичмак ишқ шаръида жавоз[7]
эрмиш.
Тугонлар бирла чархи кинапарвар[8]
поймол айлар,
Бу маҳфил ичра улким, шамъ янглиғ сарфароз[9]
эрмиш.

---

[1] Жилвасоз — ўзини гўзал суратда кўрсатувчи, жилва қилувчи.
[2] Ойинабоз — ойина билан ўйнашувчи.
[3] Мадди назар — кўз олдида турадиган нарса.
[4] Сарвноз — гўзал, келишган.
[5] Дилнавоз — дилни олувчи, дилга ёқувчи.
[6] Сабоҳат — оқ юзлилик, гўзаллик.
[7] Жавоз — ижозат, изн, рухсат.
[8] Кинапарвар — адоватни тарбияловчи.
[9] Сарфароз (Сарафроз) — баланд, юксак, мағрур.



Латофат айнидин[1] то жилва айлар ўлди
ул маҳваш,
Ҳуҷуми ишқдин кўз мардуми ойинасоз эрмиш.
Мусалсал[2] кокулинг савдосию қаддинг
ҳавоси-ла
Бу оқшом қиссаи дарду ғамим дуру дароз[3]
эрмиш.
Менга фатво берур бу сурат ила муфтийи
ишқинг,
Қоши меҳробига майл айлаким, вақти намоз
эрмиш.
Гудоолуда ашким ёзди хатлар ишқ сўзидин,
Кўнгул авроқи гўё дафтари сўзу гудоз[4] эрмиш.
Висоли базмида ҳар нечаким арзу ниёз[5] эттим,
Тағофул бирла они шеваси ноз узра ноз эрмиш.
Амир ул маҳлиқо фармонида гар бўлса, айб этма,
Насиқ[6] ҳар ошиқу маъшуқа Маҳмуду Аёз[7]
эрмиш.

---

[1] Айн — 1) кўз; 2) булоқ; 3) қуёш.
[2] Мусалсал — ҳалқа-ҳалқа, пайваста, бир-бирига уланган.
[3] Дуру дароз — давомли, узун.
[4] Сўзу гудоз — ёниш сув бўлиш, эриш.
[5] Арзи ниёз — ёлвориш.
[6] Насақ — ҳол, аҳвол.
[7] Аёз — Маҳмуд Ғазнавийнинг аввал қули бўлиб, кейин ... надими, мусоҳибига айланган. Маҳмуд ва Аёз ўртасидаги ... ишқ Шарқ адабиётида кенг куйланган.

* * *

То зоҳир эттим ул кўзи шаҳлога ихтисос[1],
Кўнглум топиб жунун ила савдоға ихтисос.

Ушшоқлар наими[2] висол ичра хос ўлуб,
Атфол тоши топти бу расвоға ихтисос.

Гулшан гулини нози ғурур ўлди шеваси —
Ким, топти нола булбули шайдоға ихтисос.

Аҳли фано[3] кўзигадур итдин залилроқ[4],
Ҳар кимки топти жийфайи[5] дунёға ихтисос.

Зуннори зулфи шавқида дайр ичра топмишам
Бу шева бирла ул бути тарсоға ихтисос.

Ҳар ерда ом бўлди жамолинг назораси,
Ҳайронлиқ этти аҳли тамошоға ихтисос.

Обод қил кўнгулни хирманини ишқ ила,
Бу мулк эрур Сикандару Дорога ихтисос.

Жон тоза руҳ бўлди лабингни мазоқидин[6],
Махмур топти соғари саҳбоға ихтисос.

Лаълинг била хатингни хаёли кўнгулдадур,
Топтим, Амир, Хизру Масиҳога ихтисос.

---

[1] И х т и с о с — хосланиш, мансуб бўлиш.
[2] Н а и м — 1) неъматлар, давлат; 2) шодлик, хуррамлик; 3) жаннат.
[3] А ҳ л и ф а н о — сўфийлар, орифлар.
[4] З а л и л — хор, паст, тубан.
[5] Ж и й ф а — ўлимтик.
[6] М а з о қ — маза, лаззат.



* * *

Вафо то бўлди жононимға махсус,
Жафоу жавр эрур жонимға махсус.

Хирому жилваю нозу малоҳат,
Эрур сарви хиромонимға махсус.

Гулистон бўлди кўнглим лола янглиғ,
Вафо доғи гулистонимға махсус.

Кеча тонг отқуча кўнглум чекар оҳ,
Эрур бу шамъ вайронимға махсус.

Кўнгул конидадур лаълинг хаёли,
Бу гавҳардур Бадахшонимға[1] махсус.

Ғамингда ишқ ранжи роҳатимдур,
Бу дардинг бўлди дармонимға махсус.

Ғубори тўтиёйи хоки пойинг[2]
Бўлурму чашми гирёнимға махсус.

Кўнгул хуштур висол уммиди бирла,
Бу марҳам доғи ҳижронимға махсус.

Шаҳиди нози мижгонинг эрурман,
Бу ханжардур менинг қонимға махсус.

Керак шаҳдин гадо ҳолини сўрмак,
Бу давлат келди султонимға махсус.

Эрурман ишқ мулкининг Амири,
Жунун авбоши дарбонимға махсус.

---

[1] Лаълнинг энг аъло нави Бадахшон тоғларида ҳосил бўлади.
[2] П о й — оёқ. Х о к и п о й — оёқ ости тупроғи.

* * *

Базм аро ҳар дам лабинг махмуриға қондур иваз[1],
Кечалар тонг отқуча хуноби[2] ҳижрондур иваз.

Гар лабинг сўрғонда қон эттим, бадал қил қона қон,
Лаълинг ар озурда[3] бўлмишдур, анга жондур иваз.

Васл базмида суруру айш қадрин билмадим,
Эмди фурқат[4] ичра юз фарёду афғондур иваз.

Лабларинг борида гар гул ғунчасини истадим,
Кўнглум ичра ҳар тарафдин ваҳми пайкондур[5] иваз.

Новаки[6] мижгонларинг жаврида гар дод айладим,
Кўксума ҳажр офатидин тийри паррондур[7] иваз.

Бўлмағон бўлсам агар қошинг қиличидин шаҳид,
Танда ғам шамширидин захми намоёндур иваз.

---

[1] И в а з — эваз, бадал.
[2] Х у н о б ( Х у н о б а ) — қонли ёш, аччиқ йиғи.
[3] О з у р д а — озор чеккан, ранжиган.
[4] Ф у р қ а т — айрилиқ, жудолик, ҳижрон.
[5] П а й к о н — ўқ, камон ўқи.
[6] Н о в а к — ўқ, камон ўқи; мажозан: киприк.
[7] Т и й р и п а р р о н — парли ёй ўқи.



Гар ғанимат билмадим лаълингни шаккархандасин,
Заҳри ғамдин ком талху чашми гирёндур иваз.

Оразинг кўрган замон шукр этмакига гул киби
Сийнайи садпораю[1] чоки гирибондур иваз.

Кокулинг сандосидин жамъият истардим, Амир,
Хотири ошуфтаю табъи паришондур иваз.

---

[1] С а д п о р а — юз пора.

* * *

Менки, савдодин жунун аҳлига топтим
ихтилот[1],
Бўлмайин расвойи олам — айлангизлар эҳтиёт.

Топқали андак табассум бирла нисбат лаълинга,
Ғунча пироҳанға[2] сиғмас зоҳир айлаб
инбисот[3].

Оразинг гулзориға ҳайрон кўзум тушган замон,
Гул юзида қатрайи шабнам киби айлар нишот[4].

Олами фоний аро тузма иқомат тарҳини —
Ким, даме оромгоҳи корвондур бу работ[5].

Кимдур улким, келди бу оламға — шашдар[6]
бўлмади,

Бўлма ғофил, жойи осойиш эмастур
бу бисот[7].

---

[1] Ихтилот — аралашиш.
[2] Пироҳан — кўйлак.
[3] Инбисот — шодлик, хурсандлик.
[4] Нишот — суюниш, шодлик, севинч.
[5] Работ — мусофирхона, карвонсарой.
[6] Шашдар — нард ўйинида ютқазиш хонаси, мот бўлиш.
[7] Бисот — бу ерда: шахмат тахтаси, яъни дунё.



Сарв ила қаддинг латофат боғининг девонида
Икки мисрағдур, вале йўқ бир-бирига
иртибот[1].

Юз уза зулфинг хаёлиға кўнгул тушти, Амир —
Ким, анинг ҳар торидур гўё тамуғ[2]
узра сирот[3].

---

[1] Иртибот — боғланиш, уланиш.
[2] Тамуғ — жаҳаннам, дўзах.
[3] Сирот — қиёмат кунида жаҳаннам узра тортилган қилкўприк. Жаннатга шу кўприкдан ўтиб борилади.

* * *

Ёр қаддидин гапур, товус рафтори ғалат,
Бошлагин сўз оразидин, боғи гулнори[1] ғалат.

Чун бараҳман ёр зулфин бўйнига банд этмади,
Бўлди ойини муҳаббат ичра зуннори ғалат.

Накҳати зулфи мутарросини бўй этган деди:
Оҳуйи Чин нофасида[2] мушки тотори ғалат.

Хомайи[3] мижгон ила бедоди таҳрир айлади,
Қилмади бир нуктасин чашми жафокори ғалат.

Олами мавҳумким, савдоя солмиш халқини,
Тонг эрур суду зиёни, жинси бозори ғалат.

Жавр бобида эмас ялғон сўз ул ширинлиқо[4],
Ҳарна дермишким вафо ойинида, бори ғалат.

Расмдур аҳли жунун бўйнига туммор осмоғи,
Доғи дил гар бўлмаса, бўйнида туммори ғалат.

Кеча тонг оттунча фарёду фиғонимдур менинг,
Кўйида итларни қилғон нолау зори ғалат.

Сарву гулдин боғбон гар гуфтугў[5] айлар, Амир,
Чиқти ялғон сарви мавзунию[6] гулзори ғалат.

---

[1] Гулнор — анор гули, қизил гул; мажозан: қизил ранг.
[2] Нофа — киндик.
[3] Хома — қалам, ручка.
[4] Ширинлиқо — хушрўй, чиройли.
[5] Гуфтугў — сўзлашиш, гаплашиш.
[6] Мавзун — ўлчовли, бекаму кўст, гўзал, келишган.



* * *

Мени зор айлади бир масти ғазалхон ҳофиз,
Ғамидин бўлди ишим нолаю афғон ҳофиз.

Саити[1] дилкаш била жонсўз[2] тараннум айлаб,
Назм аро қилди мени беҳуду ҳайрон ҳофиз.

Мени девона қилур булбулу қумри янглиғ,
Юзи гулбаргу қади сарви хиромон ҳофиз.

Мақомид «Рост», «Баёт»и қадат «Ушшоқ», «Наво» —
Ки, туи сарви гуландом, хушилҳон ҳофиз[3].

Соғари май каби йиғлар эсам, айб этма,
Лаби хандон ила қилди мени гирён ҳофиз.

Ноз ила ўлтурубон ошиқини, мотам учун
Айлади сунбули зулфини паришон ҳофиз.

Ниқ майхонасидин масту хароб этти мени,
Лек айёр ила боғлади паймон ҳофиз.

Жон нисор эткамен оллида, қилиб арзи ниёз,
Бўлса кўнглим уйига бир кеча меҳмон ҳофиз.

Келмади ҳуси ила суратда сенингдек дилбар,
Йўқса кўрдим бу жаҳон базмида чандон ҳофиз.

Ҳуси пироясини[4] ошиққа мурувватдур, Амир,
Бўлмади лек бу мазҳабда мусулмон ҳофиз.

---

[1] Саит — куй, оҳанг.
[2] Жонсўз — жонни куйдирувчи, ўртовчи, азоб берувчи.
[3] Мазмуни: сен сарв каби гўзал, гулбаданли, хушовоз ҳофиз бўлганинг учун ошиқларинг «Рост», «Баёт», «Ушшоқ», «Наво» мақомларини айтиб, нола чекурлар.
[4] Пироя — зийнат, безак.

* * *

Ошиқ ўлсанг, ёрдин меҳру вафо қилма тамаъ,
Хўблардин ғайри озору жафо қилма тамаъ.

Фақр кўйида танинг туфроғи то бўлмай ғубор,
Кўзга бир из туфроғидин тўтиё қилма тамаъ.

Истасангким, чекмагайсан даҳр аро нокомлиғ[1],
Олам аҳлидин ҳусули[2] муддао қилма тамаъ.

Истадим дардим иложини ҳакими ақлдин,
Айди: — Дарди ишқдур,
мендин даво қилма тамаъ.

Ҳиммат эрмастур талофий[3] истаб
эҳсон айламак,
Бас, карам айлаб, гадолардин дуо қилма тамаъ.

Хиралиғ бирла боқар жононалар рухсорига,
Сахтрў[4] ойинадин шарму ҳаё қилма тамаъ.

Гар десанг, бошга маломат туфроғи сочилмасун,
Жуди[5] Ҳотамдин[6], гар эрмассан гадо,
қилма тамаъ.

---

[1] Н о к о м л и қ — мақсадга эриша олмаслик, маҳрумлик.
[2] Ҳ у с у л — ҳосиллар.
[3] Т а л о ф и й — қўлдан кетган нарсани қайтадан қўлга киритиш.
[4] С а х т р ў — бети қаттиқ, юзсиз.
[5] Ж у д — эҳсон, мурувват.
[6] Ҳ о т а м — сахийлиги билан машҳур бўлган араб қабила бошлиқларидан бири. Тай қабиласидан бўлганлиги учун Ҳотами Тай деб ном таратган.



Қилмади Фарҳод бошининг шикасти[1] чорасин,
Бисутун короларидин мўмиё қилма тамаъ.

Ганжи[2] истиғно қаноат дастгоҳидур[3], Амир,
Йўқса бу вайроналардин кимиё[4] қилма тамаъ.

---

[1] Ш и к а с т — синиқ, мажруҳ.
[2] Г а н ж — бойлик, хазина.
[3] Д а с т г о ҳ — 1) бойлик, давлат; 2) амал, мартаба; 3) важ, сабаб.
[4] К и м и ё — бу ерда: қимматбаҳо нарса.

* * *

Саводи зулфинг аро истади фароғ[1] тароғ,
Ажаб эмаски, бу савдода бўлса доғ тароғ.

Чу сарв сунбулини шона қилмоқ этти ҳавас,
Санубар айлади шамшоддин сўроғ тароғ.

Магарки телба эрур, айлабон яқосини чок,
Сочинг салосилидин[2] чекмади аёғ тароғ.

Чу кўрди шоҳиди сунбул каманди зулфунгни,
Сочинг юлуб-юлубон ташлади тароғ-тароғ.

Сочинг саводида рухсоринг орзусин қилди,
Кеча қоронғу эди, истади чароғ тароғ.

Насим мошитаси[3] шона қилди зулфингни,
Ўзин канора чекиб[4], бўлди бедимоғ[5] тароғ.

Сочида шонани густоҳ[6] кўрдиму, айдим —
Ки: «Бу илонлар ичида қолурму соғ тароғ?»

[1] Ф а р о ғ — 1) тинчлик, хотиржамлик; 2) роҳат, хурсандлик.
[2] С а л о с и л — тизма, силсила.
[3] М о ш и т а — машшота, пардозчи.
[4] К а н о р а ч е к м о қ — четланмоқ.
[5] Б е д и м о ғ — кайфиятсиз, хафа.
[6] Г у с т о ҳ — адабсиз, андишасиз.



Чигал-чигал гириҳин[1] тори кокулидин очиб,
Кўнгул қушининг аёғига қилди боғ тароғ.

Соғиниб[2] дийдаларим теграсида мижгондур,
Тарарга сунбулинг изҳор этар қароғ тароғ.

Ул икки гесуйи[3] мушкинга етмади илки,
Агарчи болу пари[4] айлади калоғ[5] тароғ.

Амир рози дилин айтурида зулфунгга
Қулолаи[6] ичида туруб, солмасун қулоғ
тароғ.

[1] Г и р и ҳ — тугун, чигал.
[2] С о ғ и н м о қ — бу ерда: йиғламоқ.
[3] Г е с у — соч, кокил.
[4] Б о л у п а р — қанот.
[5] К а л о ғ — ола қарға.
[6] Қ у л о л а — жингалак соч, бошга ўраб олинган чамбарак соч.

* * *

Нечиндур саргарон[1] ул наргиси бемор[2]
мен янглиғ,
Магарким айламиш беморлиғ изҳор мен янглиғ.

Ғизо[3] ўлмиш агар кўрсам юзингни рўза чоғида,
Не хуш улким, қилур бодом[4] ила ифтор мен
янглиғ.

Сенингдек кўрмади даврон кўзи ҳусну жамол
ичра,
Вале ишқ ичра чўхдур хастаи афгор[5]
мен янглиғ.

Кўнгулга ишқ доғи боиси ҳузну[6] малол ўлмас,
Хушоким[7], васлидин маҳрумдур ағёр
мен янглиғ.

Амир улким, назокатфаҳмлиғ бобида моҳирдур,
Чекар сўз риштасина гавҳари шаҳвор
мен янглиғ.

---

[1] Саргарон — гангираган, боши айланган, маст.
[2] Наргиси бемор — сузилган, хумор кўз.
[3] Ғизо — овқат, егулик.
[4] Бу ерда бодом сўзи ўз маъносидан ташқари, маҳбубанинг бодом шаклидаги кўзига ҳам ишора бўлиб келаяпти.
[5] Афгор — яраланган, мажруҳ.
[6] Ҳузн — ғам, қайғу.
[7] Хушоким — қандай яхшиким.



* * *

Ёрким, қатлим учун найлади ағёрға лутф,
Шодмен, қилди бу ранг ила мени зорға лутф.

Юз туман хастаға бир лутф ила ором бериб,
Қилмади лек мени бедили афгорға лутф.

Ёр лутф этти менга — ҳайрат аро англамадим,
На билур қилса киши суврати деворға лутф.

Ики қошинг эгилиб, бир-бирига ноз қилур,
Уйлаким қаршу туруб, ёр қилур ёрға лутф.

Қалами рашҳаси[1] хаттингни савод этти, Амир,
Берди лаълинг сифати бирла бу ашъорға лутф.

---

[1] Рашҳа — томчи.

* * *

Жаҳон, жоно, жамолингта тасаддуқ,
Дилу жон хатту холингта тасаддуқ.

Чаманда сарву шамшоду санубар —
Эрур мавзун ниҳолингта тасаддуқ.

Лабинг сарчашмаи[1] оби бақодур,
Хизр хатти зулолингта[2] тасаддуқ.

Тутарман тан аро жонни кироми[3],
Бўлур бир кун нисорингта тасаддуқ.

Қолиб эрди вужудимдин хаёли,
Ани қилдим хаёлингта тасаддуқ.

Лабинг ҳажрида заҳри ғам ютармен,
Ҳаловат ёди болингта тасаддуқ.

Кўнгил ойинасида жўши ҳайрат,
Жамоли бемисолингта тасаддуқ.

Эрурсан ҳусн мулкини Амири,
Жаҳон жоҳу жалолингта[4] тасаддуқ.

---

[1] С а р ч а ш м а — булоқбоши, манба.
[2] З у л о л — тиниқ, тоза, ширин сув.
[3] К и р о м — азиз, улуғ.
[4] Ж о ҳ у ж а л о л — шон-шавкат, улуғлик, мартаба.



* * *

Менга шоми фурқат ичра ғамдин ўзга ёр йўқ,
Дардлиғ маҳзун кўнгилга соҳиби асрор[1] йўқ.

Юз очиб, этгил хиром, эй сиймбар, гулшан аро
Сарв ила гул йўх сенингдек, сарви гулрухсор йўқ.

Наргисинг фикри ҳалок этти, тараҳҳум айлаким,
Дардкашлар[2] ичра мендек хастаи бемор йўқ.

Нотавон кўнглум ғами ҳижрон ила бемордур,
Висолинг ўзгу бу хаста дардига темор[3] йўқ.

Айладим жонон учун исор жоним нақдини,
Бошдин ўтмоқ ишқ йўлида менга (ҳеч)
душвор[4] йўқ.

Ҳар неча жавру ситамларким қилурсан, бок эмас,
Онинг девонамен, ўлсам йўлингда ор йўқ.

Тонг эмас, кўнглумга ул ойдин ватан тутмоқ,
Амир,
Не учунким, анда водий эгасига ёр йўқ.

---

[1] С о ҳ и б и а с р о р — сир соҳиби, ориф, дарвеш.
[2] Д а р д к а ш — дардли, дардманд.
[3] Т е м о р (Т и м о р) — бу ерда: ғамхўр, меҳрибон.
[4] Д у ш в о р — қийин, мушкул.

* * *

Ҳажр аро, эй жон, мени андуҳу ғам ўлтургудек,
Гар таҳаммул айласам, дарду алам ўлтургудек.

Хатти рашкидин агар рамзу ишорат айласам,
Тиғи нози бирла ул қоши қалам ўлтургудек.

Панд эшитмай, ошиқ ўлдунг, бўлма ғофил,
эй кўнгул,
Бу гунаҳдин бир кун ул зебо санам ўлтургудек.

Қайди[1] ишқидин халос ўлмак менга
мумкин эмас,
Жон олур бўлса фироқи, васли ҳам ўлтургудек.

Зулмпарвардур менинг ёрим муҳаббат шаръида,
Мункир[2] ўлсам ишқиға, бермай қасам ўлтургудек.

Соқиё, гар бир қадаҳ бирла ҳимоят бўлмасанг,
Жонима ранжи хумор айлаб, ситам ўлтургудек.

Эй кўнгул, сен бир тараф азм этки, ул қотил мени
Ишқ журми бирла айлаб муттаҳам ўлтургудек.

Бенавомен[3] ишқ ила бисёр, найларман, Амир,
Гар дам урсам, дилбари соҳибкарам[4] ўлтургудек.

---

[1] Қ а й д — банд, кишан, асирлик.
[2] М у н к и р — инкор қилувчи, рад қилувчи.
[3] Б е н а в о — бечора, ғариб, маҳрум.
[4] С о ҳ и б к а р а м — карам соҳиби, сахий.



* * *

Нигоре кўрмадим сен симбардек,
Юзунгдур хай[1] аро гулбарги тардек[2].

Сочинг савдосидин мушки Хитойи
Кезар ҳар ён насими дарбадардек.

Ажаб шириншамойилсенки[3], дерлар,
Қадингни жилвасини найшакардек[4].

Лабинг ҳижронида гирён кўзумда —
Эрур ҳар қатраи ашким гуҳардек.

Лабингни ёд этиб, қонлар ютармен,
Шакар ширин эмас бу моҳазардек[5].

Ҳазар қилмас балодин телба кўнглим,
Муҳаббат бешасида шери нардек[6].

Ҳаво айлар кўнгул пайконларингдин,
Анга бўлди хадангинг[7] болу пардек.

Эрур зулфинг саводи шоми дайжур[8],
Баногўшинг эрур файзи саҳардек.

Эрурсан мулки истиғно Амири,
Гадои даргаҳингдур шоҳлардек.

---

[1] Ҳ а й — тер томчиси.
[2] Т а р — тароватли, гўзал.
[3] Ш и р и н ш а м о й и л — гўзал, зебо.
[4] Н а й ш а к а р — шакарқамиш.
[5] М о ҳ а з а р — таом, овқат.
[6] Н а р — эркак.
[7] Х а д а н г — 1) ўқ, камон ўқи; 2) найза; 3) киприк.
[8] Д а й ж у р — энг қоронғи кеча, зулмат.

* * *

Сочингдур шому рухсоринг қамардек,
Мунаввардур баногўшинг саҳардек.

Ёпушмиш бир-бирига сўзламоқда —
Дудоғинг, баски, шириндур шакардек.

Санубар бирла гулни коми бордур,
Қадинг сарву юзинг гулбарги тардек.

Нетонг[1], ул гул ғамидин ашки олим —
Кўрунса кўзима лахти[2] жигардек.

Кўнгулга ишқ савдосидин ўзга
Жаҳоннинг барча судидир зарардек.

Ғанимат тут замони умр бу дам,
Нечунким, имтидоди[3] йўқ шарардек.

Бошидин ўтти сувдек васл чоғи,
Амирим ҳажр ила сокин ҳажардек[4].

[1] Н е т о н г — не ажаб.
[2] Л а х т — бўлак, парча.
[3] И м т и д о д — чўзилиш, давом этиш.
[4] Ҳ а ж а р — тош.



* * *

Гар эмас ул ой ғамидин волау ҳайрон фалак,
Не учун мендек эрур оламда саргардон фалак.

Ҳаир шомиким, фиғонимни эшитти, раҳм этиб,
Бўлди анжум ашкини кўздин солиб, гирён фалак.

Гоҳ фурқат, гоҳи ҳижрон, гоҳи шиддат кўргузуб,
Юз уқубатлар била бағримни қон қилди фалак.

Ҳар неча пинҳон ғамимдин айладим огоҳ ани,
Оҳким, бир мушкулимни этмади осон фалак.

Бўлди то катми адамдин[1] етти торам ошкор,
Кўрмади ҳаргиз жамолингдек моҳитобон фалак.

Бир неча кўрди висолингнию, сўнгра топмади
Қолди бу андуҳ аро бесабру бесомон фалак.

Моҳвашлар меҳру рухсори муяссардур, Амир,
Шукрким, айлар мени коми била даврон фалак.

[1] К а т м и а д а м — йўқлик олами.

* * *

Эй жамолинг тальати хуршиди оламтобдек[1],
Шавқдин айлар тапиш кўнглум мени симобдек.

Офият[2] дарёсидин ҳар лаҳза айлар баргарон[3]
Ҳалқаи зулфи кўнгул моҳисини қуллобдек.

Масжид ичра шайхи худбин эгма қошингни кўруб,
Юз ўгурди қибла соридин сенга меҳробдек.

Гулшан ичра ҳасрати қаддингдин ўлса сарв су(в),
Қумри тавқидин[4] ўлур сув устида гирдобдек.

Ул қуёш ҳижронида бир тун эмасмен бехарош[5],
Нуқта-нуқта доғлар кўнглумда устурлобдек.

Ҳар қачонким йиқларам ул лаъли майгун шавқидин,
Нашъапаймодур[6] кўзум қони шароби нобдек.

[1] Оламтоб — оламни ёритувчи.
[2] Офият — соғлиқ, тинчлик.
[3] Баргарон — соқит.
[4] Тавқ — баъзи қушларнинг бўйнидаги ҳалқасимон чизиқ.
[5] Харош — бу ерда: дард, алам; тирнамоқ.
[6] Нашъапаймо — нашъа ҳосил қилувчи.



Айлар ул пайваста қош ошиқ дуосин мустажоб[1],
Хонақо[2] тоқини, зоҳид, билма бу меҳробдек.

Ҳусн гулзорида қадди оразинг кўрган сонур[3]
Сарв нахли устина битгон гули серобдек.

Дур тиши таърифида кўп нукталар айдим, Амир —
Ким, эрур ҳар қайсиси бир гавҳари ноёбдек.

[1] Мустажоб — қабул бўлиш.
[2] Хонақо — сўфий ва дарвешларнинг зикр ўтказадиган жойи.
[3] Сонимоқ — ишонмоқ.

* * *

Эй ситамгар, неча ишқ аҳлиға бедод айламак,
Гарчи келмас хотирингға хастани шод айламак.

Оташин лаъли лабингдин ким топар оби ҳаёт,
Ҳуснидиндур ихтироъи сулҳу аздод[1] айламак.

Васл айёмин хаёл этмоқдурур ҳар кун ишим,
Кечалар ҳижрон ғамидин ун чекиб, дод айламак.

Лутф этиб, эй шўх, вайрон кўнглим ичра
маскан эт,
Расмдур элга бузуқ манзилни обод айламак.

Ул бути ширинлиқо ошуби ҳуснидин келур
Мен киби зорни бало тоғиға Фарҳод айламак,

Доми зулфунг ичра хуштур, баски,
кўнглум тойири,
Жаврдур бу қушга, эй сайёд, озод айламак.

Ҳасратидин хаста кўнглумни, Амир, озори бор,
Не жафолар кўргузур ул шўхни ёд айламак.

---

[1] А з д о д — зиддиятлар.



* * *

Соқиё, келки, менга суҳбати аҳбоб керак,
Хастамен, ранжи хумор ичра майи ноб керак.

Тунги девона кўнгил сунбули пуртобинг[1] аро,
Нотавондур бу салосилда[2] — анга тоб керак.

Ғами васлинг тилаган зорлара шамъ киби
Жигари сўхтау дийдаи бехоб[3] керак.

Боқма ойина киби ёр юзина густоҳ,
Васл хилватгаҳида ошиқа одоб керак.

Ошиқинг нола қилур, оҳ чекар, ашк тўкар,
Кимсаким, пеша[4] қилур бир ҳунар, асбоб керак.

Айладинг бағримни қон, мастлиғ эт, айла нишот,
Кимки, бу соғар эрур илкида, шодоб[5] керак.

Мен киму зуҳду вараъ — ишқу
муҳаббатдур ишим,
Менга қошинг хамию зоҳида меҳроб керак.

Гарчи оламда Амирам, сенга қулман, биллаҳ[6],
Икки зулфинг хамидин бўйнума қуллоб керак.

---

[1] П у р т о б — сержингалак, ҳалқа-ҳалқа.
[2] С а л о с и л — бандлар, кишанлар.
[3] Б е х о б — уйқусиз.
[4] П е ш а — бу ерда: одат, ўрганиш.
[5] Ш о д о б — 1) шод, хуррам; 2) сероб, қонган.
[6] Б и л л а ҳ (Б и л л о ҳ) — Худо ҳаққи, азбаройи Худо.

* * *

Менга иш — ҳижрон аро заҳроби[1]
ғам нўш[2] айламак,
Сенга одат бўлди бу қулни фаромуш[3] айламак.

Тан ғубори поймолинг эрди — помол[4] айладинг,
Ҳожат эрмас эмди бизни хонабардўш[5] айламак.

Зулф ила холу хатинг кўп беқарор этти мени,
Мунча савдо бирла бўлмас ўзни хомуш айламак.

Кўзларинг бераҳм эрурлар, сурма чекма ноз учун,
Хўб эмас ул икки кофирни сияҳпўш[6] айламак,

Ошиқи дилхастани фарёдига солмай қулоқ,
Не муносиб ғайрни пандини даргўш[7] айламак.

Шайх панди бирла бўлма хонақаҳ ичра малул,
Ваҳ, на хуштур жоми май нўш айлабон жўш
айламак.

Бас эрур гоҳи хаёли ёдима тушса, Амир,
Мен киму ул мўкамар[8] белини оғуш айламак?

---

[1] Заҳроб — суюқ заҳар.
[2] Нўш айламак — ичмоқ.
[3] Фаромуш — ёддан чиқариш.
[4] Помол — оёқ ости, поймол.
[5] Хонабардўш — уй-жойи йўқ, овора, дарбадар.
[6] Сияҳпўш — қора кийган, азадор.
[7] Даргўш — эшитмоқ, кулоққа олмоқ.
[8] Мўкамар — қилдек ингичка бел.



* * *

Ҳуснунг камола етти, эй маҳлиқо, муборак!
Ойинайи жамолинг топти сафо, муборак!

Хўб ўлди — оразингни ойинадин ёшурдунг,
Эй шўхи моҳталъат, шарму ҳаё муборак!

То юзига ғоза[1] чектинг, қонимни тўкти ғамзанг,
Нақш илгида, нигоро, бўлсун хино муборак!

Ҳарчанд менга паймон паймонасин ушоттинг,
Қилдинг рақибларга аҳду вафо, муборак!

Тун қайда маст эрдинг, ким бирла бода ичтинг?
Ғул жайбидин[2] узулгон банди қабо муборак!

Эй ахшиларни шоҳи, бўлма рақиба ҳамдам,
Ғамингдаги муносиб ул шумнамо муборак!

То маснади малоҳат султонисан, вафо қил,
Шаҳдин карам муносиб, қулдин дуо муборак!

Бир шўхи дилрабони бўлдум асири зулфи,
Бошимга тушти савдо, қилсун Худо муборак!

Ул сариқад хаёлин қилдинг, Амир, иншо,
Табъи салим бирла фикри расо муборак!

---

[1] Ғоза — аёллар юзига суртадиган қизил бўёқ.
[2] Жайб — 1) кийимнинг ёқаси; 2) чўнтак.

* * *

Зоҳидо, гар сенга ҳуру жаннат ул-маъво керак,
Бода базмида менга бир шўхи дилоро керак.

Ишқ лофин гар урарсан, тарки ҳуш эт,
эй кўнгул —
Ким, бу маънидин дам ургон одами доно керак.

Сайри зулф эттинг, хатидин сўзла,
эй кўз мардуми,
Чину Мочиндин[1] келурсан,
менга бу савғо керак.

Соқиё, сенсиз мени ранжи хумор ўлтургудек,
Кел, карам айлаб қадаҳ тутким,
манга саҳбо керак.

Аҳли дунё мажлисида қилма арзи эҳтиёж,
Ҳар неча муҳтожсен оламда, истиғно керак.

Ишқ водийси бағоят муҳлик[2] эрмиш,
эй рафиқ,
Кезгани бу даштни Мажнуни бепарво керак.

Ишқ асрорин ниҳон тут, эй кўнгул, айёрдин,
Дема бу сўзни тамасхур[3] аҳлига, расво керак.

---

[1] Ч и н у  М о ч и н — Хитой ва унга қўшни мамлакатлар.
[2] М у ҳ л и к — ҳалок қилувчи, ҳалокатли.
[3] Т а м а с х у р — масхара қилиш.



Ул пари ишқида ҳар ким телбалик айлар шиор,
Фикри зулфида менингдек бошида савдо керак.

Чашми махмурингни масту талхкомимен[1],
Амир,
Бўсаи шаҳди лабингдин эмди халқосо[2] керак.

---

[1] Т а л х к о м — қийналган, қайғули.
[2] Х а л қ о с о — одамлар каби.

* * *

Лабинг хаёлида, соқий, менга шароб керак,
На хуш шароб, фараҳбахш[1] лаъли ноб керак.

Қадаҳни тўлдурубон айш уйин ёрутки, манга
Бу тийра шоми хумор ичра офтоб керак.

Ўқуб, мутолаа қил пора-пора дил варақин,
Десангки, олими даҳрам, менга китоб керак.

Лаби такаллум ила жон тилар — равон бергил,
Анинг саволига бу тарз ила жавоб керак.

Ғамингда қон ютамен, доғ ила куяр юрогим-
Ки, бода ичса киши, нуқл[2] ила кабоб керак.

Мени шикаста[3] сори гоҳ бир назар қила кўр,
Десангки: «Давлати ҳусн ичра бир савоб керак».

Амири мулки жунунман, вуҳуш[4] хайлидин
Сипоҳи беададу хайли беҳисоб керак.

---

[1] Ф а р а ҳ б а х ш — хурсандчилик бағишловчи.
[2] Н у қ л — газак.
[3] Ш и к а с т а — синган, мажруҳ; бу ерда: кўнгли синиқ, ғамгин, маъюс.
[4] В у ҳ у ш — ваҳшийлар.



* * *

Ғайр ила тун бода ичтинг, жонима ўт урди рашк,
Пайкаримни[1] шамъдек сар то қадам[2]
куйдурди рашк.

Ғайр ила бординг, мени зору низор[3] ўлтургуси,
Бу балоларким, ғамингдин бошима келтурди рашк.

Бу нечук ўтдурки, жисмим хирманини куйдуруб,
Кул қилиб, охир бу кулни чарх уза совурди рашк.

Ҳалқа-ҳалқа сунбулин торига чекконда тароғ,
Дуди оҳимни фалакнинг тоқидин ўткурди рашк.

Булҳавaслар базмида лаъли лабингнинг шарбати
Берди жон аёрға, лекин мени ўлтурди рашк.

Базми васлингда мусоҳиб[4] бўлди
то жамъи рақиб,
Ҳуш ила сабру хирад хайлин кўнгулдин
сурди рашк.

Ҳар бири бир оташи сўзанда[5] янглиғ куйдирур,
Фурқатингдин доғларким,
жонима топшурди рашк.

Гар дам урсам, хирмани офоқ ўртангай, Амир,
Мунча ўтким, пардайи жоним аро ёшурди рашк.

---

[1] П а й к а р — вужуд, жисм, гавда.
[2] С а р т о қ а д а м — бошдан-оёқ.
[3] Н и з о р — ориқ, озғин, сует, заиф.
[4] М у с о ҳ и б — суҳбатдош, дўст.
[5] С ў з а н д а — куйдирувчи.

* * *

Кокулинг шому юзингдур моҳи оламтобдек,
Соч уза мўъжиз тун узра партави маҳтобдек[1].

Шоми фурқат ичра ишқинг ўтидин музтар[2] кўнгул
Изтироб айлар бузуқ кўнглум аро сиймобдек.

Инжу янглиғ тишларинг лаълинг сафосидин мудом
Кўринур мийно[3] ниқобидин шароби нобдек.

Қилмасун нечун кўнгул мирътотидин ҳуснунг зуҳур[4] —
Ким, қуёш ўтрусида осилғон усturлобдек.

Ҳасратингдин ҳарнаким ҳижрон туни қилдим хаёл,
Айладим таъбир васлинг кундузига хобдек[5].

Ахтарурман ишқ баҳри ичра васлинг гавҳарин,
Бу жиҳатдин доимо саргаштамен гирдобдек.

Қонлу кўнглумни паришон этти, то кўрдум, Амир,
Гул юзига кокулини сунбули пуртобдек.

---

[1] М а ҳ т о б — тўлин ой.
[2] М у з т а р — мажбур бўлган, ночор, иложсиз.
[3] М и й н о — шиша, май шишаси.
[4] З у ҳ у р — намоён бўлиш, кўриниш.
[5] Х о б — уйқу.



* * *

Эй юзинг хуршиди оламтобдек,
Зор кўнглум заррае бетобдек.

Шоми ҳижрон ҳажр субҳидин йироқ,
Васл айёми кўринур хобдек.

Хаста кўнглумни катон барги каби
Жилва айлаб, чок этар маҳтобдек.

Чарх дўлоби[1] сифат адворидин[2]
Кўргузур дунё ишин дўлобдек.

Ишқ баҳри ичра кўнглум даврида
Чарх урарман ҳалқаи гирдобдек.

Зулфининг ҳар торида юз ҳалқадур,
Ҳар бири сайд этмага қуллобдек.

Шавқи тобидин ҳазин[3] кўнглум, Амир,
Кўксум ичра титрамиш сиймобдек.

---

[1] Д ў л о б — чархпалак.
[2] А д в о р — айланишлар, даврлар.
[3] Ҳ а з и н — хафа, қайғули.

* * *

Кўриб хуршид рухсорин, маҳи анвардин
эл чекдук[1],
Хати савдосидин боғ ичра нилуфардин эл чекдук.

Маю маъшуқ ишқин таркин этдук шаҳна
жавридин,
Ўсондук[2] муҳтасибдин, шишаи соғардин
эл чекдук.

Қабул этдукча ул султони одил қуллиғин доғин,
Ривожи давлати Жамшиду Искандардин
эл чекдук.

Кўнгулнинг сўзиши[3] манзур экан ошиқлара,
билдук,
Аниг-чун кўз деган расвои домантардин[4]
эл чекдук.

Тилони нуқраға[5] табдил қилмас[6]
сотқучи ҳаргиз,
Аниг сиймин сақоғин[7] кўргон учун зардин
эл чекдук.

---

[1] Э л ч е к м о қ — қўлни тортмоқ, тарк этмоқ.
[2] Ў с о н м о қ — зерикмоқ безмоқ.
[3] С ў з и ш — куйиш.
[4] Д о м а н т а р — уятсиз, ахлоқсиз, фосиқ.
[5] Н у қ р а — кумуш.
[6] Т а б д и л қ и л м о қ — алмаштирмоқ.
[7] С а қ о қ — ияк, бағбақа.



Юзу қаддини кўргач, сарву гулдин эҳтироз этдук,
Хату лаъли учун ойинадек жавҳардин эл чекдук.

Халос этдук кўнгулни Лайлию Ширин хаёлидин,
Қачон сендек нигори шўхи сиймибардин
эл чекдук?

Неча аҳли хирад такрор айлаб ишқ асрорин,
Кечиб дарсу сабақдин, коғазу дафтардин
эл чекдук.

Муҳаббат боргоҳининг шижоатлик Амиримен,
Қадим қўйдук жунун торожига, лашкардин
эл чекдук.

* * *

Эрлик эрмас журъат айлаб фатҳи Ҳайбар[1]
айламак,
Эр ўшалдурким, таъаллуқ[2] илгидин тортар этак.

Мавжи дарёйи фанодур нақши бунёди жаҳон,
Олами хокий эрур сув ичра тушгон бир кесак.

Оқил улдурким, жаҳон асбобиға бермас кўнгул,
Кимса андин кўрмади ранжу машаққатдин
бўлак.

Эй, хуш ул девонаким, гулхан бўлубтур маскани,
На ғами олам эрур анда, на парвойи фалак.

Тарбият қилғон била бадасл[3] бўлмас одамий,
Ипни юз алвон ила ранг этса бўлмастур ипак.

Басдурур холинг саводи, сурмаи биниш[4] менга,
Гар қазо икки кўзумнинг нуқтасини қилса чак[5].

Бўлмағил ғофил саводи нуқтайи дилдан, Амир —
Ким, бу марказ теграсидин айланур даври фалак.

---

[1] Х а й б а р — Муҳаммад алайҳиссалом томонидан фатҳ этилган қалъа.
[2] Т а а л л у қ — алоқадорлик, мол-дунёга боғланиш.
[3] Б а д а с л — таги паст, зоти паст, тубан.
[4] С у р м а й и б и н и ш — кўзга қўйилган сурма.
[5] Ч а к — ҳужжат, далил.



* * *

Хистамен ул гулдин айру андалиби зордек,
Ун чекармен кеча тонг отқунча мусиқордек.

Боғи имкон ичра кўп кўрди санубарлар, валек
Кўрмади даврон кўзи ул сарви гулрухсордек.

Қўйди ул гул захмларким, ғунчаи пайконидин,
Қилди кўксумни жароҳатлар била гулзордек.

Гоҳини, эй гул, агар гулшан сори қилсам назар,
Кўрунур ширози гул бир рахти[1] оташбордек[2].

Оҳ чекдимким, ғубори хотирим зойил[3] этар,
Бўлди кўнглум кўзгусига боиси зангордек.

Тунги савдолар бошимга ул муанбар сочдин,
Рўзгоримни қаронғу этти шоми тордек[4].

Гулшани даҳр ичра чўх иззат била бўлдум,
Амир,
То тутубмен ул гули раъно этогин хордек.

---

[1] Р а х т — уй анжоми, кийим-кечак, умуман буюм; бу ерда гилам.
[2] О т а ш б о р — ўт ёғдирувчи.
[3] З о й и л — йўқ бўлувчи, йўқоладиган, ўткинчи, фоний.
[4] Ш о м и т о р — қоронғи кеча.

* * *

Кечаким, оҳим хадангига нишон эрди фалак,
Қўрқиб ул ўқ офатидин ҳар тараф қочмиш
малак.

Уздилар садпора бағримни талошиб итларинг,
Борғали кўюнгта эмди қолмади менда юрак.

Қон ютиб, ҳар лаҳза аччиқ йиғларимдин
йўқ ғами,
Улки, ҳар дам нўш этиб соғар, набот айлар газак.

Ҳусн ичида бу латофат бирла йўқтур одаме,
Ё пари, ё ҳур, ё руҳи равонсен[1], ё малак?

Ораз узра жилвагар бўлғон қаро холинг эмас,
Шавқдин боқтим юзунгга, қолди анда мардумак[2].

Айлабон таҳқиқ[3] оғзи нуқтасининг рамзини,
Ваҳм ила жону кўнгулнинг ўртасига тушти шак.

Кишвари кўнглумни торож этгудек ғам лашкари,
Соқиё, келтур менга бир неча соғардин кўмак.

[1] Р у ҳ и  р а в о н — жон.
[2] М а р д у м а к — кўз қорачиғи.
[3] Т а ҳ қ и қ — текшириш, нарсанинг моҳиятини билиш, ҳақиқатига етиш.



Ҳар бири гўё кўнгул сайдига бир қуллоб эрур,
[illegible], ҳар [illegible] гули рухсор уза санчар гажак.

[illegible] учун ишқу жунун мулкини фатҳ эттим,
Амир,
[illegible] эмди хотами лаъли лабингдин бир
маҳак[1].

[1] М а ҳ а к — қимматли металл ва тошларнинг ҳақиқийлигини синаш учун ишлатиладиган тош.

* * *

Бодайи лаълинг эмас, жоно, шароби нобдек,
Тоб келтурмас анго кимса мени бетобдек.

Икки рухсоринг тўлун ойдур, сочинг —
савдо туни,
Сочинг узра мўъжиз ул тун устида маҳтобдек.

Бўлди то зулфинг каманди чин-чину хам-хам,
Сайд этар ҳар дам кўнгул моҳисини қуллобдек.

Ишқ базмида қуруқ жисмим муҳаббат созидур,
Гар дам урсам нола айлар рагларим[1] мизробдек.

Кўзларингдин кофири бераҳм қотил кўрмадим,
Қатл этар бир дамда юз ушшоқни қассобдек.

Май гули то оразинг гулзорида кўргузди ўт,
Печу тоб айлар кўнгул зулфинга тушган тобдек.

Икки қошинга сужуд[2] этмак хаёлида Амир
Чоки дил изҳор этармен халқ аро меҳробдек.

[1] Р а г — қон томири.
[2] С у ж у д — саждалар.



* * *

Давлатлу бегим, ҳоли дилим хонима айтинг,
Зинҳор бу қул арзини султонима айтинг.

Васлига ишонтирди-ю, ўлтурди фироқи,
Бу нуктани ул ваъдаси ялғонима айтинг.

Юз нора кўнгул ҳолиға қон йиғламоғимни,
Эй боди сабо, ул гули хандонима айтинг.

Ҳайронлиғим аҳволини, эй булбулу қумри,
Фарёд чекиб, сарви хиромонима айтинг.

Дилдорима дарди дилим изҳорини айлаб,
Жоним аламин лутф ила жононима айтинг.

Бир боқмаганин ҳоли паришонима сўзлаб,
Бир келмаганин кулбаи вайронима айтинг.

Мен бандаи бечора дуо бирла ниёзин
Оламнинг Амири — шаҳи давронима айтинг.

* * *

Юзи била сочи фикридин айларам оҳанг —
Ки, дуди оҳими мушкин қилур, ёшим гулранг.

Тажовуз этма, мақомингдин англаким, на қилур,
Паланг[1] тенгиз орасинда, соҳил узра наҳанг[2].

Замона маҳфилидин шодлиқ тамаъ қилма,
Шароби қондин эрур, нағмаси садойи таранг.

Нечунки, оқу қаро кўрсатур куну тундин,
Бу ранг бирла фалак золи айламиш найранг.

Фалакнинг филини ром айламакка хизматга
Қазо ҳилолини чанг этти-ю, қуёшини занг[3].

Рақиб таънасидин кўнглум эҳтироз этмас —
Ки, йўқтур ишқни девонасиға ному нанг[4].

Кўнгулни доғию оҳимни шуъласи бирла
Тузоттим ишқинг Амирига афсару авранг[5].

---

[1] П а л а н г — йўлбарс.
[2] Н а ҳ а н г — балиқ.
[3] З а н г — қўнғироқ.
[4] Н о м у  н а н г — обрў-эътибор, шараф.
[5] А в р а н г — бу ерда: тахт.



* * *

Қоматинг нахлини боғ ичра хиромон эттинг,
Сарв бўйини эгиб, гулни паришон эттинг.

Йиғлаб айлар эди наргис била гул гулшан аро,
Кўрсатиб оразу шабнам киби ҳайрон эттинг.

Бўлди кўнглум қуши булбул киби, кўнглум ичра
То хиром айладинг, эй шўх, гулистон эттинг.

Нечун ўлмайки, мен хастани афгор кўруб,
Ғамзу нозу тағофул ила туғён эттинг.

Гўйиё ишқ биёбонида бағри қорамен —
Лоладек кўнглум аро доғ қўюб, қон эттинг.

Раҳм қил, фикри висол айлаки, юз мен янглиғ —
Умрлардурки, асири ғами ҳижрон эттинг.

Айладинг хаста кўнгул мулкина ғамзангни, Амир,
Лутф айлаб мени маҳжурға, эҳсон эттинг.

* * *

Менга лутфу навозиш[1] бирла, эй дилбар,
карам эттинг,
Сориғ юз узра кўрдунг ашк,
сийму зар карам эттинг.

Хароботи муғон ичра саломат бўлғил, эй соқий,
Халос эттинг хуморим ранжидин,
совар карам эттинг.

Мени дилхастаю маҳзуну нокоминга
сўз қотдинг,
Гадойи даргаҳингга гўйиё гавҳар карам эттинг.

Мени саргашта кўрдинг, зулф ила холингни
кўрсаттинг,
Кўзум мардумларига мушк ила анбар карам
эттинг.

Жигар лахтини кўздин арза қилдим,
бошима урдунг —
Ки, дасторим уза гўёки варди тар[2]
карам эттинг.

Кўнгулнинг тойири лаълинг тилаб кўп
бенаво эрди,
Лабингнинг болидин бу тўтига шаккар
карам эттинг.

---

[1] Навозиш — илтифот.
[2] Варди тар — тоза, янги узилган атиргул.



Санга қул бўлголи муштоқ эди Жамшиду
Искандар,
Бирига тож бердинг, бирига афсар карам эттинг.

Агарчи қобили лутфунг эмасмен,
шукрилиллаҳким[1],
Итоб эттинг менга, эй шўхи сийминбар,
карам эттинг.

Ул ой кулбамга келган чоғда мен бир
бебисот эрдим,
Анго нисор учун, эй кўзларим, гавҳар карам эттинг.

Мурувват зоҳир эттинг, остонинг узра ер бердинг,
Мени бехонумонға мулки Искандар карам эттинг.

Жаҳон шоҳидларин[2] мумтоз қилдинг сарв
ила гулдин,
Гули рухсор бердинг, хатти нилуфар карам эттинг.

Сариғ юз узраким ашким кўруб, эй ишқ султони,
Менга заррин табақда гўйиё гавҳар карам эттинг.

Не қулким хизматинг ихлос ила қилди, Амир, анга
Араб иқлимидин то сарҳади Ховар[3]
карам қилдинг.

---

[1] Шукрилиллаҳ — Худога шукр.
[2] Шоҳид — бу ерда: гўзал, дилбар.
[3] Ховар — Шарқ мамлакати, Хуросон кўзда тутилади.

* * *

Ишқ даштини самуми[1] жонгудоз[2] эрмиш,
ёнинг[3] —
Ким, бу ўтлуғ жода[4] кўп дуру дароз эрмиш, ёнинг.

Эй муҳаббат аҳли, ибрат олғасиз парвонадин,
Ҳосили шамъи вафо сўзу гудоз эрмиш, ёнинг.

Ўртаниng ишқ ўтида гар муддао қаттол эрур,
Шамъ куймак бирла доим сарфароз эрмиш, ёнинг.

Эйки, қилдингиз муҳаббат жодасини ихтиёр,
Бевафоларда вафою меҳр оз эрмиш, ёнинг.

Монеъи мақсуди толибдур ҳаво бирла ғурур —
Ким, бу йўлнинг тўшаси[5] ажзу ниёз эрмиш,
ёнинг.

Кечмангиз гулчеҳралар савдосидин,
эй аҳли зуҳд[6], —
Ким, ҳақиқат раҳбари ишқи мажоз[7] эрмиш,
ёнинг.

Қайсару Фағфуру[8] Доро даргаҳига бормангиз,
Хонлар хони Амири покбоз[9] эрмиш, ёнинг.

---

[1] С а м у м — ҳалокатли иссиқ шамол, гармсел.
[2] Ж о н г у д о з — жонни ўртовчи.
[3] Ё н м о қ — қайтмоқ.
[4] Ж о д а — йўл, катта йўл.
[5] Т ў ш а — озиқ-овқат, йўл озиғи.
[6] А ҳ л и з у ҳ д — зоҳидлар.
[7] И ш қ и м а ж о з — бу дунё ва унинг неъматларига бўлган муҳаббат.
[8] Ф а ғ ф у р — Чин мамлакати шоҳи.
[9] П о к б о з — пок ишқ — сўфиёна ишқ соҳиби.



* * *

Кимниким, золим эрур шўхи ситамкори анинг,
Йўқ ажаб, гар кўкка етса нолаю зори анинг.

Қолгусидур пистаи хандонни оғзи очилиб,
Ғунчадек кулса агар лаъли шакарбори анинг.

Хомаи фикримни дерлар тўтийи ширинмақол,
Лабларинг васфида шаккар тўкти минқори[1]
анинг.

Чарх буниёди йиқилди бошима ҳижрон туни,
Сайли ашкимдин магар нам чекти девори анинг?

Ҳам қадимдин рагларим қатъи тааллуқ[2] айлади,
Чанг янглиғким, узулгай ҳар тараф тори анинг.

Ер лаълидин агар шаҳди ҳаловат[3] истасам,
Қасди жон айлар дамодам икки айёри анинг.

Роҳати жовид эрур новакларинг пайконлари,
Кетмасун ҳаргиз кўнгулдин, ё Раб, озори анинг.

Боғбони даҳр ҳаргиз кўрмади бу боғ аро
Сен киби сарви равонким, бор ики нори анинг.

---

[1] М и н қ о р — қуш тумшуғи.
[2] Қ а т ъ и т а а л л у қ — алоқани узмоқ.
[3] Ш а ҳ д и ҳ а л о в а т — ҳаловат лаззати.

Чекса ошиқ ҳар неча бедод ҳижрон илкидин,
Ғам эмас, гар бўлса сендек ёри ғамхори анинг.

Суҳъ наққоши чекарда оразинг тасвирини,
Эрди хуршид соясидин даври паргори[1] анинг.

Мажлиси ушшоқ аро юз тил била бир кун Амир
Сўзлади шавқи жамолингдин, Худо ёри анинг!

[1] Паргор — циркуль.



* * *

Висолингга кўнгул муштоқ эди, эй ёр,
хуш келдинг!
Кўзум нурини равшан айладинг бисёр,
хуш келдинг!
Хуморим заъфидин бетоб эдим базм ичра,
эй соқий,
Хиромон шишаю соғар тутуб саршор,
хуш келдинг!
Кўнгул боғида ҳар ён доғу оҳим сарв ила гулдур,
Бу гулшан сайрига, эй сарви гулрухсор,
хуш келдинг!

Бу шаклу бу шамойил бирла базми ноз аро кирдинг,
Сиҳиқадларни қилдинг сояи девор, хуш келдинг!

Ҳаини муштоқларға ёр ила фирдавс хаёлидин
Етурдунг мужда, эй товуси хушрафтор,
хуш келдинг!

Камарбанду такаллум зоҳир этти белу оғзингни,
Нисори мақдамингдур барча йўқу бор,
хуш келдинг!

Тун оқшом ёр келтурди менга ташрифи
меҳмонлиқ,
«Рақиб арқосидин келди», — дедим ночор,
хуш келдинг!

Кеча кулбамга пинҳон келди ул маҳваш,
Амир, айдим:
Бу лутфу марҳаматни билмасун ағёр,
хуш келдинг!

* * *

То муяссар бўлмади бир тори мўйи[1] хизматинг,
Етмади Хоқон машоми[2] ичра бўйи хизматинг.

Файзи хизмат ташналаб қулларни сероб айлади,
То қиёмат бўлмасун кам обжўйи[3] хизматинг.

Хизматинг хосияти сармояйи давлат эрур,
Бу жиҳатдин шоҳлар айлар ғулуйи[4] хизматинг.

Хожалиқ даъвисин айлар, мансаби олий тилаб,
Ҳар қулунгда бўлса осори намуди[5] хизматинг.

Хизматингни жон ила айлаб чекармиз ҳойу ҳу[6],
Бошимиздин бўлмасун кам ҳойу ҳуйи хизматинг.

Тожу давлат билмагил Фағфуру Хоқон хизматин,
Чарх онинг бошига қўйди кадуйи[7] хизматинг.

Жисмимизда чок-чок эрди либоси обрў,
Бахя[8] қилди, эй Амир, они руфуйи[9] хизматинг.

---

[1] М ў й — соч.
[2] М а ш о м — димоғ.
[3] О б ж ў й и  х и з м а т — бу ерда кишининг иш-амали олдинга юриши, бахту давлати кам бўлмаслиги маъносида.
[4] Ғ у л у — ғалва, қий-чув.
[5] Н а м у д — кўриниш.
[6] Ҳ о ю  ҳ у — самоъ мажлисларидаги ғайбий муҳитга ишора қиладиган зикр сўзлари.
[7] К а д у — қовоқ.
[8] Б а х я — тўн қирғоғига тикилган жияк.
[9] Р у ф у — бирор буюмни тўқиб ямаш.



* * *

Гул юзунг узра паришон ўлди мушкин кокулинг,
Қилди пинҳон зулмати куфр остина дин кокулинг.

Ҳалқа-ҳалқа сунбули тарму гули сероб уза
Ёки тушмиш оразинг устина чин-чин[1] кокулинг?

Қилдин зулфунгга жамъият учун маскан қилур,
Мутриб кўнглумга бермиш, баски, таскин кокулинг.

Мушки анбар бирла маҳфил узра гул атрин сочар,
То юзунг гулзори ичра бўлди гулчин[2] кокулинг.

Сунбулинг тобини рухсоринг уза тарқатмагил —
Ким, қилур, эй шўхи саркаш, ғорати дин кокулинг.

Йоқир ўлмондек қуёш рухсориға хатти шуоъ[3],
Кўринур ҳуснунг фуруғи[4] бирла заррин кокулинг.

Кўнглуми зулфинг хаёлидин узолмасман, Амир —
Ким, берур сарриштаи[5] фикру мазомин[6] кокулинг.

---

[1] Ч и н - ч и н — жингалак-жингалак.
[2] Г у л ч и н — гул терувчи.
[3] Х а т т и  ш у о ъ — қуёш атрофидан таралган нурли чизиқлар.
[4] Ф у р у ғ — ялтираган ёруғлик, шуъла.
[5] С а р р и ш т а — калаванинг учи.
[6] М а з о м и н — мазмунлар.

* * *

Бодадин то ғунчаи лаълингни хандон этмадинг,
Бизни бехудлиқда мундоғ зору ҳайрон этмадинг.

Дарди ҳажринг менга ўлмакликни душвор
айлади,
Урмадинг бир тиғу бу мушкилни осон этмадинг.

Фурқатингдин, соқиё, махмурмен ҳам хастаҳол,
Бир қадаҳ май бирла бу дардимга дармон
этмадинг.

Қайси мискин ўлмади зулфунг асири, эй пари,
Рўзгорин тийраю кўнглин парипон этмадинг.

Қайси бир бедил асиринг ўлмади, эй ишқким,
Шуҳрайи офоқ[1] этиб, расвойи олам этмадинг.

Очмадинг, эй боғ, қайси ғунча бирла лолаким,
Қўймадинг кўксига доғу бағрини қон этмадинг.

Навбаҳор айёми қайси нахл эди сабз ўлмағон —
Ким, хазон фаслида борин ерга яксон этмадинг.

Бу фано баҳрида, эй гардун, ҳубоби мавждек,
Қайси таъмир[2] ўлмади барбод,
вайрон этмадинг.

---

[1] Ш у ҳ р а й и о ф о қ — ҳамма ёққа машҳур.
[2] Т а ъ м и р — бино, иморат.



Қайси кун ойина сори боқмадинг, эй маҳлиқо,
Бермадинг лаби жамолу элни ҳайрон этмадинг.

Хушксоли[1] ҳуҳд аро лабташна ўлғунг, зоҳидо,
Ичмадинг паймона, соқий бирла паймон
этмадинг.

Деб эдинг, эй шўх: «Ошиқ бўлсанг,
ўлтургум сени!»
Жон нисорингдурки, бу аҳдингни ялғон
этмадинг.

Эй Амир, ишқ ичра ошиқлиғ мусалламдур сенга,
Жонлар кўрдунг парирухлардин,
афғон этмадинг.

---

[1] Х у ш к с о л — қурғоқчилик йили.

* * *

Сунбулингни бош уза, эй шўх, паришон айладинг,
Кўнглуми элтиб, кулаҳ остига пинҳон айладинг.

Гул хижолатдин қизорди, сарв қомат чекмади,
Ноз бирла то гулистон ичра жавлон айладинг.

Маст ўлиб, чиқдинг шароби ноз ичиб,
эй гулъузор[1],
Бизни шабнамдин юзунг меҳрига ҳайрон
айладинг.

Банда бўлдилар санубар бирла сарву гул санга,
Қад чекиб, рухсор очиб то сайри гулзор айладинг.

Жон юзунг ойин кўруб, тошқонида базми висол,
Хўб қилдинг — ғамза тиғи бирла қурбон
айладинг!

Шоми фурқатни ёрутти субҳи васлинг муждаси,
Бу талаттуф[2] бирла рафъи[3] доғи ҳижрон
айладинг.

Софдил ушшоқлардурлар юзунг ойинаси,
Жилва қилдинг ўзгаларга,
бизни ҳайрон айладинг.

Тоза бўлди лабларингдин хаста кўнглим сўзиши,
Бир табассум бирла захмини намакдон айладинг.

Ишқ майдонига мақсад гўйини элттим, Амир,
То бошимни гўй этиб, зулфунгни чавгон айладинг.

[1] Г у л ъ у з о р — гул юзли, гўзал, гулчеҳра.
[2] Т а л а т т у ф — лутф қилиш, марҳамат кўрсатиш.
[3] Р а ф ъ — йўқ қилиш, ўртадан кўтариш.



* * *

Ул чечарман, то эшиттай сарви озодим[1] менинг,
Қумридек беҳуда эрмас оҳу фарёдим менинг.

Ерга таклифи гулшан қилмағил, эй боғбон,
Лолаю гулдин очилмас табъи ношодим менинг.

Тоба айлар одамийға гар яқин бўлса пари,
Айлади Мажнун йироқликда паризодим менинг.

Не қилур Мажнун кўнгул ширинлиқолар
ишқидин —
Ким, бало тоғида сокиндур бу Фарҳодим менинг.

Сайд агар нахчирни[2] сайёд, кўргил, турфаким,
Бўлди жоду кўзларинг нахчири сайёдим менинг.

Ўтлуғ оҳим узра жорий айлади ашким суйин,
Ишқиндур ихтиройи жамъи аздодим менинг.

Ишқ мулкида Амирам, дарду ғамдур ҳашматим[3],
Оҳ бирла нола бўлди адл ила додим[4] менинг.

[1] С а р в и о з о д — тик ва баланд сарв; мажозан: маҳбуба.
[2] Н а х ч и р — ов, ов қилинадиган ҳайвон.
[3] Ҳ а ш м а т — салтанат, шону шавкат.
[4] А д л у д о д — адолатпарварлик.

* * *

Эй, лабинг ҳажрида қондур бодайи нобим менинг,
Чашму рухсоринг хаёлидур хўру хобим менинг.

Қилмагайман сажда ҳаргиз қиблага бош
индуруб,
Бўлмаса ул бут қоши ўтруда меҳробим менинг.

Кеча кўксумни харош эттим — садоси чиқмади,
Не наво соз этгамен бу бўлса мизробим менинг.

Шоҳдек соҳибфирошим такяйи ижод аро,
Баски, гулхан кулларидин бўлди синжобим
менинг.

Ишқ дарёсида сайд эттинг кўнгул моҳисини,
Ҳалқайи занжири зулфунг эрди қуллобим менинг.

Зулфу рухсоринг таманносида, эй оромижон,
Кечаю кундуз мусовийдур[1] табу тобим менинг.

Итлари бирла неча кўйида маъво айладим,
Бўлмадилар воқифи аҳволим аҳбобим менинг.

Эй ситамгар, кўзларим ҳажрингда чандон
йиғлади,
Офият мулкини вайрон этти селобим менинг.

Шўри маҳшар ошкоро айлар эрдим, эй Амир,
Лек ун чекмоққа қўймас поси одобим менинг.

---

[1] М у с о в и й — тенг, баробар.



* * *

Жон аро юз доғ ила кўнглумнинг озорин кўрунг,
Сўнгра онинг хатту лаъли холу рухсорин кўрунг.

Ҳалқаи зулфин тилаб кўнглум қоши меҳробида,
Анкабутедурки[1], онинг чирмагон торин кўрунг.

Кўнглумни банд ўлса, тонг йўқ,
уқдайи[2] ҳар мўйиға,
Бу қаро жон риштасидин зулфининг
торин кўрунг.

Ер белу оқидин сомону[3] сабрим қолмади,
Йўқу боримни совурди, йўқ ила борин кўрунг.

Эй насиҳат аҳли, аччиқ йиғларимға ҳажр аро —
Эътироз этманг, анинг лаъли шакарборин[4]
кўрунг.

Дайр пири қилди туфроғимни саҳбо бирла лой,
Айлади таъмир — бу вайрона деворин кўрунг.

Кофири ишқ ўлди бу девона, бовар этмаса,
Ул бараҳманзодани зулфи ила зуннорин кўрунг.

---

[1] А н к а б у т — ўргимчак.
[2] У қ д а — тугун, чигал.
[3] С о м о н — бу ерда: куч, қувват, ҳол, қудрат.
[4] Ш а к а р б о р — шакар ёғдирувчи.

Гар табассум чоғида латълин ёшурди ул пари,
Бок эмас, анда ики рухсори гулнорин кўрунг.

Бир табассум бирла юз жон олди ул оромижон,
Бир йўли лутф этмади, юз қатла озорин кўрунг.

Ишқ иқлимини тасхир этти иқболим, Амир,
Хисраву Жамшиду Искандарнинг осорин
кўрунг.



* * *

Кўнгулда йўқ малолат, хонумоним бўлса
қурбонинг,
Не армондур менга, жоноки, жоним бўлса
қурбонинг.

Хуш ул соатки, ул наврас[1] ниҳолингни
кўран чоғда,
Кўзум ҳайрон бўлуб, руҳи равоним бўлса
қурбонинг.

Нишону ном маъдум[2] ўлмоғидин зарра
армон йўқ,
Керакдур эмди, эй шоҳи жаҳоним,
бўлса қурбонинг.

Бу жони хастани бир умр танда тарбият эттим,
Керакдур эмди, эй шоҳи жаҳоним,
бўлса қурбонинг.

Умид улдур сенингдек шаҳриёри[3] оламороға
Дили доноу табъи нуктадоним[4]
бўлса қурбонинг.

---

[1] Н а в р а с — ёш, энди ўсиб келаётган.
[2] М а ъ д у м б ў л м о қ — йўқолмоқ, йўқликка кетмоқ.
[3] Ш а ҳ р и ё р — буюк подшоҳ.
[4] Н у к т а д о н — нозикфаҳм, билимдон.

Кўзунг то оразингни ойи устида қирон этти[1],
На хуштур кўнглум, эй соҳибқироним,
бўлса қурбонинг.

Ҳама олам сенинг қурбонинг, эй шоҳи жаҳон,
не тонг,
Менинг ҳам жони зори нотавоним бўлса
қурбонинг.

Равон сўз бирла лаълинг ҳар нафас бир тоза
жон берди,
Не бок эрмиш, агар руҳи равоним бўлса
қурбонинг.

Белу оғзинг гумон бирла яқинимдур,
на хуш ўлдим,
Яқиним бўлса ҳайронинг,
гумоним бўлса қурбонинг.

Ниҳон оғзинг била гар бу эрур пайдо
латофатлар,
Ери бордурки, пайдою ниҳоним бўлса қурбонинг.

Амири мулки дилдурсан, қилурмен хоки пойингга
Агар мулки замину осмоним бўлса қурбонинг.

---

[1] Қ и р о н э т м о қ — яқинлашмоқ, бирлашмоқ. Шарқ мунажжимлари Зуҳра ва Муштарий сайёраларининг ўзаро яқинлашганини қирон буржи деб атаб, бахт-саодат аломати ҳисоблаганлар. Бу бурж остида туғилганлар қайси соҳада бўлмасин, муваффақиятга эришганлар. Чунончи, Искандар, Амир Темур каби жаҳонгирлар қирон буржида туғилганлари учун соҳибқирон деб аталганлар.



* * *

Ҳолимимдин сенга бир сўз ривоят қилди
мижгонинг,
Кўзунг ўлтирди-ю, аммо риоят қилди
мижгонинг.

Хайлинг базмида кўрди кеча кўнглумни қошида,
Кўзунг белодини айтиб, шикоят қилди
мижгонинг.

Кўзунг қилгон жафолардин кўнгулда минг алам
эрди,
Менга ушбу аламларни зиёдат қилди мижгонинг.

Мени ўлтургудек эрди кўзунг мардумлари бори,
Чекиб ҳар ён синон саф-саф ҳимоят қилди
мижгонинг.

Агар қасдинг мени ўлтурмак эрмас эрди,
эй золим,
Дегил, жоду кўзингдин нега сабқат[1]
қилди мижгонинг.

Ики хунхор жоду кўзларингдин жон қутулгайму?
Бу кофирларни қатлимга далолат қилди
мижгонинг.

---

[1] С а б қ а т — илгарилаш, олдинлаш.

Кўзунг кофирлари, жоно, мусулмон бўлмаса,
невчун
Қошинг меҳробини остида тоат қилди
мижгонинг?
Борур эрдим, Амир, арзи дилимни сенга айтурга,
Мурувват бирла қошингта ишорат қилди
мижгонинг.



* * *

Чекти бошимга қиличлар неча мушкин
қошларинг,
Дам бадам қатлим учун зоҳир қилур
кин қошларинг.

Мусҳафи рухсоринг узра баски «Бисмиллаҳ»[1]
эрур,
Бу жиҳатдин айларам юз гуна[2] талқин
қошларинг.

Қатлим айлаб ханжари мижгон ила,
қоним тўкуб,
Эмди чўқ ямо[3] қилурлар офати дин
қошларинг.

Офтоб устидаги қавси қузаҳдурму[4] экан
Ёки айни ҳуснунга тортилди мушкин
қошларинг?

Ортилиб юз устидин юз ранг ила гул тергали
Боғи ҳуснунгга магар хам бўлди гулчин
қошларинг.

---

[1] Б и с м и л л а ҳ — Оллоҳ номи билан. Ҳар бир ният, ибодат ва амалий ҳаракат олдидан айтиладиган оят. «Қуръон»нинг 114 сурасидан 113 таси «Бисмиллаҳ» билан бошланади.
[2] Г у н а — хил, тур.
[3] Я ғ м о — талон-торож, бузғунчилик.
[4] Қ а в с и қ у з а ҳ — осмон камалаги (ёмғирдан кейин чиқади).

Ер аро дафн айлаган тирноқ каби бўлди ҳилол,
То сипеҳри ҳусн узра берди тазмин[1]
қошларинг.

Гаҳ тағофул, гаҳ имо бирла қатл айлаб, Амир,
Мунча ҳам бўлмиш улус қонига зомин
қошларинг.

[1] Т а з м и н — бировнинг кафолатини олиш, ўз паноҳига олиш.



* * *

То сиришким тўкмадинг, лаълингни хандон
қилмадинг,
Ғунчадек озурда кўнглумни тўла қон қилмадинг.

Сунбулинг тобидадур, эй гул, кўнгул жамъияти,
Очмадинг ул зулфким, ҳолим паришон
қилмадинг.

Хусн илидин хўблуқ кўйини элттинг, ҳайфким,
Гўй этиб бошим, хами зулфунгни чавгон
қилмадинг.

Туфроғимни елга бердим ваъдаи васлинг била,
Хўб қилдинг — мубталои доғи ҳижрон
қилмадинг.

Ихтилотингдин тутоштим, ёнғил, эй ҳижрон ўти,
Не туганлар ишқдин кўксумга пинҳон
қилмадинг.

Қайси ер узра хиром эттингки, бу рухсордин
Лаб ила зийнат бериб, рашки гулистон
қилмадинг.

Ҳусн шоҳисен, Амир эрди сенга бир сойиле[1],
Кўз учидин бир нигаҳ, эй шўх, эҳсон қилмадинг.

[1] С о й и л — гадо.

* * *

Гар кўзумдин ғойиб ўлса бир нафас моҳим
менинг,
Куйдирур кўк хирманини шуълаи оҳим менинг.

Мен киму васлин таманно айламак, ҳайҳотким,
Ҳусн иқлимини султони эрур шоҳим менинг.

Зоҳидо, дерсенки, ошиқлиғда мақсудинг надур,
Бўлмағай ишқидин ўзга ҳеч дилхоҳим[1] менинг.

Ёр кўйи итлари хайлиға бўлсам посбон,
Басдурур оламда ушбу давлату жоҳим[2]
менинг.

Баски, ул бадмеҳрни[3] ноз уйқусидин уйғотур,
Кўйидин мардуд[4] этар фарёди нокомим
менинг.

Васл шамъи бирла вайронимни обод этмади
Толеъи ошуфта бирла бахти гумроҳим менинг.

Мен гадои нотавондурман, эшитмайдур Амир,
Ҳаддин ошти бу эшикда шайъанлиллоҳим[5]
менинг.

---

[1] Д и л х о ҳ — дилнинг истаги, кўнгил тортган.
[2] Ж о ҳ — 1) мансаб, мартаба; 2) давлат, бойлик; 3) шон-шавкат.
[3] Б а д м е ҳ р — илтифотсиз, беларво.
[4] М а р д у д — рад этилган, қувилган.
[5] Ш а й ъ а н л и л л о ҳ — Оллоҳ йўлида бир нарса сўраш.



* * *

Шохи гулни синдуран тарфи кулоҳингдур сенинг,
Шона ҳам бир домким, зулфи сиёҳингдур сенинг.

Янги ой бир ҳола[1] ичра кўрмамиш аҳли замон,
Ул муаттар зулфунг ичра икки моҳингдур сенинг.

Хирмани гул узра кўрдум донаи холин, деди:
«Заъфарон янглиғ сориғ рухсори коҳингдур[2]
сенинг».

Дилраболар ичра қилсанг даъвийи дилдорлиғ,
Ишбу мушкин зулф ёнингда гувоҳингдур сенинг.

Ҳусн иқлимини шоҳиким, кўнгул фатҳи учун
Чашму абрўю сафи мижгон сипоҳингдур сенинг.

«Кечалар кимдур,— дединг, — кўйимда афғон
айлагон?»
Ошиқи маълум, яъни додхоҳингдур[3] сенинг.

Ишқ девонида бир мисраъ кўрунди, эй кўнгул,
Дард боғи сарвидур, ё мадди оҳингдур[4] сенинг.

Ёрин жонбахш лаълидин менга бир сўз дединг:
«Эй Амири комрон, Тангри паноҳингдур
сенинг!»

---

[1] Ҳ о л а — ой ва қуёш атрофидаги гардиш.
[2] К о ҳ — сомон.
[3] Д о д х о ҳ — зулмдан шикоят қилувчи, адолат истовчи.
[4] М а д д и о ҳ — узундан-узоқ оҳ тортиш.

* * *

Ёд этиб ул қадду рухсори чаманижодни[1],
Орзу бирла хуш эттим хотири ношодни[2].

Нақш этолмас бу назокат бирла белинг суратин,
Хома гар бўлса кийик мижгонидин Беҳзодни[3].

Айладинг таъмир кўнглим қасрини, чекма қадам,
Гар иморат истар эрсанг бу хароботодни[4].

Бисмил этти то ҳаданги ноз ила кўнглум қушин,
Боғладим фитрокиға[5] ул нозанин сайёдни.

Дард чекмак бобида қайси биридин озмен,
Ишқ аро қилдинг масал Мажнун ила
Фарҳодни.

Манзили мақсад тариқини тай[6] этгайсен, Амир,
Гар бу йўл ичра кўнгил қонидин этсанг зодни[7].

---

[1] Чаманижод — чаманни обод қилувчи.
[2] Ношод — хафа, ғамгин.
[3] Беҳзод — Камолиддин Беҳзод (1455—1535), машҳур рассом, мусаввир.
[4] Хароботод — харобазор, мажозан: дунё.
[5] Фитрок — қанжирға, юк боғлаш учун ишлатиладиган эгарнинг икки ёнидаги тасма.
[6] Тай — босиб ўтиш.
[7] Зод — овқат, озиқ.



* * *

Уқдалар бирла сочинг торин саросар тикмагил,
Риштаи жонимга юз ерда гириҳлар тикмагил.

Дур тиши ҳажрида томди баҳри ашким жоласи —
Ким, деди ул қатрани, эй мавжи гавҳар, тикмагил.

Қалқани анвори ваҳдатнинг[1] узулғон риштасин
Қилмайин тарки таллуқ, эй қаландар[2],
тикмагил,

Номаи сўзи[3] дилим болу парингни куйдирур,
Қўй, қанотингга бу хатни, эй кабутар, тикмагил.

Гар эмас мақсудинг, эй раъно, кўнгул қон
айламак,
Пираҳан жайбига ҳар ён тугмаи зар тикмагил.

Лаҳзае дўшу барингдин[4] сайри маҳтоб
истарам,
Бу неча банди қабони, эй суманбар, тикмагил.

Риштаи тули амал[5] доми раҳи дилдур, Амир,
Узгил ушбу риштани, кўнглингда дигар[6]
тикмагил.

---

[1] Ваҳдат — Оллоҳ таолонинг ягоналиги.
[2] Қаландар — 1) илоҳий ишқ йўлида важд ҳолатига етган дарвеш; 2) вужуд ва қалбини поклаб, ўзини фано ҳолатига етказишга интилган солик; 3) қаландария тариқати аъзоси.
[3] Сўз — куйиш, ёниш.
[4] Дўшу бар — ёнма-ён.
[5] Тули амал — бехуда хаёл, дунёга ҳирс қўйиш.
[6] Дигар — бошқа.

* * *

Ишқ ўтидин гар тани зорим саропо бўлди кул,
Бок эмас, ҳар кимгаким тушти бу савдо бўлди кул.

Оташин лаъли лабинг  соғарни хандон айлагач,
Боданинг жонига ўт тушти-ю, мийно бўлди кул.

Тонг эмас, гар жилвагар бўлса тутун янглиғ
куюн,
Ўтлуғ оҳимнинг шарори бирла саҳро бўлди кул.

Бесару полиғ[1] тилаб, ваҳм эт  ғурур авзоъидин,
Шуъладек  ҳар кимки бош чекти, саропо[2]
бўлди кул.

Ер юзида қатра-қатра кўз ёшимдиндур нужум[3],
Чарх узра барқи оҳимдин Сурайё бўлди кул.

Юзда гулгун ашку оҳимни ғамингдин кўрди боғ,
Дуд чиқди сарвдин, гул куйди, раъно бўлди кул.

Ошиқи девона нетсун қоқиму синжобини —
Ким, анга ишқингда гулхан ичра маъво бўлди кул.

Гулситонға  урди ўт  ул сарвинози кажкулаҳ,
Қумри эрмас, сарвнинг бошида пайдо бўлди кул.

---

[1] Б е с а р у  п о — бошялант, оёқяланг; мажозан: телба, бечора.
[2] С а р о п о — бошдан-оёқ.
[3] Н у ж у м — юлдузлар.



Нечаним солдим назар ул оташинхў[1] ҳусниға,
Дийдаи мижмар[2] киби кўзумда пайдо бўлди кул.

Гулхани ишқ ичра ястанур ахгар[3] киби,
Басни, ишқинг тобидин кўнглумга маъво
бўлди кул.

Равшан эттим ўртамак бирла кўнгул миръотини,
Гўйё ғафлат маризига мудово бўлди кул.

Пана этар чоғда жунуним қилди зоҳидга асар,
Ташлади ўтга ридосини, мусалло[4] бўлди кул.

Сафҳаи рухсор уза хаттинг ҳавосини кўруб,
«Шамсия»[5] куйди ҳасаддин, «Шарҳи мулло»[6]
бўлди кул.

Неча ўтгайсен мени кўргач солиб қошингга чин,
Навбаҳор ўлди чаманда, ғунчалар во бўлди[7], кул.

Ишқ Амирининг сипоҳига дучор ўлди магар,
Мулки Искандар ғубор ўлди-ю, Доро бўлди кул.

---

[1] О т а ш и н х ў — тез хафа бўладиган, тундмижоз.
[2] Д и й д а и  м и ж м а р — хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган идишнинг кўзи, тешиги.
[3] А х г а р — чўғ.
[4] М у с а л л о — намозгоҳ.
[5] «Ш а м с и я» — мадрасаларда ўқитиладиган араб тилидаги мантиқ илмига оид рисола.
[6] «Ш а р ҳ и  м у л л о» — мадрасада ўқитиладиган Абдураҳмон Жомий асари.
[7] В о  б ў л м о қ — очилмоқ.

* * *

Хор тутма пайкаримни, поймолингдур ўшал,
Ҳурмат этким, зарраи меҳри жамолингдур ўшал.

Ёр айди: «Қайси ҳиндудур гулистон саҳнида?»
Айдим: «Эй сийминбадан, юз узра холингдур
ўшал».

Доғи айди: «Офтоб узра бўлурми янги ой?»
Мен дедим: «Рухсор уза мушкин ҳилолингдур
ўшал».

Айдиким: «Қайси алифдур жонда бўлғон
жилвагар?»
Дедим: «Эй сарви равон, раъно ниҳолингдур
ўшал».

Дедим: «Ул мўйи миёнингдурму[1]
ё жон риштаси?»
Деди: «Бу сўз кўнглунга келган хаёлингдур
ўшал».

Деди: «Кўнглунг қайси оҳучашм[2]
саргардонидур?»
Мен дедим: «Оворайи икки ғизолингдур ўшал».

«Телба кўнглунг кимга мойилдур?» — деди,
айдим, Амир:
«Волаи хуршиди ҳусни безаволингдур ўшал».

---

[1] Миён — бел.
[2] Оҳучашм — қора кўз.



* * *

Ёр истарсен, ғами ағёрдин андиша қил,
Қўл узотинг гулға, захми хордин андиша қил.

Қилди Лайли ҳасрати Мажнунни расвои жаҳон,
Ишқ муҳлик дард эрур, мен зордин андиша қил.

Васлидин дам урма, эй ошиқ, агар Мансурсен,
Ишқнинг асрори «анал ҳақ», дордин андиша қил.

Ки кўнгул озоридин бўлди жаҳон зеру забар[1],
Кўп дилозор ўлма, Гирудордин[2] андиша қил.

Ишқни маълум кўп золимни дилреш[3] айлади,
Эй ситамгар, бу дили афгордин андиша қил.

Эйки, бордур жавр — ишинг,
зулму ситам қилмоқ — фанинг,
Элга кўп қаҳр айлама, Қаҳҳордин[4]
андиша қил.

Эй кўнгул, якбора ошиқлик сори майл айлама,
Ул жафожў[5], шўхи дилозордин андиша қил.

Ул пари ишқида зору нотавон бўлдум, Амир,
Бўлмагил ошиқ, мени бемордин андиша қил.

---

[1] Зеру забар — остин-устун, нотинч.
[2] Гирудор — ҳукмдор, ҳукмфармо.
[3] Дилреш — дили чок бўлган.
[4] Қаҳҳор — Оллоҳнинг исм — сифатларидан бири: барчани бўйсундирувчи, ғолиб.
[5] Жафожў — жафо истовчи.

* * *

Лаб уюр такаллумға, зулфни паришон қил!
Қанд қийматин синдур, нархи анбар арзон қил!

Ҳусн шоҳисен, жоно, бу ҳазин гадоларга,
Кўз учи била боқиб, хайр айла, эҳсон қил!

Ишқ динига мункир бўлса зоҳиди худбин,
Эй санам, лиқо кўрсат — габрни[1] мусулмон қил!

Эҳтисоб учун зоҳид кирса дайр аро, соқий,
Бир қадаҳ била онинг зуҳдидин пушаймон қил!

Истасанг кўнгулларни ғамза ёйига қурбон,
Қошларинг ҳилолини моҳи ийди қурбон[2] қил!

Шўхчашму[3] навхатсан, ноз даштида сайр эт,
Гарди хоки пойингни сурмайи Сулаймон қил!

Ёр лаълидин ҳарфе[4] айладим, Амир, иншо,
Эй кўнгул, бу гавҳарни жон ичинда пинҳон қил!

---

[1] Габр — динсиз, кофир.

[2] Моҳи ийди қурбон — қурбон ҳайитининг ойи. Маълумки, қурбон ҳайити тақвим бўйича зулҳижжа ойининг 10-кунига тўғри келади. Бу пайтда ой ярим доира шаклини олган бўлади. Бу ерда у маъшуқа қошига нисбат берилмоқда.

[3] Шўхчашм — шўх боқувчи, кўзи ўйнаган, ишвагар маҳбуба.

[4] Ҳарф — сўз.



* * *

Нега мунча сиёҳдур кокул?
Магарам дуди оҳдур кокул?

Ҳалқаи зулфидин кўрунди юзи,
Ҳолаи бадри[1] моҳдур кокул.

Ҳусн иқболини ёшурмоқ учун
Тоқи зери[2] кулоҳдур кокул.

Ҳийлаи қатл этар холу хати,
Инни золим гувоҳдур кокул.

Кишвари ҳуснинг Амиридур,
Салтанатдастгоҳдур[3] кокул.

---

[1] Бадр — тўлин ой, ўн тўрт кунлик ой.

[2] Зер — ост, таг.

[3] Салтанатдастгоҳ — ҳукм қилувчи, фармонраво.

* * *

Бу ойини жафони кофиристондин[1]
тамошо қил,
Тариқи қон тўкарни номусулмондин тамошо
қил.
Тавофи кўҳи Туру[2], водийи Айман[3]
на ҳожатдур?
Тажаллий ламъасин рухсори жонондин тамошо
қил!

Элингта[4] кўзгу олгонда, ўлурман рашкдин,
эй шўх,
Юзунг тимсолини бу чашми ҳайрондин тамошо
қил.

Сабо, огаҳ эмассан хотири ноподдин гўё,
Дили безабтни зулфи паришондин тамошо қил.

Вафо ойинида йўқдур дам урмак ошиқи зора,
Хадангинг ўқини бу жисми урёндин тамошо қил.

Агарчи Лайлининг кўйида бир итча эмас қадри,
Шукуҳи Қайсни дашту биёбондин тамошо қил.

---

[1] Кофиристон — кофирлар мамлакати.
[2] Тур — Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга жамолини намоён қилган Арабистондаги тоғ номи.
[3] Айман — Арабистондаги Мажнун ватан тутган биёбон.
[4] Эл (Ал) — қўл.



Агар, эр бўлса кўнглунгда таманнойи ғазо
қилмоқ[1],
Бу майдон шевасини Шоҳимардондин[2]
тамошо қил.

---

[1] Ғазо қилмоқ — Ҳақ йўлида жанг қилмоқ.
[2] Шоҳимардон — Ҳазрат Али.

* * *

Оразиға қилди зулфин ул суманбар доли гул[1],
Шукрким, бўлди менга эмди муяссар доли гул.

Зулфидек долу юзи янглиғ гулистон кўрмадим,
Гарчи кўрмишмен бу гулшан ичра аксар доли
гул.

Бок эмас, гар дилнишин[2] ўлса муҳаббат
аҳлига,
Баски, тушти лаълига хатти муанбар доли гул.

Тонг эмас, қоши қиличи бирла қатл этса мени,
Баски, тушмиш ханжари нозига жавҳар
доли гул.

Ишқ Амири ҳусн султонига таъбият[3] этар,
Қилса гар рухсорига зулфини дилбар доли гул.

[1] Д о л и г у л — рўмолча, белбоғ каби буюмларга тикилган нақшли безак.
[2] Д и л н и ш и н — дилўртар, дилрабо.
[3] Т а ъ б и я т — бўйсуниш, тобеъ бўлиш.



* * *

Эрур хокий таним йўлингда помол,
Бошимга сарв қаддинг соясин сол.

Қаду зулфу юзунгнинг ҳасратидин
Эрурмен волаю ҳайрон маҳу сол[1].

Деким: «Зулфунг аёғингга тушибдур».
Деди: «Шамшод остида эрур дол».

Деким: «Лаъл остида гавҳардур оё?»
Деди: «Майгун лабим даврида табхол».

[illegible], бу қариларга вафо қил,
Ажойиб бевафодур бу кўҳан зол.

Малоҳат гулшанисан, эй гуландом,
Сочинг — сунбул, хатинг — сабза, юзунг — ол.

Санубарнинг қаддинга нисбати йўқ,
Нечунким, сарв бирла тенг эмас тол.

[illegible] жавру бедодинг ўқидин
Мушаббак[2] ўлди кўксим мисли ғарбол[3].

Амири ҳусн эрурсан, эй парирў,
Карам қил, бу гадолардин дуо ол.

[1] М а ҳ у с о л — ою йил.
[2] М у ш а б б а к — бу ерда: илма-тешик.
[3] Ғ а р б о л — ғалвир.

* * *

Хатинг — райҳони жаннат, оразинг — гул,
Сочинг — ул гулнинг атрофида булбул.

Фироқинг саъбу ҳижронинг балодур,
Қилиб бўлмас анга сабру таҳаммул.

Кеча кўйинг аро фарёд қилдим —
Ки, тушти итларинг хайлига ғулғул[1].

Юзунг кўрганда нолам, тонг эмастур,
Фиғон айлар гулистон ичра булбул.

Эрурсан ишқ мулкининг Амири,
Висолингдур менга тахти тажаммул[2].

[1] Ғулғул — ғулғула, шовқин-сурон.
[2] Тажаммул — безак, зийнат, пардоз.



* * *

Оразингни кўрубон тарки гул этти булбул,
Шамъи рухсорига парвона эрур жону кўнгул.

Қади мавзунига шамшоду суманбар икови
Бири шоҳинг эрур, ул бирисидур санга қул.

Базм аро хуш ярашур бўлса агар шоҳиду май,
Наю барбат[1] ила сетору[2] садойи «қул-қул»[3].

Хатти сабзига бинафша қилиб эркан даъво,
[illegible] боғ ичида солди анинг бўйнига ғул[4].

Боғ сайри менга ҳожат эмас ким, кўрсам ани,
Юзи гулдур, қади шамшоду сочидур сунбул.

[illegible] бўлмоғи ошиқлара мумкин йўқдур,
[illegible] уйруладур[5] шавқ ила зулфу кокул.

Соқий, бўлди яна ҳусну латофат боғи,
Тоби майдин очилур икки узоринг гул-гул.

Соқий, шишани келтурки, эрур даври Амир,
Бўлди рағью яна гул чоғида паймонада мул[6].

[1] Барбат — мусиқа асбоби (ўрдак шаклида ясалган).
[2] Сетор — торли мусиқа асбоби.
[3] «Қул-қул» — майнинг шиша оғзидан тушишдаги овоз; айт-айт, гапир-гапир.
[4] Ғул — занжир, ҳалқа, кишан.
[5] Уйрулмоқ — айланмоқ, ўргилмоқ.
[6] Мул — шароб.

* * *

Очилмас гулшани имконда ҳаргиз сен киби
бир гул,
Биҳамдиллаҳки, бу гулнинг аниси
мен киби булбул.

Сочинг савдоси бирла азм қилсам гар адам сори,
Гиёҳ ўрнига бўлғай туфроғимдин хўшайи
сунбул.

Юзунг шамъини дуди бўлмаса гар ул қаро
сочинг,
Нечун парвонадек ўргулди бошинг узра ул
кокул?

Букун фасли рабиъ[1] эрмиш, менга тут бода,
эй соқий,
Баҳор айёмида хуштур садойи нағмаи қул-қул.

[1] Ф а с л и  р а б е ъ — баҳор мавсуми.



Юзу кўзунгни ҳифзи-чун эрур хат бирла
мижгонинг —
Ки, шоҳнинг расмдур лашкарнинг атрофида
чиндовул[1].

Амир ашъорига Руму Хито таҳсин ила айтур,
Ажабмудур Фарангистон эли,
бал кишвари Кобул.

[1] Ч и н д о в у л — қўшиннинг орқасида юрадиган соқчи отряд.

* * *

Менки бир гул фурқатидин бўлмишам зору заиф,
То десам дарди дили афгорни, йўқтур ҳариф[1].

Сабр ўлуб ноқис[2], музоаф[3] бўлди шавқим
ишқ аро,
Мултавиймен[4] ул бути Лайли мисол ўлмиш
лафиф[5].

Юз фиғонким, ул пари бирла чиқишмас
суҳбатим,
Мен эрурман ошиқи мажнуни ул шўхи зариф[6].

Йўқ ажаб, гар ерга тушмас сарви қаддинг
сояси —
Ким, эрур руҳи мусаввар[7] янглиғ ул жисми
латиф.

Икки зулфинг мисраи васфини шарҳ
этти Амир —
Ким, баробар тушти анда қофия бирла радиф.

---

[1] Ҳ а р и ф — дўст, ҳамдам.
[2] Н о қ и с — нуқсонли, қусурли.
[3] М у з о а ф — икки баробар.
[4] М у л т а в и (й) — гирифтор, овора.
[5] Л а ф и ф — 1) ўзи билан ўзи овора; 2) ҳамроҳ, ҳамсуҳбат.
[6] З а р и ф — зарофатли, гўзал.
[7] М у с а в в а р — сурати чизилган.



* * *

[illegible] кўрдум — руҳи дилдора
ўхшаттим,
[illegible][1] кўргач аксини,
мен ёра ўхшаттим.

Юзини гулга ташбиҳ айладим, зулфини сунбулга,
Қадининг жилвасин товуси хушрафтора
ўхшаттим.

Юзунг май тобидин гулгун кўруб,
беихтиёр ўлдум,
Қилиб гул даврида мижгонларингни
хора ўхшаттим.

Кўруб ул ойнинг зебо суратини, қолмади ҳушим,
Ўзумни бу жиҳатдин сурати девора ўхшаттим.

Хати [illegible] учун икки қаро зулфи тузоғ эрди,
[illegible] сафосин боға тушган қора ўхшаттим.

Лабингнинг бодаси жонбахш эрди
оби ҳайвондек,
Ғалат қилдим, мани мен соғари саршора
ўхшаттим.

Хито мушки била гулшандаги сунбулни
кўргач, мен —
Хито қилдимки, хатту зулфин анбарбора
ўхшаттим.

---

[1] [illegible] — ичида.

Юзу қаддини кўргон чоғда сарву гул дедим они,
Ики зулфин баногўшида кўргач, мора[1]
ўхшаттим.

Ҳумоюнфол[2] эди олам аро Руҳ ул-амин[3]
ваҳйи[4],
Амир абётини кўрганда бу гуфтора ўхшаттим.

¹ М о р — илон.
² Ҳ у м о ю н ф о л — келажаги қутлуғ, бахтли.
³ Р у ҳ  у л - а м и н — Жаброил алайҳиссалом.
⁴ В а ҳ и й — Худонинг илоҳий хабари.



* * *

Нечук ўлмайин, жононим киби жонимни
соғиндим,
Бу гулшан ичра ул сарви хиромонимни соғиндим.

Ғариб бўлмаймукин бу чарх золи васлига, ё Раб,
Нўрий деб Юсуфимни, пири Канъонимни[1]
соғиндим.

Мунсар бўлмади бу заррага васлинг қуёшиким,
Фироқинг шоми ичра моҳи тобонимни
соғиндим.

Агарчи мўр[2] янглиғ заъфдин чўқ
нотавондурмен,
Низомат кишвари ичра Сулаймонимни
соғиндим.

Юзин кўргач, бўлур эрди кўзум ҳуснига маҳв[3]
андоқ —
Ким, ул кўзгу аро бу чашми ҳайронимни
соғиндим.

Паришон этти сочи шонадек кўнглум ҳавосини,
Нетайин, кунча янглиғ жамъи сомонимни
соғиндим.

¹ П и р и  К а н ъ о н — Юсуф алайҳиссаломнинг отаси Яъқуб алайҳиссалом.
² М ў р — чумоли.
³ М а ҳ в — йўқолиш, йўқотиш.

Хату зулфунгни савдосида дермиш нотавон
кўнглим:
Хито бирла Хўтанда хону хоқонимни соғиндим.

Кириб бўстонга, ҳаргиз кўрмадим бир нахл
онингдек,
Юзи гул, сарвқад, зулфи паришонимни
соғиндим.

Агарчанди Амири вақтмен бу эски дайр ичра,
Муҳаббат кишвари устида султонимни соғиндим.



* * *

Малоҳат ичида хуршидрухсоримни ёд эттим,
Қамарсиймо, париваш, сиймбар ёримни ёд эттим.

Кўнгул ойинасидин зоҳир ўлди ранги тимсоли-
Ким, ул рухсори кўзгу, хатти зангоримни ёд эттим.

Кеча кўрдим қамар даврида анжумлар ўти,
андин
Нигорим кўйида ашки шарарборимни[1]
ёд эттим.

Кўнгул қони чамanпардозу ашким бодаранг ўлди,
Ҳамоним, ул юзи гул, кўзи хумморимни ёд эттим.

Ҳадиси хулд[2] ила ҳолим паришон этма,
эй воиз —
Ки, мен ул дилбари фирдавсдийдоримни ёд эттим.

Ўтарди ҳар кеча ҳолим сўраб ул моҳи
шабгардим[3],
Бу тун ғам кулбасида ёри ғамхоримни ёд эттим.

Тажаллий нурин этти ошкоро ламъайи оҳим,
Нечаким, ул бути хуршидрухсоримни ёд эттим.

---

[1] Ш а р а р б о р — ўтли, оташ ёғдирувчи.
[2] Х у л д — 1) абадийлик; 2) жаннат.
[3] Ш а б г а р д — тунда кезувчи; мажозан: ой.

Туганлар зулматидин узв-узвим лолазор ўлди —
Ки, гулшан ичра ул товусрафторимни ёд эттим.

Кўп эрди кўнглум ичра дарди ишқу сабр
нопайдо,
Мени бедил Амир ул йўқ ила боримни ёд эттим.



* * *

Тараҳҳум айла васл айёмида, хуршидрахшоним[1],
Ки, ғайри оразингдур ғам тунида моҳи тобоним.

Мени сармаст қилди лутф бирла бодаошомим[2],
Нечук, бўлмағай ошуфта бу маҳфилда сомоним.

Лаби жонбахш бирла хатти сабзинг Исию
Хизрим,
Юзу зулфингни кўргон чоғда дерман куфру
иймоним.

Лаби жў[3] уза ҳар шамшод бир ангушти
ҳайратдур[4],
Магар нирмин гулистон ичра ул сарви
хиромоним.

Лабингдин бўса истар бу гадо кўнглум,
ажаб эрмас —
Ки, фарзи айн[5] эрур бир бор гувоҳи ҳусни
султоним.

Магар мушкин сочингнинг накҳатин элтти
сабо ҳар ён,

---

[1] Хуршидрахшон — қуёш юзли, равшан чеҳрали.
[2] Бодаошом — бода ичувчи.
[3] Жў — ариқ, жилға.
[4] Ангушти ҳайрат — ҳайрат бармоғи.
[5] Фарзи айн — бажарилиши шарт бўлган амаллар.

8-4915

Хито бирла Хўтан мулкин паришон қилди
Хоқоним,
Агарчанди Амири оламу султони давронмен,
Тараҳҳум айла васл айёмида, хуршидрахшоним.



* * *

Латофат гулшанининг зеббахшидур[1] гуландомим,
Анинг ишқида булбулдек наво чекмак эрур
комим.

Қулоғи бори гавҳардин гарондур[2],
нола суд этмас,
На имкондур анга боди сабо еткурса пайғомим.

Юзидин айланиб гул, сарв бош қўйғай аёғига,
Хиромон ўлса гулшан сори гар ул сарви
гулфомим[3].

Сочин сунбулу зулфу баногўши фироқида,
Мубаддал[4] бўлди субҳи айш бирла
зулмати шомим.

Оқарди интизорингдин кўзум,
кулбам сори келким,
Тузиб хони[5] висолингни муқашшар[6]
бўлди бодомим.

Алиф эрмас, агар мусҳаф десам ҳуснунг
китобини,
Бўлур аҳбоб хайлиға карам базмида инъомим.

Амири мулки ишқам, ройгондур гавҳари ашким,
Жамолинг сураи «Юсуф», қаду зулфунг
«Алиф лом»им.

---

[1] Зеббахш — зеб берувчи, зийнат бағишловчи.
[2] Гарон — оғир, вазмин.
[3] Гулфом — гулранг, қизил; гўзал.
[4] Мубаддал — алмашган.
[5] Хон — дастурхон.
[6] Муқашшар — пўсти арчилган.

* * *

Барги гул этар ёрнинг рухсорига таслим!
Ҳам сарв қилур қомати рафторига таслим!

Лаълу юзи бирла кўзи кўрган киши қилмиш
Шафтолию бодому гули норига таслим!

Соя каби хуршидға бўлғонда муқобил,
Ойина қилур талъати дийдорига таслим!

Рухсори уза зулфини кўргач, деди кўнглим:
«Гул хирманининг устидаги норига таслим!»

Гар кўрса Хито оҳуси саршорлиғида,
Айлар эди ул наргиси хуммориға таслим!

Рухсор ила мижгонини кўрган киши айтур:
«Бу гулга муносиб ярашур хорига таслим!»

Ҳар сайдки, бир дом асири эди, қилди
Зулфини тузоғини гирифторига таслим!

Бир меҳрлиқо оразига мунтазир эрдим,
Хуршид кўриб айди: «Анинг ёрига таслим!»

Кимдурки, Амир олдида сўз лофини урса,
Дарё ҳам этар гавҳари ашъорига таслим!



* * *

Қоматингдек боғ аро сарву санубар кўрмадим,
Чарх авжида юзунгдек моҳи анвар кўрмадим.

Гарчи кўрдим гулшани ҳусн ичра раъно
жилвалар,
Сен каби сарви гуландому суманбар кўрмадим.

Қомату хатту кўзу зулфунг каби даврон аро
Ҳеч сарву наргису райҳону анбар кўрмадим.

Кокилу зулфунгни бир-бир сайр этиб, айди сабо:
«Даҳр бўстонида андоқ сунбули тар кўрмадим».

Жилва бер гулшан аро, қаддингким,
у мумтоз эрур,
Бир ниҳолни қоматинг бирла баробар
кўрмадим.

Найлайин ул умриким, ўтса жонондин йироқ,
Ҳеч эмас, сенсиз жаҳон гулзорини гар кўрмадим.

Топмадим ёқути лаълингни ақиқи нобдек,
Дур тишингдек даҳр бозорида гавҳар кўрмадим.

Гарчи кўп чектим ситампарвар санамлар
жаврини,
Бир сенингдек золиму шўхи ситамгар кўрмадим.

Айладим назора девони шаҳодат саҳфасин,
Киприкингдек қон тўкарға ҳеч ханжар
кўрмадим.

Тўкти килки гавҳарафшонинг гуҳарлар, эй Амир,
Ҳеч олим шоҳини сендек суханвар кўрмадим.

* * *

Фиғонким, бўлди ул номеҳрибон мендин жудо
кам-кам,
Элимдин айлади домони васлини раҳо[1]
кам-кам.

Неча саргаштадур хоки тани ишқинг ҳавосида,
Етар хуршидга бу зарраи бедасту по[2] кам-кам.

Жамолинг ҳасратидин чарх авжида эрур оҳим,
Ниҳолеким, баҳор имдодидин топмиш намо[3]
кам-кам.

Ниёзу ноз мезонида бўлғайму баробарким,
Сен айларсан жафо кўп-кўп, мен айларман дуо
кам-кам.

Вафою меҳр таркин айладинг оҳиста-оҳиста —
Ки, бўлдинг оқибат бегоналарга ошно кам-кам.

Сабо, ҳар гоҳ ул сарви равоним кўйидин
келсанг,
Ғубори роҳидин келтур кўзумга тўтиё кам-кам.

Лабинг ҳажрида ранжур ўлмоқ ошиқ
мустаманд[4] ўлмас,
Топар суҳбат, агар қилса бағир қонин
ғизо кам-кам.

---

[1] Р а ҳ о — озод, халос.
[2] Б е д а с т у п о — қўл-оёқсиз, пўноқ, лапдовур.
[3] Н а м о — кўриниш, ўсиш.
[4] М у с т а м а н д — ғамли, қайғули.



Кўзим тунлар қилурман ёр ўтлиғ оразин васфин,
[illegible] янглиғ бўлғуси оташнаво
кам-кам.

Агар тавфиқ нақди дастгоҳим ўлса, айларман —
[illegible] салтанат тарфида тарки мосиво[1]
кам-кам.

[illegible] кайфияти ҳар лаҳза майли иштидод[2]
айлар —
Ки, бўлмиш макс[3] ила май нашъаси зўрозмо[4]
кам-кам.

Ғуур тифли сиришким дам-бадам афтодалик
дарсин —
Ки, бўлғай гарди роҳинг сатрина ҳарф ошно
кам-кам.

Агар илгимга тушса ҳалқаи гисуйи пуртоби,
Мусаххардур менга Кашмир ила Чину Хито
кам-кам.

---

[1] М о с и в о — айрилган, жудо бўлган.
[2] И ш т и д о д — шиддат, қаттиқлик.
[3] М а к с — тўхталиш, туриб қолиш.
[4] З ў р о з м о — кучни синаш, иқтидорни имтиҳон қилиш.

* * *

Кўзумдин то ниҳондур оғзингу зулфунг
саводи ҳам,
Маконим ўлди саҳро, бошима уйрулди води(й)
ҳам.

Уюрдинг лабни сўзга, минг туман ўлганни
тиргуздинг,
Кўзунг юз ғамза бирла қатлима берди
мунодий(й)[1] ҳам.

Дединг: «Ханжар чекиб, этгум шаҳид ушшоқ
аҳлини!»
Шаҳодат истаган ошиқларинг бўлди
муроди ҳам.

Сенинг султонлиғинг афтодалар
ҳолин сўрган-чун,
Етишти ҳар тарафдин бу гадолар оҳу доди ҳам.

Кўзунг бирлан мижанг таҳриридин ҳайратда
шақ бўлди[2],
Қаро тиллик қалам бирла давоти[3], бал[4]
мидоди[5] ҳам.

---

[1] Мунодий — хабарчи, жарчи.
[2] Шақ бўлди — ёрилди, иккига ажралди.
[3] Давот — сиёҳдон.
[4] Бал — балки, эҳтимол, ҳаттоки.
[5] Мидод — қалам, ручка.



Раҳи мақсуд агар масдуд[1] эрур,
узма умид андин,
Юзунгга бу ишинг богланса,
пайдодур кушоди[2] ҳам.

Келиб найронама ул нозанин ўлтурмайин кетти,
Ушал соатда истиқболин эттим хайрбоди[3] ҳам.

Етишти то паёми васли дил ширинщамойилдин,
Лабимга кулгу зоҳир бўлди,
кўзга ашки шоди(й)[4] ҳам,

Аҳири ҳуснидин ҳар нечаким аҳди вафо кўрсанг,
Ишонма ушбу сўзга, қилма анга эътимоди[5] ҳам.

---

[1] Масдуд — тўсилган, чекланган.
[2] Кушод — очиқ, очилиш.
[3] Хайрбод — хайрлашиш.
[4] Ашки шодий — қувонч ёшлари.
[5] Эътимод — суяниш, ишониш.

* * *

Кечаким, базм ичра бир моҳи мунаввар кўрмадим,
Тийралиғдин кўз қароси ичра гавҳар кўрмадим.

Бир боқиш бирла нигорим олди кўнглум кишварин,
Ҳеч олам шаҳсуворин мунча сафдар[1] кўрмадим.

Тердин ўзга орази гулфоми ичра жоладек[2],
Ҳеч кавкабни[3] қуёш узра мусаввар[4] кўрмадим.

Бўлмасун бир лаҳза олам гирудори сенсизин,
Адл аро сендек Сикандар бирла Санжар[5] кўрмадим.

То қадам қўйдим тариқи фақра ишқ ичра, Амир,
Мулки оламда ўзумдек бир қаландар кўрмадим.

[1] Сафдар — ботир, жасур.
[2] Жола — 1) шабнам, шудринг; 2) дўл, жала; 3) кўз ёши.
[3] Кавкаб — юлдуз.
[4] Мусаввар — тасвирланган, гавдаланган, намоён.
[5] Санжар — салжуқийлар сулоласининг 8-ҳукмдори Султон Санжар (1118—1157).



* * *

Мени ул рухсори нурафзоя[1] ошиқ бўлмишам,
Зарра янглиғ бир қуёшсиймоя ошиқ бўлмишам.

[illegible] ёқутлаб, нутқи Масиҳодин нишон,
Табъи вораста[2] жавон мирзоя ошиқ бўлмишам.

[illegible] тимсолидин олмас илгига мирьотни,
Найлайин мен, баски, беҳамтоя[3] ошиқ бўлмишам.

[illegible] оғуни васла заррадек меҳр айлабон,
Орази хуршид, маҳсиймоя ошиқ бўлмишам.

Гар бор эр этса оҳим мунфаил Исо дамин,
Бўйлаким[4], ул лаъли руҳафзоя[5] ошиқ бўлмишам.

Гар гулистон ўлса кўнглим ғунчасидин, тонг эмас —
Ким, ўшал ҳусни чаманпироя[6] ошиқ ўлмишам.

Ҳусн Амиридур муҳаббат аҳлини қатл этгучи,
Бемурувват шўхи бепарвоя ошиқ ўлмишам.

[1] Нурафзо — нурли, порлоқ.
[2] Табъи вораста — эркин, озод табиатли. Бу ерда: [illegible]
[3] Беҳамто — ўхшаши йўқ, мислсиз.
[4] Бўйла — бу каби, бу хил, шунчалик.
[5] Руҳафзо — жон берувчи, руҳ берувчи.
[6] Чаманпиро — чаманга ҳусн берувчи.

* * *

Ошиқ ўлсам, сен киби дилбарни ёр айлай бу кун,
Ишқ аро Фарҳод ила Мажнундин ор айлай
бу кун.

Гул юзунгга сунбули зулфунг бериб юз печу тоб,
Деди: «Эй Мажнун, сенга фасли баҳор айлай
бу кун!»

Бу умид илги билан домони нозин туттали
Шаҳсуворим йўлига жисмим ғубор айлай бу кун.

Ақл маньъ айлар, жунун туғён этар юз кўргали,
Бул иковин элтиб, ул ёра дучор айлай бу кун.

Кўйида мен телба не ҳайрону саргардон, Амир,
Шўхлуғ бирла деди: «Тарки ниқор[1]
айлай бу кун».

[1] Ниқор — мухолифат, гина, ихтилоф.



* * *

Жилва қил, гулшанда то шамшод зеболанмасун,
Арзи рухсор айлагил, боғ ичра раъноланмасун.

Гул очар ул лаъли хандон нутқи гавҳарбор[1]
ила,
[illegible] бордур юз тили, гулғунча гўёланмасун.

[illegible] кўнглум учраса, тош отмангиз, эй шўхлар,
То жунун кўйида бу девона расволанмасун.

[illegible] жавру зулмидин агар дод айласам,
[illegible] чин қош узраким, бедод ўқи ёланмасун[2].

Урма дам чини сари зулфидин, эй боди сабо,
[illegible] савдолар тушуб, бозор ғавғоланмасун.

[illegible] раъно қад ила, эй гул, хиром эт боғ аро,
Сарв то қаддинга ноз айлаб, таманноланмасун.

Кўйида тан мулки Амири ишқ истиғносидин,
[illegible] кишини мендек муҳаббат ўтиға қоланмасун.

[1] Гавҳарбор — гавҳар сочувчи.
[2] Ёланмасун — ёйланмасин, камонга ўхшаб ўқ отмасин.

* * *

Кўнгулким, ғам туни ҳоли паришондур,
нечук қилсун?
Иши то субҳидам фарёду афғондур,
нечук қилсун?

Иложи йўқ ҳазин ўлмоқдин ўзга зор
кўнглумнинг,
Аниси[1] дарду ғам, андуҳу ҳирмондур[2],
нечук қилсун?

Юрогим таън ўқи бирлан мушаббак
бўлмаюб нетсун,
Дамо-дам мубталойи тийғи ҳижрондур
нечук қилсун?

Дема зоҳидлара таън, уйлаким,
меҳробдин чиқмас,
Сужуд аҳлига[3] қошинг тийғи урёндур,
нечук қилсун?

Асири ишқ гулшан сайри бирла табъи очилмас,
Лабингдин хаста кўнглум лоладек қондур,
нечук қилсун?

Таҳаммул қилди жон кўнглумни шўри
можаросига,
Амири ҳуси бу мулк ичра султондур,
нечук қилсун?

---

[1] А н и с — меҳрибон, дўст.
[2] Ҳ и р м о н — маҳрумлик, бенасиблик.
[3] С у ж у д   а ҳ л и — сажда қилувчилар, намозхонлар.



* * *

Эй, тағофул бирла мени дилхастани шайдо қилан,
Бир боқишдин кўзгу рухсорин чамансиймо
қилан.

Ашкимни рангин кўруб, қонлу ёшим оқса,
не айб?
Бу бағир хунобн бирла илгини барно қилан.

Шамъдек бошдин кечар, парвона янглиғ ўртанур,
Маҳфили даҳр ичра ишқ асрорини ифшо[1]
қилан.

Дўнмадур иймонидин, чиқмангки, ул кофир,
кўруб,
Ўз қаролари била дин аҳлига савдо қилан.

Ишқ аҳлидин мени маҳзунни мумтоз айлади,
Хўблар ичра сенинг ҳуснунгни мустасно[2]
қилан.

Ё Расулуллоҳ, мурувватлиғ Амиримсен менинг,
Сенсан, эй султон, бу қулни барчадин аъло қилан.

---

[1] И ф ш о   қ и л м о қ — ошкор этмоқ.
[2] М у с т а с н о — бу ерда: мумтоз.

* * *

Қадди шабиҳи[1] сарв эмас, жаннатда бўлган
нордан,
Рухсори гулнорий[2] эрур, оғзи анинг сирри алан[3].

Юз шукрким, бу хилъати шаҳликни кийгузди
менга,
Тож ила тахт ўлди насиб аз илтифоти
зулминан[4].

Сарв ила гулни кўрмадим ҳаргиз хиромон
боғ аро,
Қилмас баробарлик сенга юрганда товуси чаман.

Қадду лабингга жону дил қумрию тўтидек эрур,
Ул гулшани рухсор уза холу хатинг зоғу заған[5].

Зулфунгни атрин тебратиб, шодоб ўлуб май
суйидин,
Ногоҳ ташриф айласанг, кулбам бўлур мушки
Хўтан.

Ҳушу хираднинг нақдини олдинг жунун
бозорида,
Барча парирухсоралар оллингда гўё аҳраман[6].

---

[1] Шабиҳ — ўхшаш, монанд.
[2] Гулнорий — қизил.
[3] Алан — очиқ-ойдин, ошкор.
[4] Аз илтифоти зулминан — яхшилик ва эҳсонлар эгаси — Худонинг илтифоти билан.
[5] Зоғу заған — қарға-қузғун.
[6] Аҳраман — дев, шайтон.



Хатту қаду юзунг била ногаҳ хиромон айласанг,
Ҳар ён қочар гулшан аро райҳон ила сарву
суман.

Қўйди бошини саждага, бўлди шафеъ умматлара,
Қўйди муборак хирқани эгнига ул Вайс
ул-Қаран[1].

Равзаи Эрамдур[2] хилвати, базм айлади
гулшан аро,
Парвона бўлди фохта[3], сарв ўлди шамъи
анжуман.

Дийдорсиз дунё билан уқбо[4] муяссар
бўлса ҳам,
Жаннат кўрингур кўзима андоқки бир байт
ул-ҳазан[5].

[illegible] кова[6] тиксаму, шавқида афғон айласам,
Ёки Амир [illegible] ул Юсуфи гулпираҳан?

---

[1] Вайс ул-Қаран — Муҳаммад алайҳиссаломни [illegible] туриб, у зотнинг динига кирган, имон келтирган яманлик зот. Расулуллоҳ вафотлари олдидан муборак хирқаларини у кишига васият қилиб қолдирганлар.
[2] Эрам — афсонавий гўзал боғ. Ямандаги Од қавмининг ҳукмдори Шаддод ер юзида жаннат яратиш даъвоси билан уни бино этган эмиш.
[3] Фохта — қумри.
[4] Уқбо — охират.
[5] Байт ул-ҳазан — ғам-андуҳ уйи, ғамхона. [illegible] жигарбанди Юсуфдан ажралган Яъқуб алайҳиссалом [illegible] бир уй тиклаб, ўғилларининг йўлига кўз тикиб, кечаю кундуз йиғлай-йиғлай кўр бўлиб қолади. Бу уй байт ул-қазан номи билан машҳур. Баъзан дунё маъносида келади.
[6] Кова — чайла, капа.

* * *

Маҳрухсору қамарталъату зебодурсан,
Дилраболиғда диломому дилородурсан.

Юзи гул, кўзлари бодому қади сарви равон,
Ҳусн гулзорида шоҳи гули раънодурсан.

Рост айтай, сенга монанд йўқ, эй мояйи ноз[1],
Сиймтан, лоларуху ойинасиймодурсан.

Заъфарон бўлди юзум, боқмадинг, эй лолаузор[2],
Турфа бераҳму жафопешайи тарсодурсан.

«Алиф»и сарвқадинг ноз ила оростадур,
Жон аросида хиром айлаки, яктодурсан.

Шарбати лаъли лабинг жон берур ағёрга, лек
Мени ўлтурди кўзунг, гарчи Масиҳодурсан.

Ранжу ғам тоғида мен — Кўҳкану, сен — Ширин,
Ё узоринг мени Вомиқ деса, Узродурсан.

Юзларинг жилваси Лайлини қилибдур Мажнун,
Юсуфи даҳру жамол ичра Зулайҳодурсан.

Файзи анвори баногўшинг эрур субҳи сафо,
Меҳри рухсори ила хуршиди мужаллодурсан[3].

---

[1] Мояи ноз — ноздан яратилган маҳбуба.
[2] Лолаузор — лола юзли.
[3] Мужалло — жилоланган, ялтираган, сайқал берилган.



Бу қаду қомату бу ҳусну латофат бирлан
Офати жону, дили ошиқи шайдодурсан.

Ўтти шамшод аёғингги, санубар чекиб оҳ,
Сарвқоматлар аро барчадин аълодурсан.

Наргисинг шавқи баҳор этти хаёлимни, Амир,
Маҳи рухсор ила сарви чаманородурсан.

* * *

Ёрнинг аҳёрға аҳду вафоси бор экан,
Ошиқи бечорага жавру жафоси бор экан.

Зоҳид истар боғи фирдавсу мен ул ёр кўйини,
Ҳар кишини кўнглида бир муддаоси бор экан.

Фитналик қошин таманносида чекдим юз жафо,
Билмон, ул ой бошида қандоқ балоси бор экан?

Дилраболар жавр тиғи бирла қоним тўктилар,
Ишқ водийсини дашти Карбалоси[1] бор экан.

Дуди оҳимни жунун даштида кўрган эл деди:
«Ушбу водийнинг бир ўтлуғ аждаҳоси бор экан».

Мен бўлуб бегона ёру ошнодин ёр учун,
Лек онинг ҳар тараф юз ошноси бор экан.

Кўзларим гарчи юзи шамъида равшандур, валек
Қошу кўзу хатту холининг қароси бор экан.

Бодадур ё васл, ё тиғи ажалдур, эй ҳаким,
Улки, дерсан ишқ дардини давоси бор экан.

Нуктайи жонбахшига кўнгул нечук бермай, Амир,
Дилраболар ичра нутқи хушадоси бор экан.

---

[1] Карбало — Куфа яқинидаги саҳро. Ҳазрат Алининг ўғиллари Имом Ҳусайн Язидга қарши курашда шу ерда ўлдирилган.



* * *

Мазоқи жона ёди ул шакаргуфтор эрур ширин,
Нечукким, хаста бўлғон эл танига жон
эрур ширин.

Сен ул ширишамойилсенки,
лаълинг нўшхандидин[1]
Қачон сарчашмаи кавсар била ҳайвон[2]
эрур ширин?

Дедилар: «Лаъли нобу шарбати унноб
шириндур»,
Менга андин лабинг ҳажрида ичган қон эрур
ширин.

Ўқунг гар найшакардин бўлмаса, эй сарвқад,
невчун —
Шунга номига андин лаззати пайкон эрур
ширин?

Мен истаб ёр васлин, сен тиларсан жаннат,
эй зоҳид,
Сенга кавсар майи, менга лаби жонон эрур
ширин.

Деди, тоғ узра бутмиш лолау наргис,
фалак жаври
Тўкуб Фарҳод қонини, анга ҳайрон эрур Ширин.
Амир, ишқу муҳаббат нашъасидин йиғларам
ҳар дам —
Не, ошиқларга оби дийдаи гирён эрур ширин.

---

[1] Нўшханд — чиройли табассум, ширин кулги.
[2] Ҳайвон — тириклик суви, оби ҳаёт.

* * *

Лабинг аччиқ сўз айтиб, бўлди андин коми
жон ширин,
Бу соғар ичрадур мавжи шароби арғувон ширин.

Лабинг васфини такрор айлабон лаззат топар
кўнглим,
Агарчандики, ҳалво зикридин бўлмас даҳон[1]
ширин.

Мен ўлдум ёр учун, сен жон талашдинг лаълидин
андак,
Сенга жон эрди ширин, менга ул ороми жон
ширин.

Шакаргуфторлар лаъли ҳадисидин[2]
десам ҳарфе,
Бўлур ҳар лаҳза тўтидек менга коми забон
ширин.

Қилиб зуҳду риёни, ишқдин инкор этур зоҳид,
Ани маъзур тут, эшшакка ҳалводин самон
ширин.

Қаноатпешага роҳат эрур оламда қаттиқлиқ,
Таажжуб қилма, гар бўлса хумоға[3] устихон[4]
ширин.

---

[1] Д а ҳ о н — оғиз.
[2] Ҳ а д и с — сўз, гап.
[3] Ҳ у м о — кимнинг бошига сояси тушса, у бахтли бўлади деб эътиқод қилинадиган афсонавий қуш.
[4] У с т и х о н — суяк.



Бугун қайси шакарлаб васфини қилдинг,
Амир, инно?
Деди [illegible] кўргач, ул бути ширинзабон:
«Ширин!»

* * *

Сенга арзи ҳолимни айлай баён,
Қулоқ солгил, эй сангдил[1], бир замон.

Эрурсан паричеҳралар сарвари[2] —
Ки, етмас сенга мунча оҳу фиғон.

Сен ағёр базмида сархуш бўлуб,
Мени айлади дарду ғам нотавон.

Бу Мажнунни расвойи даҳр эттилар,
Парирўйлар илкидин алъамон![3]

Юзунг ўлди хат сабзасидин баҳор,
Менинг боғи айшимни қилди хазон.

Юзунг бирла хаттинг ғамидин менга
Гул эрмиш ҳамону ҳамону ҳамон.

Ишим бўлди ишқ ичра девоналиқ,
Агарчанд эрурман Амири замон.

---

[1] Сангдил — дили тош, бағри тош, кўнгли қаттиқ.
[2] Сарвар — етакчи, сардор.
[3] Алъамон — уйдов сўз: ёрдам беринг, қутқаринг — омонлик ва паноҳ истаб қилинадиган нидо.



* * *

Тажаллий ламъаси — миръоти рухсоринг эрур
аҳсан[1]!
Такаллум айлаганда дурри гуфторинг эрур аҳсан!

Хиромон айладинг кабки дарийдек[2],
хўблар шоҳи,
Малак кўк тоқи узра айди:
«Рафторинг эрур аҳсан!»

Дедим мен: «Даҳр бозорида сенсан Юсуфи
соний!»[3]
Берур маҳшар нишонин — гарми[4] бозоринг
эрур аҳсан!

Муҳаббат кишварида ҳалқайи зулфунгга
осилсам,
Жунун аҳли дегай: «Мансурдек доринг
эрур аҳсан!»

Вало дингида Мажнун айди:
«Ишқ ичра сенга сўз йўқ!»
Вале Лайлинасаб, нозофарин ёринг эрур аҳсан!

Жамолинг жилвасин кўрган замон Юсуф
хижолатдин

---

[1] Аҳсан — яхши, энг гўзал, аъло.
[2] Кабки дарий — тоғ каклиги.
[3] Юсуфи соний — иккинчи Юсуф.
[4] Гарм — иссиқ, қизиган.

Дер эрди: «Заррамен, хуршиди рухсоринг
эрур аҳсан!»

Бути наврастасен, куфр аҳлини ойинини туздунг,
Муаттар кокулингдин белда зунноринг
эрур аҳсан!

Тағофул бирла қилдинг қошинг узра юз
шикан[1] айлаб,
Итоб ила уюрдинг лабни, озоринг эрур аҳсан!

Сариғ рухсорим узра қонли ёшимни кўруб айди:
«Хазон янглиғ юзунгда ашки гулноринг эрур
аҳсан!»

Латофат офтоби — оразинг, сарви сиҳи —
қаддинг,
Сочинг бирла кўзунгдур, мори беморинг эрур
аҳсан!

Кўзунг бемор эди, уйқу чоғи беморроғ ўлди,
Амири ноз айди: «Хобу бедоринг эрур аҳсан!».

---

[1] Шикан — бу ерда: буралиш, чин.



* * *

Қуймади ғамлиқ кўнгулни нохуни ҳасрат бутун,
Тоғни Фарҳоддин андоқки, кўҳи Бесутун.

Эй пари, ишқ оташи бирла танимни ўртагил,
Ўтга куйдурмоққа қолибдур бу қоқшолғон[1]
ўтун.

То шарардин ул маҳи хиргаҳнишин[2]
бўлди ниҳон,
Дуди оҳим осмон хиргоҳига бўлди сутун.

Дедиким: «Кўнглунг нечук ҳажрим ғамидин
порадур?»
Шишаким, тош остиға тушти,
нечук қолғай бутун?

Ҳажр шомида фиғоним ўртади афлокни,
Йиғи зоримдин ул ой огоҳ эмас лекин бу тун.

Гул уза сунбул буроқмиш[3],
ўтнинг атрофида дуд,
Шамъи рухсориға ул зулфи муанбардур тутун.

Ишқ аро бу нотавон кўнглум нечук топқай
амон?
Ўғри жоду кўзларингнинг фитнасидин юз қуюн.

---

[1] Қоқшолғон — қуруқ.
[2] Хиргаҳнишин — чодирда ўтирадиган.
[3] Буроқмоқ — айланмоқ, бурқсирамоқ.

Ул сиҳиқад кийди мавзун қаддиға гулгун қабо,
Сарв кўргач боғ аро айди: «На зебодур бу кун!»

Ул алиф янглиғ бурун шакли муқаввас қош аро
Икки мушкин тоқнинг остидадур сиймин[1]
сутун.

Кўзи ўлтурмак эди, зулфи аёғиға тушуб,
Қилди ул қотилдин ошиқнинг гуноҳини ўтун.

Оғзию холу хати рамзига ҳайронмен, Амир,
Шарҳин этмак бирла ҳаргиз бўлмади ҳал бу
мутун[2].

[1] Сиймин — кумушдан қилинган, кумушга ўхшаш.
[2] Мутун — тугунлар.



* * *

Менинг мастлидин кўзларинг ўлтурди,
соғ ўлсун!
Кўзум сарчашмаси ул икки оҳуға булоғ ўлсун!

Табассум зоҳир эт ширин лабингдин,
инфиол айлаб,
Шакарханд айласун гул, ғунча андин бедимоғ
ўлсун!

Кўзум то кўрди гавҳардек тишингни лаъли
ноб ичра,
Ажаб эрмас, сиришкимдинки дурри шабчароғ[1]
ўлсун!

Сени гавҳар тишингни васфини дарёга арз айлай,
Садаф[2] они эшитмоққа сарапо бир қулоғ
ўлсун!

Чу май ичтинг, юзунг гулзорини мендин
ниҳон этма,
Кўзум ойинаси акси жамолинг бирла боғ ўлсун!

Юзунг гулшанда очким, гул яқосин
чок-чок этсун,
Қаро холингни кўрсат, лола доғ устина доғ ўлсун!

[1] Шабчароғ — тунчироқ.
[2] Садаф — ичида марварид ҳосил бўладиган ҳуққа.

Паришонҳолмен машшота илги рашкидин
ҳар дам,
Анинг сочига бориб, хаста кўнглимдин тароғ
ўлсун!

Менингдек ким дамодам донайи холингга
майл айлар,
Кўнгул сайдига, ё Раб, ҳалқайи зулфунг
тароғ ўлсун!

Бу гулшан қушлари гулзори рухсорингни
шайдоси,
Амиру ё гадодур, хоҳ булбул, хоҳи зоғ ўлсун!



* * *

[illegible] мен, барҳаман зуннордин
айрилмасун,
Ҳеч ким олам аро ўз коридин[1] айрилмасун!

[illegible] кўнглум фурқат ичра шомдин
то субҳидам
Дер они: «Ё Раб, киши дилдоридин айрилмасун!»

[illegible], эй дўстлар, Мажнуни саргардонғаким,
Мен каби ким дашти ичра ёридин айрилмасун.

Кетти Мажнуну жунун даштида мен қолдим
ғариб,
Ҳеч ким ҳампешаю[2] ҳамкоридин айрилмасун!

[illegible] даврон аро шўри қиёмат ошкор,
[illegible] чоғи парда гул рухсоридин айрилмасун.

[illegible] они ҳажрида ҳасратдин ўлдум, ҳеч ким —
Мен каби даҳр ичра йўқу боридин айрилмасун!

Зулфидин айру не савдолар тушубдур кўнглума,
Бу ҳайни Мажнун жунун тумморидин
айрилмасун!

---

[1] К о р — иш.
[2] Ҳ а м п е ш а — ҳамкасб.

Нўшдорудур ҳазин кўнглум учун ширин лаби,
Ё Раб, ул бемор бу тиморидин айрилмасун!

Ҳажр ўлмакдин батардур, ошиқи бехонумон
Жондин айрилсуну аммо ёридин айрилмасун!

Боиси роҳат эмиш кўнглумга ғафлат зулмати,
Бу синуқ ойина ўз зангоридин айрилмасун.

Хаста кўнглум ёр мушкин зулфидин айру, Амир,
Тушмасун, яъни бу гавҳар торидин айрилмасун.



* * *

Мени бехонумон васлига бўлмоқлиқ қарин[1]
таҳсин!
Фиғону нола қилсам, айламас ул маҳжабин
таҳсин!

Нигин[2] лаълу тожи зарни айлар орзу шаҳлар,
Бошингда тож эрур хуршиду анжумдин нигин
таҳсин!

Фироқинг шомида, эй нозпарвар, ғуссадин ўлгум,
Санингдек нозаниндин хаста жонга мунча кин
таҳсин!

Бугун, шоҳо, шаробу шоҳиди соқийни хуш
туттинг,
Кўриб бу манзалатни[3] айлади хоқони
Чин таҳсин!

Парисен, ё малаксен, эй пари, ҳусну латофатда,
Санингдек нозанин келмас зи насли мову
тин[4] таҳсин!

Юз узра турраси зебо эрур гул узра сунбулдек,
Лаби устида холи хуш, шакар узра чибин таҳсин!

Амир, ул нозанин савдосидин ошуфтаҳол ўлсам,
Қилур девонасига ул маҳи хиргаҳнишин таҳсин!

---

[1] Қарин — яқин, ҳамсуҳбат.
[2] Нигин — 1) узук; 2) муҳрли узук.
[3] Манзалат — қадр, қиммат, даража, мақом.
[4] Зи насли моу тин — сув ва тупроқ таркибидан.

19 – 1919

* * *

Чаманда сарви раъно қадду рафторингдин
ўргулсун!
Фалак авжида маҳ хуршиди рухсорингдин
ўргулсун!

Жаҳон боғида гулрухсору сунбулмўйлар[1]
кўптур,
Мутарро айлагон гисуйи таррорингдин ўргулсун!

Фидо бўлсун бинафша бирла райҳон хатту
холингта,
Гулу бодому наргис чашми бемoрингдин[2]
ўргулсун!

Рақиблар хайлига қилма жафо, ошиқлара қилгил,
Фалокат аҳлидур ул хайл, озорингдин ўргулсун!

Эрам руммони[3] себи[4] ғабғабингнинг
садқаси бўлсун,
Жинон[5] боғи анори орази норингдин ўргулсун!

Кўзум гавҳарлари жон жавҳари бирла санга,
эй шўх,
Лабинг ёқути бирла дурри гуфторингдин
ўргулсун!

Кўзумнинг манзарида жилва қил, ағёрға боқма,
Амири хуснсан, ойина дийдорингдин ўргулсун!

---

[1] Сунбулмўй — сунбулсоч.
[2] Чашми бемор — сузук кўз, хумор.
[3] Руммон — анор.
[4] Себ — олма.
[5] Жинон — жаннат.



* * *

Зиҳи ҳусну жамолинг, эй бути нозофарин,
таҳсин!
Ҳилолин ой юзунг даврида зулфи анбарин, таҳсин!

Жамолинг кўргатиб, зулфунг ёшурмишсан,
таажжубким,
Бу найранг ила қилдинг, эй санам, торожи дин,
таҳсин!

Гули хуршиди рухсоринг, қади сарви
хиромонинг —
Кўруб боғ ичра ҳар дам айлагай хулди барин[1]
таҳсин!

Нигоҳ тез айлабон сўрдунг:
«Надур бу талх гуфторинг?»
Дедим: «Бу заҳри тарёк[2] ичра нуқли
ангабин[3], таҳсин!

Кишинг йўлида пири тариқатдин кам ўлмассан,
Муқаррар бегумону шак қилур аҳли яқин[4]
таҳсин!

Каломинг исми Аъзамдур, лаби лаъли Масиҳодек,
Ани кўрган талаб қилмас Сулаймондин нигин,
таҳсин!

---

[1] Хулди барин — жаннат боғи.
[2] Тарёк — 1) афюн; 2) заҳарга қарши дори.
[3] Ангабин — асал, бол.
[4] Аҳли яқин — сўфийлар, орифлар.

Ниқоб оч, оразинг кўрсат, кўтар ердин Масиҳони,
Сени кўргач, қилур хуршиди чархи чорумин[1] таҳсин!

Лабинг ёқуту руммони табассум бирла кўрсаткім,
Латофат бирла хўбликда санга чини жабин[2] таҳсин!

Амир, олам аро кўрсатса ҳар ён хурдайи навмин,
Дегай Қайсар анга юз марҳабо, Хоқони чин таҳсин!

¹ Ч а р х и  ч о р у м и н — тўртинчи осмон.
² Ч и н и  ж а б и н — пешонанинг тириштирилиши, аччиқланиш аломати.



* * *

Чаманим боғидур ул сарви дилоро мавзун,
Бирдур андин менга ул қомати зебо мавзун.

Шохча чоғида қадинг бирла баробар бўлмас
Ҳар нечук қоматини айласа зебо мавзун.

Найларнинг ҳусну латофатда саропо матбуъ[1],
Гули рухсори латифу қади боло[2] мавзун.

Ким зулфунгки, қадинг бирла баробар эрди,
Тунги оннинг ғамидин бошима савдо мавзун.

Ҳар қачонким, қади сарвингни хаёл этти кўнгул,
Айлади мисраъи фикримни ду[3] боло мавзун.

Ҳар саҳар оқ чекиб чарх уза ушшоқ киби,
Лаби жонбахшинги ёдида Масиҳо мавзун.

Бу ғазал бўлди Хўқанд аҳлиға машҳур, Амир,
Қилди таслим анга Равнақу Мирзо[4] мавзун.

¹ М а т б у ъ — табъга мувофиқ, манзур.
² Б о л о — баланд.
³ Д у — икки.
⁴ Р а в н а қ,  М и р з о — Амирий даври шоирлари.

* * *

Илоҳо, то қиёмат гирудоринг пойдор ўлсун!
Ҳусумат айлаганлар боши хоки пойдор ўлсун!

Узору ғабғабингга ўхшамас юз ранг ила ҳаргиз,
Жаҳон боғида хоҳи олмаю хоҳи анор ўлсун!

Сари таслим агар келтурмаса сен шоҳи одилга,
Фалакнинг неча кунлик гирудори бемадор ўлсун!

Кўрунмас кўзима рафтори қаддингни кўран
чоғда
Бу гулшан ичра хоҳи сарв эрур, хоҳи чанор
ўлсун!

Кел, эй соқий, мунунгдек шоҳи одил даврида
ҳар дам,
Қадаҳ тутгил паёпай, то менга рафъи хумор[1]
ўлсун!

Сикандар кўзгусини ташласун, Жамшид жомини,
Кўруб рангин қадаҳлар базминг ичра шармсор
ўлсун!

Сени кўргач, бу янглиғ нағма айлар булбулу
қумри,
Илоҳо, сарв янглиғ боғ аро умрунг ҳазор[2] ўлсун!

---

[1] Р а ф ъ и  х у м о р — кайфнинг ошиши, мастликнинг кучайиши.
[2] Ҳ а з о р — минг.





Муҳаббат гулшанида қоматинг сарвини
кўрганда,
Дуо қилмоққа гулрухлар кафи барги чанор
ўлсун!

Амир, ул шоҳнинг айди бу ашъорингни кўрганда:
«Адолат тахти узра то жаҳон борича бор ўлсун!»

* * *

Нажот истар киши шаръи набийда устувор
ўлсун!
Тутуб суннат йўлин, ёронларига дўстдор ўлсун!

Анинг табъиятидур обрўйи динию уқбо,
Ўшалким, шаръни хор айласа, оламда хор ўлсун!

Бузуб бидъат асосин, шаръ бунёдин баланд
эттим,
Менга бу мулку давлат то қиёмат пойдор ўлсун!

Сени истаб агар туфроқ бўлсам, ё Расулуллоҳ,
Ғуборим зарра-зарра сенга чашми интизор
ўлсун!

Қачонким остонинг туфроғида айласам манзил,
Ики гирён кўзум Замзамдек[1] анда чашмасор[2]
ўлсун!

Йўлунгда гоҳ дашту гоҳ тоғ узра борай ўздин,
Танимда хору хоро захмидин юз хор-хор ўлсун!

Чиқиб ер қўйнидин бир тун, яна азми висол
эттим,
Фалак хоки раҳинг, эй Хисрави Рафрафсувор,
ўлсун!

---

[1] Замзам — Каъба ёнидаги муқаддас булоқ.
[2] Чашмасор — чашмалари кўп бўлган жой, чашмазор.



Эмас мумкин менга васлинг ҳарими ичра
хос ўлмоқ,
Не давлатдур, десанг: «Кўюмдаги итларға
ёр ўлсун!»

Агар айтур гаҳу бегоҳ[1] шафоат кўз
тутуб ондин:
«Ҳарими[2] даргаҳинг, ё Раб,
менга дор ул-қарор[3] ўлсун!»

---

[1] Бегоҳ — мавридсиз, бевақт.
[2] Ҳарим — 1) хос жой; 2) Каъба.
[3] Дор ул-қарор — тинчлик, хотиржамлик уйи, тўхташ жойи.

* * *

Даҳр аро бир мен каби расвои олам бормукин?
Бўлмаған ҳижронида васлига маҳрам бормукин?

Гоҳ Мажнун, гоҳ Фарҳод ибтилосидур[1] менга,
Ишқ аро, эй дўстлар, мен чекмаган ғам
бормукин?

Бўйла гирён кўз билан ул гулга маҳрам
бўлмадим,
Мен киби боғи муҳаббат ичра шабнам
бормукин?

Не учун ошиқлиғимни таън этарсен кимсага,
Ишқ дардин чекмаган даҳр ичра одам
бормукин?

Эйки, кўрдунг шабнаму булбул, чаманда мен киби
Ноласи пайвастаю ашки дамодам бормукин?

Пора-пора қилди ғам тийғи била кўнглумни ёр,
Эй ҳакими даҳр, бу захмимга марҳам бормукин?

Кимсаким, ойинарўлар илгида жоми тараб —
Кўрса, анга ҳасрати Искандару Жам бормукин?

Эй фалак, саргаштамен ишқ ичра дашту тоғ аро,
Қайсу Фарҳодингдин ўзга менга ҳамдам
бормукин?

---
[1] И б т и л о — мубталолик, балога гирифторлик.



Каъбаи кўйини тавф этган кишидин қил савол,
Анда гирён кўзларимдин ўзга Замзам бормукин?

Кўйи тавфида аносир[1] рахшини[2] сурдим, Амир,
Мундин ўзга ҳеч ахшаб бирла адҳам[3]
бормукин?

---
[1] А н о с и р — унсурлар, моддалар.
[2] Р а х ш — жуда югурик от.
[3] А д ҳ а м — қора, қора тўриқ от.

* * *

Сунбули зулфунгни тарқатма, сабо қўзғолмасун!
Жамъ қил, ҳар гўшада[1] юз бенаво қўзғолмасун!

Хат чиқардинг, юзда зулфунгни паришон
этмаким,
Рум аро ғавғо тушуб, Чину Хито қўзғолмасун!

Берма, эй машшота, хатту хол ила зулфига зеб,
Кўрмасун эл фитна, ошуби бало қўзғолмасун!

Ғамза тийғин бермаким, бебокдур наргисларинг,
Раҳм қил, мулки жаҳон сар то бапо қўзғолмасун!

Юз қизортиб бодадин, ўт ёқма олам аҳлига,
Куймасун бегона андин, ошно қўзғолмасун!

Айдим: «Айлар жону дил лаълингта етмак орзу»,
Кулди-ю, айдики: «Турсун жобажо, қўзғолмасун!»

Ишқ мулкин шоҳидурмен, зинҳор аҳли жунун
Чекмайин оху алам, бемарҳабо қўзғолмасун!

Мен гадони сарвқадларга мурид[2] ўлди дема,
Зуҳд аҳли қаҳр ила олиб асо қўзғолмасун!

---

[1] Г ў ш а — бурчак.
[2] М у р и д — толиб, талабгор, бирор шайх ёки пирга қўл бериб, унга эргашувчи.



Чекма ошиқларни ўлтурмак учун тийғи ситам,
То яна ғавғойи дашти Карбало қўзғолмасун!

Ҳусн Амири, бир қулунгдур ҳар жаҳонгири
замон,
Ҳажр торожига қўзғолсинму ё қўзғолмасун?

* * *

Юрмагил, эй бод, ул зулфи дуто қўзғолмасун!
Рўзгорим соядек айлар қаро, қўзғолмасун!

Меҳри рахшондек юзунг кўрсат мусулмонлар
учун,
Иқди зулфунг очма, эй бутким, Хито қўзғолмасун!

Кўнглуми жамъияти хуштур паришон зулфида,
Раҳм қилғил, тегма, эй машшота, то қўзғолмасун!

Кўзларингни шўх боқмоқлиққа
рухсат бермаким,
Фитналар бедор ўлуб, хайли бало қўзғолмасун!

Сунбули зулфидадур ошуфта кўнглим
маъмани[1],
Гулшани ҳусни аро, ё Раб, бало қўзғолмасун!

Эй жамолинг офати айём бошидин то аёқ,
Очма бурқаъким[2], жаҳон сар то ба по
қўзғолмасун!

Гул юзунгда сунбули зулфунгни
чўх тарқатмағил,
Токи ганжи ҳуснинг узра аждаҳо қўзғолмасун!

---

[1] М а ъ м а н — 1) ватан; 2) тинчлик, омонлик.
[2] Б у р қ а ъ — парда, ҳижоб, ниқоб.



Тиғ олиб, ишқ аҳлиға берма шаҳодат[1]
ваъдасин,
Сабқат истаб, ҳар сори то можаро қўзғолмасун!

Ул ёқар оламға, тиғи ноз ила қонлар тўкар,
Манзилидин, ё Раб, ул гулгунқабо[2]
қўзғолмасун!

Ғоибдур ғурбат, дуо айларман, ўз маъвосидин,
Гар Амир эрса ва гар бўлса гадо, қўзғолмасун!

---

[1] Ш а ҳ о д а т — шаҳидлик.
[2] Г у л г у н қ а б о — қизил тўнли, қизил тўн кийган.

* * *

Ити айлар шикоят ҳар дам ул маҳваш
гадосидин,
Киши кўргон эмас бу жаврни ўз ошносидин.

Нечук ҳижрон ғамидин изтироб этмай мени
мажнун —
Ки, эл ғавғоя келди хаста кўнглум можаросидин.

Қадим хам бўлди ғамда ҳам кўнгул юз чок-чок
ўлди
Анинг мижгон хаданги бирлаю ҳам қоши ёсидин.

Табибо, сўрма аҳволимни, ранжи ишқ эрур
мушкул,
Тушубтур бошима бу дард — ожизман давосидин.

Кўнгул ҳасрат била қон ўлди, эй машшота,
раҳм айла,
Ани манъ этмагил, ул сиймбар илги хиносидин.

Паёми васл агар еткурса ул гулдин сабо пайки,
Қутулгайму кўнгул ишқ ичра ҳижрон
ибтилосидин.

Магарким содадилдур ойина варна муҳол эрмиш
Таманно айламак миръоти ҳуснунгнинг
жилосидин.

Жунундинким шикоят айларамки, шукр изҳори
Гаҳи жавру жафосидин, гаҳи меҳру вафосидин.



Агар кўнглумни юз чок айласам,
бир зарра суд этмас,
Хабар олмайдурур ул бевафо бу мубталосидин.

Кўруб рухсорини, қон бўлди бағрим,
сўрма аҳволим,
Кўнгулга юз жафодур кўз деган расво
балосидин.

Мен эрдим интизори жилваю бу доғни кўрким,
Кўзни ойина равшан айлади меҳри лиқосидин.

Агар май бирла шоҳид бўлмаса манзури
аҳли дил[1],
Не ҳосилдур, Амир, оламни айши бебақосидин.

[1] Аҳли дил — сўфийлар, маърифат аҳли, орифлар.

* * *

Чаманда лолау гулдурму ё гулгун узорингму?
На бодому на наргис — икки чашми
пурхуморингму?[1]

Деб эрдинг: «Сабр қилғил — васл айёми бўлур
ҳосил»,
Бу ялғон ваъда бирла кўнглума берган
қарорингму?

Деди ойина: «Мен ҳайратда қолдум оразин
кўргач,
Азал наққоши[2] тасвир айлаган бемисл
ёрингму?»

Дедим ул ойни кўргоч: «Сенга ишқим бору
сабрим йўқ»,
Кулуб айди менга юз ноз ила:
«Бу йўқу борингму?»

Мени саргашта кўргоч ишқ даштида, деди
Мажнун:
«Қуюнму ё бу водий ичра саргардон
ғуборингму?»

Менга бир боқмайин, эй шўх,
Мажнундин батар қилдинг,
Тағофулдурму ё бу ноз, ё ошиқдин оримгму?

---

[1] П у р х у м о р — жуда хумор, маст; мажозан: гўзал кўз.
[2] А з а л  н а қ қ о ш и — Худо.




Қулуб қулбамға кирди — кўрди гирён кўзда
ёшимни,
Нисор этмакка инжу ёки ашки шашқорингму?

Дедим: «Жоно, қадинг сарвиға чирмашғон
на сунбулдур?
Ни афъимудур[1] ё икки зулфи зулфи
тобдорингму?»[2]

Амиро, ҳусн таърифида бир рангин[3]
ғазал айдим,
Деди: «Ширин сўзингму ёки дурри
шоҳворингму?»

---

[1] А ф ъ и — илон; мажозан: соч, зулф.
[2] З у л ф и  т о б д о р — жингалак соч.
[3] Р а н г и н — гўзал, ёқимли.

* * *

Эй кўнгул, ҳолингни ёшурмоққа имкон қолдиму?
Фош бўлмай ишқ сири, ҳеч пинҳон қолдиму?

Фурқати шомида аҳволимни сўрма, эй рафиқ —
Ким, менга лаълидин айру тупгали жон
қолдиму?

Дема, сунбул, мен киби ҳолинг недин ошуфтадур?
Зулфиға нисбат топан бўлмай паришон
қолдиму?

Чатр[1] урмиш жисм аро кўнглум қуши товусдек,
Кўнглума, билмонки, асру[2] доғи пинҳон
қолдиму?

Қоши ёйи ҳажрида, билмам, кўнгулдур, ё магар,
Ўқини чеккон маҳал сийнамда пайкон қолдиму?

Нисбати йўқ мен била Фарҳод ила
Мажнунниким,
Ишқида мен кезмагон тоғу биёбон қолдиму?

Кўзгу изҳори таҳайёр айламиш мендек, Амир,
Бир боқиш бирла ани юзига ҳайрон қолдиму?

[1] Чатр — соябон, чодир.
[2] Асру — кўп, беҳисоб.



* * *

Қоши кўнглим иқомат айламиш зулфи нигор
ичра,
Қуш бир қуники, айлар ошиёнин шохсор[1] ичра.

[illegible] рухсоринг узра бўлмоғини анга ўхшаттим,
[illegible], гўйиё бир лолазор ичра.

Кел, эй соқий, қадаҳ тут, ишрат айёмин
ғанимат бил —
Ки, чўқ зебандадур[2] ёр ила май ичмак баҳор
ичра!

Низор[3] ўлган таним андуҳ қонунига ёр ўлмиш,
Наволар айларам мизробдек жисми низор ичра.

[illegible] қилиб, лаълингдин ўлди юзунга
ҳойил[4],
[illegible] офтоб андоққи, тўфони ғубор ичра.

Тавофи кўйи дил қилдим, муҳаббат ўтини ёқдим,
Нечунким, ўтқузурлар шамъ эл лавҳи мазор ичра.

Амир, ул сариқомат лаълига хат ошкор ўлди,
Зумуррад наба[5] бўлмас гарчи лаъли обдор[6]
ичра.

[1] Шохсор — шох-буток.
[2] Зебанда — жуда гўзал, муносиб.
[3] Низор — ориқ, нозик.
[4] Ҳойил — тўсиқ, парда, ғов.
[5] Наба — қон томири.
[6] Обдор — сержило.

* * *

Кўнгул, ошиқлиғини тарк этиб,
дарду бало чекма,
Вафосиз, бемурувват дилраболардин жафо
чекма.

Чу маълум ўлди — йўқтур кўз ёшартурдин[1]
бўлак нафъи,
Суманбарлар аёғи туфроғидин тўтиё чекма.

Бу гулшаннинг гулу сунбулида ҳаргиз вафо
йўқтур,
Фиғон қилма, эй қумрию эй булбул наво чекма!

Гули мақсуд очилмас, эй кўнгул, қосид паёмидин,
Кечиб бу муддаодин, миннати боди сабо чекма.

Чиқордим эмди бошдин сарвқоматлар
таманносин,
Дамодам, зоҳидо, қаҳр этма, бошимга асо чекма!

Чу шаҳ қасриға, эй наққош, чексанг салтанат
нақшин,
Гадолар кулбасиға ғайри нақши бўриё[2] чекма!

Фароғат истаюрсан, мулки истиғно Амири бўл,
Тилаб иқбол, нози сояйи боли Ҳумо чекма.

---

[1] Кўз ёшартурмоқ — кўзни ёшлантирмоқ.
[2] Бўриё — бўйра, қамиш палос.



* * *

Келмади кулбам аро ул сарви гуландом, оҳ!
Топмадим коми висолидин мени ноком, оҳ!

Гул юзини сунбули зулфи ниҳон этгон учун
Булбули саргаштани субҳини қилди шом, оҳ!

Ёр ҳижронида гоҳ шабнам киби, гоҳ шамъдек —
Субҳ чоғи йиғлар эрдим, чекмиш эрдим шом, оҳ!

Наргиси софи[1] хаёли-ла суроҳий[2] қон ютар,
Шўх салоним, лаблари ёдида чекмиш жом оҳ.

Мен бало водийсиға тушгим жунун аҳли киби,
Чунки ваҳший кўзлари оҳуси бўлмас ром, оҳ!

Ақл имдоди била ҳарчанд қилдим забти ҳуш,
Оқибат, бир дам кўнгулда тутмади ором, оҳ![3]

Шамъ мендек ошиқи ул моҳсиймодур магар
Негаким, оға[4] анга куймак эрур,
анжом[5] — оҳ.

Боғ аро бодому наргис неча чексун интизор,
Етмас анга ул Амири ҳусндин пайғом, оҳ!

---

[1] Наргиси софи — маҳбубанинг мусаффо, тиниқ кўзлари.
[2] Суроҳий — бўйни узун май идиши. Сўфийлар истилоҳида уни — ошиқлик, дўстлик мақомини суроҳий дейдилар.
[3] Илоҳий ҳақиқатларга ақл билан етиб бўлмаслиги, уни фақат кўнгил билан дарк этиш мумкинлиги туфайли тасаввуфда ақл ва кўнгил бир-бирига зид қўйилади.
[4] Оға — бошланиш, ибтидо.
[5] Анжом — оқибат, интиҳо, охир.

* * *

Паришон этма кокул даста-даста,
Бўлур ошуфта сунбул даста-даста.

Чаманда ёд этиб раъно қадингни
Хаёлим боглади гул даста-даста.

Юлуб, эй гул, ғамингдин берди барбод
Пару болини булбул даста-даста.

Қадаҳ лаълингга еттач, мавжи майдин
Гул очти соғари мул даста-даста.

Хатинг райҳонига килки хаёлим
Ёзар хатти тарассул[1] даста-даста.

Амир, очилди хомам рашҳасидин
Гули боғи тажаммул даста-даста.

[1] Т а р а с с у л — хат, нома намуналари.



* * *

Бу тун пири муғон базмида мен меҳмон тонг
отқунча,
Паёпай тут қадаҳни, соқий, беармон тонг отқунча.

Сени инжитмасун булбул киби фарёду афғоним,
Ғамнокий рухингдин, эй гули хандон,
тонг отқунча.

Муқобилдур юзунгга кўзгую мен рашкдин
ҳар тун,
Йироқдур уйқудин бу дийдайи гирён тонг
отқунча.

Димоғим чеҳрама хунобы ашкимдин тўкар ҳар ён
Кўзум мардумларидур ғарқайи тўфон тонг
отқунча.

Сени фикрингда бўлди қоматим хам,
эй камонабрў,
Қадалди кўксума юз новаки ҳижрон тонг
отқунча.

Лабинг шавқида ғам кунжида ҳасрат бирла
йиғларман,
Ёш ўрнига кўзумдин бўлди жорий қон
тонг отқунча.

Хату лаълинг кўруб, эй соқий, ичсам бода
илкингдин,
Насибимдур Масиҳу Хизр ила ҳайвон тонг
отқунча.

Нигоринг масти хоби ноз эрур, кўйида,
эй Мажнун,
Чекиб қилма мушавваш Лайлини афғон
тонг отқунча.

Бу кеча рашки жаннат бўлди бу майхоралар[1]
базми,
Қадаҳ лабрез[2], соқий сархуши эҳсон
тонг отқунча.

Агарчанди Амири ишқ эрур бо нусрату иқбол,
Ани ухлатмади шавқи рухи жонон тонг отқунча.

---

[1] М а й х о р а — май ичувчи, маст гўзаллар.
[2] Л а б р е з — лиммо-лим, тўла.



* * *

Ғурури оразинг эрмас ниҳон зери ниқобинда,
Эмас мастур[1] бу хуршид анвори саҳобинда.

Лабинг васлини истаб, ул биёбон узраким
кирдим,
Кўзим оби кавсар мавжзан[2] ўлди саробинда.

Ажаб эрмас, чамандин васлинг учун инхироф[3]
этсам,
Эмас ибарфишон гулбарг ул юз оби тобинда.

Саводи шоми зулфинг ичра рухсоринг ниҳон
ўлмиш,
Нечунким, меҳри рахшон ўлди нопайдо
саҳобинда.

Қуёш анворидин анжум кўзина ўлмади зоҳир
Хижолатлари, сендин қолди офтобинда.

Эрур лойиқ Амири мамлакат меҳру муҳаббатга,
Анга ўлмиш зарури ҳар нечаким ишқ бобинда.

---

[1] М а с т у р — беркитилган, пинҳон.
[2] М а в ж з а н — тўлқинланган.
[3] И н х и р о ф — чиқиш, четлашиш.

* * *

Ўзингни боғ аро, эй сарв, дилдоримга ўхшатма,
Ниҳоли қоматингни сарви рафторимга ўхшатма.

Хиром айлаб чаманда, мен сори ҳар дам
хитоб айлаб,
Ниҳоли сарв ила гул қадду рухсоримга ўхшатма.

Юзин гул, туррасин сунбул дедим,
ул сиймбар айди:
«Юзумни гулга, сунбул зулфи тарроримга
ўхшатма!»

Дема, эй боғбон, гул бирла сунбул,
наргисинг васфин,
Юзи гул, сочи сунбул, кўзи хумморимға ўхшатма!

Лабини шаҳд англаб, сўзини гавҳарга бенгзаттим,
Чучук тил бирла айтур:
«Дурри гуфторимга ўхшатма!»

Кўзим қон ёш тўкар, дам урма ўз доғингдин,
эй Мажнун,
Жунун паймонасини жоми саршоримга ўхшатма.

Табассум шарбатидин рухбахш ўлди-ю,
жонпарвар
Дамингни, эй Масиҳо, лаъли дилдоримга ўхшатма.



Дедим: «Мен телбадекдур ишқ аро Фарҳод
ила Мажнун»,
Деди: «Бебокларни ошиқи зоримга ўхшатма».

Кўнгулни қон этиб жавҳар чиқордим ишқ
баҳридин,
Садаф гавҳарларини дурри шаҳворимга ўхшатма.

«Тулуъ ойдур», — дедим рухсорини,
шадд[1] ўлди жононим,
Ғазаб бирла дедиким:
«Ойни рухсоримга ўхшатма!»

Ниҳоли давлатидин ишқ мулкининг Амиримен,
Неча Ширин ила Лайли эрур, ёримга ўхшатма.

---

[1] Ш а д д — шиддатли, аччиқланган.

* * *

Саводи хатту холинг жилвагар ўлмиш нигоҳимда,
Ажаб эрмас, агар мушк ўлса зоҳир дуди оҳимда.

Анинг холу хату зулфи билан ҳамранг
бўлмишмен,
Бале, хосиятедур, дўстлар, бахти сиёҳимда.

Сари кўйингни туфроғини бошим узра жо қилдим,
Эрур маншури давлат[1] гўшайи тарфи кулоҳимда.

Ани манзур этиб, хоки сари кўйунгча билмасмен,
Кўрунса Қайсару Фағфур жоҳи садди роҳимда[2].

Магар кўйингни тоши каҳрабо[3] эрдиму,
эй маҳваш,
Анинг жазбин[4] тасаввур айладим рухсори
коҳимда.

Сенинг ишқингда то машҳури олам бўлмишам,
бўлмиш —
Муҳаббат давлатидин жумла ишқ аҳли
паноҳимда.

---

[1] Маншури давлат — давлат ёрлиғи, фармон.
[2] Садди роҳ — йўл тўсиғи.
[3] Каҳрабо — сариқ рангли тош (эбонит).
[4] Жазб — тортиш, шимиш.



Қоронғу кун бузуқ кулбамда рухсорингни
ёд эттим,
Ики турини[1] қарорим олдилар оромгоҳимда.

Ажаб, ул ой тамашоси била ишқ эрди дилхоҳим,
Эрур бу шеъва зоҳир жумлайи хайли сипоҳимда.

---

[1] Ики тури — икки кўз назарда тутилади.

* * *

Баҳори оразинг гулзори бўлди сабзадин тоза,
Юзунг авроқи топмиш риштаи хаттинг-ла
шероза[1].
Ики фаттон кўзунг Чин шаҳридин бож олса,
тонг эрмас,
Хўтан мулкига тушмиш шуҳрати зулфунгдин
овоза.
Тараҳҳум айлабон ишқ аҳли қонидин
ҳазар қилдинг,
Қошингга вўсма чекма, оразингта қилмағил ғоза.
Юзин кўрсатмаюб, қилмай такаллум,
куйидин қовмоқ —
Жафочи бемурувватларга сендиндур бу андоза.
Кўнгулдин сабру бошдин ҳушу тандин жон олур,
ул дам —
Туруб уйқусидин номеҳрибоним,
чекса ҳамёза.
Мени бедилки, султони хаёлинг орзуси-ла
Кўнгул шаҳрида қурдум бу жиҳатдин неча
дарвоза.

[1] Шероза — китобни муқовалашда унинг саҳифалари сочилмасин учун ипак билан тикиш.



[illegible] бож олурман ишқ мулкида,
[illegible] ҳар дам чекарман неча
жаммоза[1].

[illegible], сен ҳусн шоҳи, эй камонабрў,
[illegible] хаёли айламиш тоза.

[illegible], дедим, эшиттил, Юсуфи соний,
[illegible] қурдум шоҳроҳинг узра бир коза.

[1] Жаммоза — югурик туя.

* * *

Эй, дудоғинг рашки кавсар хатти райҳон устина,
Сабзаедуркнм, чиқибдур оби ҳайвон устина.

Ул алиф бўйлу қоши нуни[1] аро холимидур,
Ё битилгон нуқтаедуркнм, ўлур жон устина.

Эй малаксиймо, самандинг наълиға этмас қазо[2],
Гар кўторса бу қуёш гардуни гардон[3] устина.

Кўз ёши селоби узра кўнглум айлар изтироб,
Уй ясомоғдин ҳубоб андоқким уммон устина.

Қонеъам[4] ҳажрингда, эй гул,
берма келмак ваъдасин,
Васл доғи қўймағил андуҳи ҳижрон устина.

Маҳлиқоларнинг хати даврига кўз солдим, Амир,
Кўрмадим сендек қамарсиймони даврон устина.

[1] Н у н — араб алифбосидаги «н» ҳарфининг номи; мажозан: хамлик, эгиклик, қайрилмалик.
[2] Қ а з о — тақдир.
[3] Г а р д у н и г а р д о н — айланувчи фалак.
[4] Қ о н е ъ — қаноатланган.



* * *

Лабинг узра хатингдек ёзмади роқим[1]
руқуминда[2],
Қаламдек мисраъе йўқ бедилу нозим[3]
нузуминда[4].

Такаллум бирла доно зуфунунларни забун
эттинг,
Қалимонинг, сен айтдинг, йўқтурур олам
улуминда[5].

Нечук қилмай кўзунг қатлимга чекти ханжари
мижгон,
Бу жаври бениҳоят қайси бир золим зулуминда.

Шаби торимни равшан айлади шамъи
шабафрўзинг[6],
Бу янглиғ маймanatлар[7] топтим ул қодим[8]
қудуминда.

[1] Р о қ и м — ёзувчи, рақам чекувчи, котиб.
[2] Р у қ у м — ҳарфлар, ёзувлар.
[3] Н о з и м — шоир.
[4] Н у з у м — назмлар, шеърлар.
[5] У л у м — илмлар.
[6] Ш а б а ф р ў з — тунни ёритувчи.
[7] М а й м а н а т — бахтиёрлик, хурсандчилик.
[8] Қ о д и м — қадам қўювчи, келувчи.

Наволи[1] хуни дил эттим ғизо лаълинг
ҳавосидин,
Эмас бу шарбати жонбахш бир тоъим[2]
туъуминда[3].

Жунуп кўйиндаким қўйсам қадам,
кўп шарт эрур лозим,
Бири улдурки, расволиқ эрур лозим лузуминда[4].

Наби шаръи била дин мулкин обод айласанг,
йўқтур —
Амир Темуру Чингиз бу ики росим[5] русуминда.

[1] Н а в о л — 1) опам, луқма, тишлам; 2) ризқ-насиба.
[2] Т о ъ и м — ошпаз, овқат тайёрловчи.
[3] Т у ъ у м — таомлар.
[4] Л у з у м — лозим бўлган нарсалар.
[5] Р о с и м — расм-русум қилувчи, одат қилувчи.



* * *

[illegible] жилва айлар гарчи нозирлар[1]
нузуринда[2],
[illegible] эмас мавжуд ҳозирлар ҳузуринда.

[illegible] пинҳон, лек осори таайюндин[3]
[illegible] кўрармен барча зоҳирлар зуҳуринда.

[illegible] ғубори сабзаи райҳондин
ортуқдур —
[illegible] нусхае йўқтур ҳеч сотирлар[4]
сутуринда.

[illegible] бир нукта мазмун айладим,
алҳақ[5],
[illegible] бўлмас ҳеч шоирлар шууринда.

[illegible], базми васл аро шодоб эдим
ҳар тун,
[illegible] йўқ эрди анда хотирлар
хутуринда[6].

[1] [illegible] — қараб турувчи, назоратчи.
[2] [illegible] — назарлар.
[3] [illegible] — аниқ бўлиш, маълум бўлиш.
[4] [illegible] — беркитувчи.
[5] [illegible] — рости, ҳақиқатан.
[6] [illegible] — хотирлар, эсга келиш, кўнгилдан ўтиш.

Ул ой ҳар нечаким қилди жафо, сабр эттинг,
эй кўнглум,
Сени ёд айлади аҳбоби собирлар[1] субуринда[2].

Амир аҳкоми бирла бўлди эл ҳақ динига роғиб,
Ки, бўлмас бўйла истеъдод омирлар[3] умуринда[4].

---

[1] С о б и р — сабр қилувчи.
[2] С у б у р — сабрлар.
[3] О м и р — буюрувчи, ҳоким.
[4] У м у р — амрлар, буйруқлар, амаллар.



* * *

Юзунг мусҳаф дедим, бўлдим жамолинг
сирридин огаҳ,
Анинг туғросида[1] кўрдим қошингни икки
«Бисмиллаҳ».

Бир оқшом равшан эттинг кўк шабистонини,
андин сўнг
[illegible] моҳитобон кўрмади бу нилгун хиргаҳ.

[illegible] [illegible] маъонидин ломакон сайрига азм
этгач,
Бу йўлда [illegible] хоки роҳинг ўлди,
Арш — манзилгаҳ.

Раҳи шаръингни туттум, бордур уммиди нажот
андин,
[illegible] [illegible] айлаб, ёна айтурдин
«маъозаллаҳ»[2].

[illegible] анбиёлар шоҳию кавнайн[3] султони,
Не ғам [illegible] маҳшардин, шафеъим бўлса
сендек шаҳ[4].

---

[1] Т у ғ р о — бу ерда: сарлавҳа, хат бошидаги муҳр.
[2] М а ъ о з а л л а ҳ — Оллоҳ сақласин.
[3] К а в н а й н — икки олам.
[4] Маълумки, Муҳаммад алайҳиссаломга қиёмат кунида [illegible] шафоат қилиш ҳуқуқи берилган — бу ерда шунга ишора қилинмоқда.

Қадинг сарви учун шамшод уза қумри чекар
«ку-ку»,
Юзунгта наът ўқуб, гул шохида булбул қилур
«чах-чах».

Аёғинг туфроғи бошим уза тожи саодатдур,
Амири олами иқболмен топсам кўюнгта раҳ.



* * *

[illegible] фурқати даҳр аро адам этти ному
нишоними,
[illegible] бу хастага, эй фалак, ситам этмагил,
ол жоними.

[illegible] сарвдин кўнгул ичра ваҳму
хаёллар,
[illegible] кўран замон адам этти ваҳму
гумоними.

[illegible] сурма чекон чоғи юзи бода тоб ила
кўрса кўз,
[illegible], сайли сиришк ила бузар
ул макину[1] макониму.

[illegible] тўкти сиришкими, кўзум ул замон
кўрубон юзин,
[illegible] ҳасрати қоматинг кўкка еткурур
бу фиғоними.

[illegible] ситамгара: «Эй пари, қошу киприкинг
нетарам?» Деди:
«[illegible] жонинг аросида тут,
Амир, тийру камоними!»[2]

---

[1] Макин — макон соҳиби.
[2] Тийру камон — камон ва ўқ, бу ерда қош ва киприк назарда тутилган.

* * *

Саводи шоми зулфунгни кўруб деди масо[1],
ҳай-ҳай!
Деди рухсоринга ўтру ўлуб субҳи сафо, ҳай-ҳай!

Узори лолагундур ғоздин, кўз сурмадин шаҳло,
Не хуш зебандадур элларда ул ранги хиnо,
ҳай-ҳай!

Мени расвойи олам айламиш ишқинг таманноси,
Бошингдин ўргулай, кўп қилма эмди можаро,
ҳай-ҳай!

Тавофи остонинг муддаойи дину дунёдур,
Сари куюнг бўлубтур Каъбайи ҳожатраво,
ҳай-ҳай!

Урар булбул киби кўнглум юзунг гулзорида
чаҳ-чаҳ,
Деюр қумри киби сарвингни кўргач, беибо,
ҳай-ҳай!

Нигаҳ масти тағофул, ханда лабрези
малоҳатдур,
Такаллум — мавжи гавҳар, ҳусн — лабрези ҳаё,
ҳай-ҳай!

---

[1] М а с о — тун, кеч, шом.



Ғамин кўнглумда хунтур, ўлса пинҳон,
йўқса, дермишман:
«Амири мулки ишқам, ҳокими фармонраво,
ҳай-ҳай!»

* * *

Қошингға тегузмағил қаламни,
Бу хат била бузмағил рақамни.

Бутхоналар[1] ичра ҳеч тарсо
Бир кўрмади сен киби санамни.

Ошиқларингга тараҳҳум эттил,
Кўп айлама жавр ила ситамни.

Нақши қадаминг муяссар ўлса,
Найлай бу жаҳонда жоми Жамни.

Кўнглум қуши тойири ҳариминг,
Сайд этма кабутари ҳарамни.

То беватан ўлмасун кўнгуллар,
Зулфунгдин аюрма печу хамни[2].

Лаълинг ғамидин кўзум тўкар қон,
Беҳуда кечурмағил бу дамни.

Йўлунгда ғубори роҳ ўлдум,
Бошимға етурмадинг қадамни.

---

[1] Бутхона — бутпарастлар ибодатхонаси. Тасаввуфда лоҳут оламига ишора, яъни ваҳдати кулл бўлиб, аҳадият зотининг мазҳарияти маъносида келади.

[2] Печу хам — эшилиш, буралиш; бу ерда ранжу азоб маъносида келяпти.



Сен ёрдин ўзга кимга дерман
Кўнглумдаги дард ила аламни.

Бир коса шароби арғувоний
Помол қилур ҳужуми ғамни.

Иқлими вафо Амиридурсен,
Ей шаҳ, бу гадоға қил карамни.

**МУНДАРИЖА**

Эргаш Очилов, Зебо Қобилова
Ишқ мулкининг Амири . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 3
Ғазаллар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 35

Шарқ мумтоз шеърияти дурдоналари

АМИРИЙ

# ҚОШИНГА ТЕГУЗМАГИЛ ҚАЛАМНИ

Ғ а з а л л а р

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2008

Муҳаррир *Ш. Эргашева*
Бадиий муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Мусаҳҳиҳлар *Ж. Тоирова, М. Зиямуҳамедова*
Саҳифаловчи *Л. Бакова*

Босишга рухсат этилди 22.01.2008. Бичими $70x90^1/_{32}$. [illegible] гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 12,87. Нашриёт-ҳисоб табоғи 12,31. Адади 5000 нусха. Буюртма № [illegible]. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100083, Тошкент, Буюк Турон кўчаси 41.

А 60

**Амирий**

Қошинга тегузмағил қаламни: Ғазаллар / Амирий. — Т.: «Шарқ», 2008. — 336 б. — (Шарқ мумтоз шеърияти дурдоналари).

ББК 84(5Ў)1